

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАР”  
КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

(Семинар машғулотларда фойдаланиш учун савол-жавоблар)

**ТОШКЕНТ-2010**

Ҳамидова Муҳаббат Самандаровна томонидан “Ўзбекистон тарихи” фанидан амалий машғулотларда фойдаланиш учун тайёрланган ўқув қўлланма бир неча қисмдан иборат. Қўлланма асосан Ўзбекистон тарихи фани амалий машғулотларида фойдаланишга мўлжалланган. Унда Ўзбекистон тарихига оид савол ва жавоблар, тестлар, ўнлаб слайдлар, амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим дарсларида фойдаланиш учун янги пед технологиялар асосида тайёрланган жадвалли топшириқлар жамланган.

Ушбу ўқув қўлланманинг қулайлиги бири унда савол ва жавобларнинг жамланганлигидадир.

Шунингдек қўлланмадан ўрин олган кўргазма курул-слайдлар олинган билимларни янада кучайтиришга ёрдам беради. Улардан маъруза дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланган тарзда ўтказиладиган дарсликларда ҳам кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари қўлланмадан ўрин олган янги педтехнологиялар асосидан тузилган жадвалли топшириқлар талабаларни амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим дарсларида ўз билимларини бойитиш учун хизмат қилади. Ўқув қўлланмадан ўрин олган фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам талабаларга дарсдан ташқари ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича билимларини янада бойитиш учун зарурий манбалар ва илмий адабиётларни осон топиш учун замин яратади.

Умуман Ҳамидова Муҳаббат Самандаровна томонидан Ўзбекистон тарихи тайёрланган ўқув қўлланма амалий машғулот дарсларида фойдаланиш ҳамда талабалар билимини мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Мазкур ўқув қўлланма электрон версиясини “Зиёнет” ахборот таълим тармоғига жойлаштириш мумкин.

Ушбу қўлланма Тошкент кимё-технология институтининг илмий-услубий кенгашида чоп этишга тавсия этилган.

Тузувчи Ҳамидова Муҳаббат Самандаровна

## **“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИГА ОИД САВОЛ-ЖАВОБЛАР.**

### **1. Тарих тушунчаси нима маънони билдиради?**

**ЖАВОБ:** Тарих арабча сўз бўлиб, “ўтмиш”, “ўтган воқеалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш” каби маъноларни билдиради.

### **2. Тарих фани нимани ўргатади?**

**ЖАВОБ:** Тарих фани бутун инсониятнинг узок ўтмишда то ҳозирги кунгача босиб ўтган ҳаёт йўлини, авлоддан авлодга мерос қолувчи, доимо ривожланиб, бойиб боровчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, давлат қурилиши соҳаларидаги тажрибаларини, тарихий шахслар фаолиятини тартибга солинган ҳолда ўрганиувчи, тасвирловчи фандир.

### **3. Ватан тарихини ўрганишнинг зарурати ва аҳамияти нимада?**

**ЖАВОБ:** Маълумки, кишилиқ жамиятининг вужудга келиши узок ўтмишга бориб тақалади. Ўтмишни яъни тарихни ўрганиш эса давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки тарих фани миллий ўзликни англаш воситасидир. У халқ маънавиятининг асоси бўлиб, унда қадимдан шаклланиб келган миллий урф-одатларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий қадриятларимиз сайқал топган.

### **4. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети нима?**

**ЖАВОБ:** Тарих фани турли дунё халлари қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қандай ва нима учун ўзгариб, ҳозиргидай бўлиб қолганлигини ўрганса, Ўзбекистон тарихи эса унинг ажралмас қисми бўлиб, шу тарихий-маданий жараёнларга мос ҳолда Она заминимизда ўтмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланиши давомида содир бўлган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисоди, ижтимоий муносабатлари, давлатчилиги, маданияти ва бошқаларни тўлалигича ўрганадиган фандир.

### **5. Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-методологик асосларини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Ватан тарихини ёритишда назарий-методологик асосларни билиш катта аҳамиятга эга.

1. Ўтмишда содир бўлган барча тарихий жараёнлар чуқур илмийлик, холислиқ, тарихийлик, ҳаққонийлик ва диалектик услублар асосида ўрганилиши лозим;

2. Ватан тарихини ўрганиш ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, маънавий баркамоллик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши зарур;

3. Ватан тарихини ёшларга миллат эрки ва озодлигини қадрлашни кенг

тарғиб қилади, уларга мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилишлари ҳамда давр билан ҳамнафас бўла олишларига ёрдам беради.

#### **6. Диалектик услуб қандай услуб?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг услубий асосларидан яна бири - бу воқеа ва ҳодисаларни диалектик тарзда ўрганишдир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради. Диалектик услубга асосланиб, тарихий жараёни умумийлик ва алоҳидалик қоидалардан келиб чиққан ҳолда тушуниш лозим.

#### **7. Тарихни ўрганишда манбаларнинг аҳамияти?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти бекиёс бўлиб, буларга аجدодларимиз томонидан яратилган моддий-маданий бойликлар, ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди ва бошқаларни киритиш мумкин.

#### **8. Тарихий манбаларнинг турларини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Моддий манбалар-тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замонларга оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар турли-туман бўлиб, уларга-қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарлар харобалари, мозор-қўрқонлар қолдиқлари, турмуш ва ҳўжаликда ишлатиладиган буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли-туман ашёлар киради.

Ёзма манбалар-қадимги қоятош ёзувлари, қадимги ҳужжатлар, битиклар ва китоблардан иборатдир. Бундан ташқари халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам тарихий манба ҳисобланади.

#### **9. Халқ оғзаки ижоди тарихий манба бўла оладими?**

**ЖАВОБ:** Халқ оғзаки ижоди маҳсуллари ҳам тарихий манба бўла олади. Мисол учун, аجدодларимиз томонидан яратилган ва асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб бизгача етиб келган “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Манас” ва бошқа дostonлар ўзбек халқи урф-одатлари, тарихий анъаналари, миллий кийим кечаклари ва бошқалар тўғрисида қимматли маълумотлар сақланиб қолган.

#### **10. Ватанимиз тарихига оид энг қадимги ёзма манбалар сирасига қандай асарларни киритиш мумкин?**

**ЖАВОБ:** Ватанимиз тарихига оид энг қадимги ёзма манбалар сирасига Эрондаги “Беҳистун” ва “Нақши Рустам” ёзувлари, Зардўштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”, Рим тарихчилари томонидан ёзилган (Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Курций Руфнинг “Буюк Александр тарихи”, Аррианнинг “Искандарнинг ҳарбий юришлари” ва бошқалар) асарлари, Хитой тарихчиси Сима Цзяннинг “Тарихий йилномалар” асари ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин.

**11. Комил инсонни тарбиялашда тарих фанининг аҳамияти нимада?**

**ЖАВОБ:** Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг ўрни каттадир. Маънавият, маънавий баркамоллик шундайгина киши руҳига кириб қолмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тинмай сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етишиш мумкин. Ўтмиш шундай бой тарихий тажриба манбаидирки, одамлар унда ўрганадилар, тажрибага эга бўладилар ва ундан илҳом оладилар. Ҳозирги кунда тарихни билиш кундалик назарий ва амалий вазифалар ечимини топишда зарурий восита ҳисобланади.

**12. Комил инсон деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** Комил инсон деганда биз ҳар томонлама етук, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли, маданиятли кишиларни тушунамиз.

**13. Тарих ва миллий озодлик курашлари ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Тарих бу инсоният пайдо бўлгандан бошлаб бошдан кечирган воқеа-ҳодисалар ўз ифодасини топган билимлар тизими бўлиб, миллий озодлик курашлари ҳақидаги маълумотлар эса унинг ажралмас бир қисмидир.

**14. Ватан озодлиги учун курашган халқ қаҳрамонларини санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Халқимиз асрлар давомида бир қатор босқинчиларга қарши хусусан, Эрон аҳмонийларига қарши Тўмарис ва Широқ, юнон босқинчиларига қарши Спитамен, арабларга қарши Муқанна, рус босқинчиларига қарши жаидлар бошчилигида миллий озодлик учун курашлар олиб борганлар.

**15. Ўрта Осиё халқлари тарихига оид энг қадимги манбалардан бири ҳисобланган Авесто қачон ва ким томонидан яратилган?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиё халқлари тарихига оид энг қадимги манбалардан бири ҳисобланган Авесто мил.ав.VII-VI асрларда Зардуштийлик динининг пайғамбари Зардушт томонидан яратилган.

**16. Авестодан қандай маълумотлар келтирилган?**

**ЖАВОБ:** Авесто Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унда бир қатор қадимий мамлакатлар, уларнинг аҳолиси, кийим-кечаклари, тили, инсонларнинг ўзаро, жамият ва давлат олдидagi бурчлари, жиноят ва жазо ва ҳақозолар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**17. Тарихий даврлаштириш деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** Маълумки тарих фани ўтмиш ҳақидаги фан бўлиб, унда узоқ муддат давом этган кишилик тарихи даврларга бўлиб ўрганилади. Ибтидоий жамоа тузуми кишилик тарихида энг узоқ давом этган давр бўлиб, бу давр одамларининг меҳнат қуроллари асосан тошдан ясалганлиги учун

кадимшунослар уни тош даври ҳам деб аташади.

**18. Тарихий даврлар кетма-кетлигини келтириб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Палеолит-3-2,5 млн-12 минг йиллик;

Мезолит-12-7 минг йиллик;

Неолит-6-4 минг йиллик;

Энеолит-4-3 минг йиллик;

Бронза-3-2 минг йиллик;

Темир-мил.ав. 1-минг йиллик.

**19. Палеолит сўзининг маъноси нимани билдиради ва бу даври қачон бошланган?**

**ЖАВОБ:** Палеолит-қадимги тош даври (палеолит-“палеос” қадимги ва “литос”—тош) 3-2,5 млн йилдан – мил. авв. 12 минг йилликларгача бўлган даврлар қиради.

**20. Палеолит даври неча босқичдан иборат ва қайси даврларни ўз ичига олади?**

**ЖАВОБ:** Тош даври 3 босқичга бўлинади:

Илк палеолит-3-2,5 млн йилдан-100 минг йилликларгача;

Ўрта палеолит-100-40 минг йилликларгача;

Сўнгги палеолит-340-12 минг йилликларгача.

**21. Илк палеолит даврининг ўзига хос хусусиятлари нимада?**

**ЖАВОБ:** Илк палеолит-3-2,5 млн йилдан мил.ав. 100 минг йилликларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Манзилгоҳлари ва тош қуроллари Фарғона водийсидаги Селунгур ғоридан ҳамда Тошкент воҳасининг Кўлбулоқ мавзеи (Ангрен шаҳри яқини)дан топилган. Бу даврда:

-ёғоч ва тош қуроллардан фойдаланишган;

- бу давр одамлари оловни ўзлаштиришган;

- ибтидоий овчилик, термачилик билан шуғулланишган.

**22. Ўрта палеолит даврининг ўзига хос хусусиятлари нимада?**

**ЖАВОБ:** Ўрта палеолит-100-40 м.й.гача бўлган даврни ўз ичига олади. Манзилгоҳлари Бойсун тоғларидаги Тешиктош ғоридан топилган 9-10 ёшлардаги неандартал боланинг бош, умуртқа ва сон суяклари, турли ҳайвонларнинг суяклари ва 300 дан ошиқ тош қуроллар топилган. Тошкент воҳасидаги Хўжакент, Обираҳмат ғорлари, Самарқанд яқинидаги Омонқўтон, Такалисой, Зарафшон водийсидаги Учтут маконлари ҳам шу давр ёдгорликлари сирасига қиради. Бу даврда:

- оловни пайдо қилишни ўрганишган;

-одамлар асосан йирик ҳайвонларни овлаш билан шуғулланишган;

- илк диний эътиқодлар яъни мурдаларни сунъий қазилган қабрларга кўмиш пайдо бўлган;

### **23. Сўнгги палеолит даврининг ўзига хос хусусиятлари нимада?**

**ЖАВОБ:** Сўнгги палеолит-40-12 м.й.гача бўлган даврни ўз ичига олади. Манзилгоҳлари Самарқанддан, Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Анов (Туркманистон), Далварзин, Қизилтепа (Сурхон воҳаси), Даратепа (Қашқадарё воҳаси) манзилгоҳлари ва бошқа жойлардан топилган. Бу даврга оид маконларнинг 30 дан ошиғи мамлакатимиз худудидан топиб ўрганилган. Бу даврда: Одамлар энди ғорлардан текисликларга тушиб, дарё ва кўллар яқинларида чайлалар қуриб яшашган;

-одамлари (кроманьонлар) мураккаб қуроллар-тошдан ўткир тиғли пичоқлар, қирғич, суякдан турли буюмлар ва ов қуроллари ясашни ўрганиб олишган;

- Олимлар уларни “хомо сапиенс” – “онгли одам” деб атаганлар;

- одамлар қариндош-уруғчилик жамоаларига бўлина бошлашган;

-Уруғ жамоасида она-аёлнинг мавқеи баланд бўлиб, улар уй хўжалигини юритишда ҳамда болалар тарбиясида етакчи рол ўйнаган;

-санъатнинг илк куртаклари яъни деворий суратлар ва аёл ҳайкалчалари пайдо бўлган.

### **24.Мезолит даври қайси даврларни ўз ичига олади ва қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?**

**ЖАВОБ:** Мезолит-ўрта тош даврига мил. авв.12-6 минг йилликлар киради. Манзилгоҳлари Фарғона водийсидаги Обишир, Шўркўл, бекобод, Босқум, Бўзсув канали бўйидаги (Тошкент шаҳри) ёдгорлик, Бойсун тоғларидаги Мачай ғоридан топилган. Зараутсой қоясига чизилган тасвирлар ушбу давр ёдгорликлари ичида алоҳида ўрин тутади.

Бу даврда: уй ҳайвонлари илк маротаба кўлга ўргатила бошланган;

-камон ўқ-ёй кашф қилинган;

-ёғоч ва тош қуроллар билан биргаликда майдо суяк қуроллардн ҳам фойдаланишган.

### **25. Неолит даври қайси даврларни ўз ичига олади ва қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?**

**ЖАВОБ:** Неолит-янги тош даврига мил. авв. 6-4 минг йилликлар киради. Манзилгоҳлари Жойтун (Ўрта Осиёдаги илк деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ёдгорликларидан ҳисобланади), Калтаминор (Амударё бўйларида топилган Ёнбошқалъа, Дарёсой, Катта-кичик Тузкон ва бошқалар археолог С.П.Толстов томонидан ўрганилган) Ҳисор (Тожикистонда Тутқовул, Сой Сайёд маконлари) маданиятларига бўлинади;

-одамлар асосан дарё бўйларида яшаган

-деҳқончилик, чорвачилик ва қисман хунармандчилик билан шуғулланганлар;

-кулолчилик, тўқимачилик, қайиқсозлик пайдо бўлган. Табиий шароитдаги турли металлардан фойдаланганлар.

### **26. Энеолит даври қайси даврларни ўз ичига олади ва қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?**

**ЖАВОБ:** 4. Энеолит-мис-тош даврига мил. авв. 4-3 минг йилликлар киради. Ушбу даврда тош қуроллар билан биргаликда мисдан ясалган қуроллар ишлатила бошлаган.

-манзилгоҳлари Ўзбекистонда Бухоро вилоятидан топилган Замонбобо қабристони, Саразм ва Катта Тузкон манзилгоҳлари.

-хўжаликда мотиға-кетмонча билан қилинадиган деҳқончилик ва уй чорвачилигининг рив-ши;

-суғорма деҳқончилик-ирригациянинг в.к.;

-ҳунармандчиликда янги касблар-металчиликнинг в.к.;

-кулолчиликда хумдонлар яъни печларнинг ишлатилиши;

-ўтроқлик хўжалигининг мустаҳкамланиши;

-қурилишда хом ғиштларнинг ишлатилиши;

-рангдор сопол буюмлар ва лойдан ясалган она ҳайкалчаларининг кенг тарқалиши;

-илк маҳсулот айрибошлаш жараёнларининг вужудга келиши.

**27. Бронза даври қайси даврларни ўз ичига олади ва қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?**

**ЖАВОБ:** 5. Бронза даврига мил. авв. 3-2 минг йилликлар киради. Бронза бу мис билан қалайнинг қотишмаси ҳис-ди. У мисдан анча мустаҳкам ва чидамли бўлгани учун энди хўжаликда кўпроқ бронза буюм ва қуроллар ишлатила бошланган ва бу дарв бронза даври деб номланган.

-манзилгоҳлари Ўзбекистонда Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон, Сополлитепа (Сурхондарёда), Тозабөгёб маданияти (Хоразмда), Замонбобо маданияти, (Бухоро-Зарафшоннинг қуйи оқимида), Чуст маданияти (Фарғона водийсида).

-чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши;

- дастлабки меҳнат тақсимотининг вужудга келиши;

-зинапояли ибодатхоналар-зиккуратларнинг пайдо бўлиши (Туркманистонда Олтинтепа ёдгорлиги);

-кулолчиликда чархларнинг ишлатилиши;

-тўқимачиликда урчукнинг в.к.;

-синфий муносабатларнинг вужудга келиши;

-патриархал уруғининг вужудга келиши;

-жамиятда цивилизация сари йўл тутилиши.

**28. Темир даври қайси даврларни ўз ичига олади ва қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?**

**ЖАВОБ:** Темир даври мил. ав. 1-минг йиллик бошларидан бошланган.

- манзилгоҳлари илк шаҳарлар Ўзбекистонда Чуст, Далварзин, Афросиёб, Холчаён, Айритом;

-темирдан фойдаланишга ўтилиши;

-илк давлатларнинг вужудга келиши (Арёнам Вайжо-Катта Хоразм давлати, Қадимги Бактрия, Суғдиёна, Марғиёна, Сак-массагетлар);

-илк ёзма манбаларнинг вужудга келиши-Авесто, қадимги форс

ёзувлари,- қадимги юнон тарихчиларининг асарлари.

**29. Цивилизация тушунчасининг маъноси нима ва унинг жамиятдаги ўрни нимада?**

**ЖАВОБ:** Цивилизация-лотинча “civilizacio” сўзидан олинган бўлиб, ижтимоий, фуқаровий, маданий деган маъноларни билдиради. Цивилизация-жамиятнинг тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг кўпайиб ва такомиллашиб бориш усуллари мажмуидир. У инсоният тарихидаги ёввойилик, вахшийлик давларидан кейин яъни бундан 5 минг йиллар аввал бошланган. Цивилизация қадимда бир-бири билан бевосита боғланмаган масканлар-Қадимги Миср, Рим, Юнон, Хитой, Ҳинд, Ўрта Осиё ва бошқа цивилизациялар шаклида ривожлана бориб, ҳозирги кунда ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилди. Умуман олганда цивилизация равнақи инсониятнинг моддий ва маънавий баркамоллигини ўзида акс эттиради.

**30. Ёзув қачон пайдо бўлган ва у инсоният тарихида қандай роль ўйнаган?**

**ЖАВОБ:** Бундан 5 минг йиллар аввал, яъни цивилизация даври бошланиши билан ёзув ихтиро қилинган.

**31. Энг қадимги диний эътиқодлар қачон пайдо бўлган ва улар ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Илк диний эътиқодлар ўрта палеолит давридаёқ пайдо бўла бошлаган бўлиб, мурдаларни маълум ҳолатда кўмишлар бунга мисол бўлади. Энг қадимги эътиқодлар сирасига эса анимизм-руҳларга сиғиниш, тотемизм-ҳайвонларга сиғиниш, фетишизм-буюмларга сиғиниш, зардуштийлик-олов, ер, сув ва ҳавони улуғлаш ва ҳакозолар.

**32. Авесто қандай китоб?**

**ЖАВОБ:** “Авесто”-зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Ўрта Осиё тарихига оид энг қадимий ёзма манбалардан бири. Унда ҳақиқат, яхшилик, поклик ва эзгулик улғланиб, ҳар қандай жиноятнинг ўзига хос жазоси белгилаб ўтилган. Масалан, ота ва ўғил, оила, дўстлар, устоз ва шогирд, ҳукмдорларнинг жамият олдидаги бурч ва давлатлар ўртасидаги аҳдномалар кучи тўрисида қонунлар келтирилган.

**33. Авестонинг муаллифи ким?**

**ЖАВОБ:** Авестонинг муаллифи Зардуштийлик динининг пайғамбари Зароастр (юнон манбаларида) яъни Зардушт (форс манбаларида). Унинг ҳаёт санаси м.ав.7-6 асрларга тўғри келади, 77 ёшида вафот этган.

**34. Авесто қаерда пайдо бўлган?**

**ЖАВОБ:** Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм тупроғида пайдо бўлган.

**35. Авестонинг нечта қисми сақланиб қолган?**

**ЖАВОБ:** Дастлаб 21 та китобдан иборат бўлган. Ҳозирги вақтгача унинг Ясна-қурбонлик (72 бобдан иборат, ундан 17 таси Гохлар-Муқаддас кўшиқлар), Виспарат-барча ҳукмронлар, Яшт-қадрлаш, улуғлаш, Видевдат-девларга қарши қонун қисмлари сақланиб қолган.

**36. Авестонинг асосий шиори нима?**

**ЖАВОБ:** Авестода асосий шиор “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”

**37. Зардуштийлик динида нималар улуғланган?**

**ЖАВОБ:** Унда 4 та нарс-замин, сув, ҳаво ва олов улуғланиб, уларни ифлослантириш гуноҳ ҳисобланган.

**38. Зардуштийлик динида эзгулик худоси қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Эзгулик худоси-Ахурамазда.

**39. Зардуштийлик динида ёвузлик худоси қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Ёвузлик худоси-Ахриман

**40. Зардуштийлик динида қуёш худоси қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Қуёш худоси-Митра

**41. Зардуштийлик динида ҳосилдорлик худоси қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Ҳосилдорлик худоси -Анахита

**42. Авестода жамият тузилмалари тўғрисида қандай маълумотлар лар келтирилган?**

**ЖАВОБ:** Авестода келтирилган маълумотларга кўра, жамият аъзолари ўша даврда қоҳинлар, ҳарбийлар, қорвадорлар ва ҳунармандларга бўлинган. Яшт қисмида келтрилишича-алоҳида оилалар “нмана” деб номланган. Ерга уруғ жамоаси “вис” эгалик қилган. Бир неча уруғлар қабила “занту”га бирлашган. Қабилалар бирлашиб вилоят “дахью”ни ташкил қилган. Вилоятларни “кави”лар идора қилган. Бу даврда оила таркибида тўла ҳуқуқа эга бўлмаган аъзолар вира, вайсалар ҳам бўлган. Вира одатда “эркак”, “жангчи” маъноси билан бирга “қул” маъносида ҳам ишлатилган.

**43. Авестода давлат уюшмалари тўғрисида қандай маълумотлар келтирилган?**

**ЖАВОБ:** Авестода ҳаммаси бўлиб 16 та давлат уюшмалари санаб ўтилган. Шундан 4 таси Ўрта Осиё ҳудудига тўғри келади. Булар: Бактриш-Қадимги Бактрия, Гова-Суғдиёна, Моуру-Марғиёна, Арёнам Вайжо-Катта Хоразм.

**44. Ўрта Осиё вужудга келган дастлабки давлат уюшмаларида бошқа манбаларда қандай маълумотлар мавжуд?**

**ЖАВОБ:** Археологик ва қадимги ёзма манбаларнинг далолат беришича Ўрта Осиёнинг баъзи воҳалари (Бақтрия, Марғиёна, Катта Хоразм)да сўнгги бронза ва илк темир даврларидаёқ дастлабки сиёсий бирлашмалар—давлат тузилмалари пайдо бўлган. Илмий адабиётларда Ўрта Осиёда аҳмонийларгача бўлган даврда қуйидаги давлат уюшмалари бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилади:

1. Арёшайёна-м.ав. IX-VI асрларга оид қалъалар Анов, Ёзтепа (Туркманистонда), Даратепа, Афросиёб, Кўзалиқир, Далварзинтепа (Ўзбекистонда) каби дастлабки давлат уюшмалари бўлган.

2. Арёнам Вайжо—маркази Марв ва Ҳиротда бўлган “Катта Хоразм” ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати.

3. Қадимги Бақтрия давлати. М.ав. 700-540 йиллар Қадимги Бақтрия давлатининг (Бақтрия, Суғдиёна, Марғиёна вилоятларининг маълум қисмлари билан чегараланади) рив-н даври бўлган.

4.1. Сака-хаумаварка-“хаома муқаддас ичимликни улуғлайдиган саклар” Тадқиқотчилар бу гуруҳни Геродотнинг “скиф-аморглари” билан бир деб ҳисоблайдилар.

4.2. Сака-тиграхауда-“ўткир учли қалпоқ кийган саклар”

4.3. Сака-тиай-тара-дарайя- “дарё ортидаги саклар”.

Ўрта Осиёда яшаган энг йирик қабилалардан бири-массагетлар бўлиб, улар бир неча сак қабилаларини бирлаштирган йирик қабилалар иттифоқи эди.

#### **45.Қандай қадимги маданиятларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиё ҳудудида ривож топган қадимги маданиятлардан Жойтун, Калтаминор, Хисор, Сополлитепа, Замонбобо ва бошқа маданиятларни мисол келтириш мумкин.

#### **46.Ватанимизнинг жанубий ҳудудларида ривож топган қадимги маданиятлар бошқаларидан нимаси билан фарқ қилган?**

**ЖАВОБ:** Ватанимизнинг жанубий ҳудудлари яъни Сурхандарё ва Қашқадарё воҳаларида ривож топган қадимги маданиятлар бошқаларидан олдинроқ меъморчиликда хом ғиштларнинг ишлатилгани билан фарқ қилади.

#### **47.“Буюк ипак йўли” қачон ва қаердан бошланган?**

**ЖАВОБ:** Буюк ипак йўлининг дастлабки тармоқлари мил.ав. II асрда Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган. Унинг умумий узунлиги 12 000 км дан иборат эди.

#### **48.“Буюк ипак йўли” атамаси фанга ким томонидан кирилтилган ва бундан аввал бу йўл қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** “Буюк ипак йўли” аввал “Ғарбий меридионал йўл”, “Ложуварод йўли”, “Лаъл йўли”, “Шох йўли” деб номланган. Фақат, XIX асрнинг 70-

йилларидагина немис олими К. Рихтгофен томонидан у фанга “Ипак йўли” номи билан киритилди.

**49.Ипак йўли Ўрта Осиё халқлари ҳаётида қандай ўрин тутган?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврдан бошлаб, ривожланиш жараёнлари Буюк ипак йўли билан узвий боқлиқдир. Хусусан, мил. авв. II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ҳамда маданий алоқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Буюк ипак йўли бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк ипак йўли шу давр ичида Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

**50.Ҳозир ипак йўлини тиклаш бўйича ҳозир қандай ишлар қилинмоқда?**

**ЖАВОБ:** ЮНЕСКО томонидан «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг ишлаб чиқиши Евросиёдаги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг 2000 йилга қадар илмий-маданий фаолияти учун йўналиш бўлди. Республикамиз ҳудудларида ҳам илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди, қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий ва маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Мағрибу-Машриқни боғлаган, сиёсий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш мақсадида биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган “Европа-Кавказ-Осиё” транспорт йўлаги ТРАСЕКА масаласи кўриб чиқилди ва шу бўйича Декларация қабул қилинди.

**51.Ўрта Осиё халқларининг инсоният моддий ва маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси нимада?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиё халқларининг инсоният моддий ва маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Масалан, ушбу ҳудуд инсоният тараққиётининг қадимий масканларидан бири эканлиги, қадимшунослар томонидан топиб ўрганилган моддий маданият ёдгорликлари ва маҳаллий халқ вакиллари томонидан яратилган бебаҳо ёзма манбалар инсоният тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари ўрта асрларда яъни Шарқ Уйғониш даврида буюк аждодларимиз томонидан яратилган қимматбаҳо ёзма манбалар бутун дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан аҳамиятга эга.

**52.Ўзбек давлатчилиги тарихи қачондан бошланган?**

**ЖАВОБ:** Ўзбек давлатчилиги тарихи мил.ав. VII-VI асрлардан бошланган.(Қадимги Бактрия, Катта Хоразм)

**53.Қадимги Бактрия давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва унинг харобалари қаерлардан топилган?**

**ЖАВОБ:** Бактрия бешта вилоят-Сурхон, Балхоб, Кофирниҳон-Вахш, Панж,

Кўкча-Қундузни бирлаштирган. Кейинчалик Бактрия давлати кучайиб, унинг таркибига Марғиёна ва Суғдиёна ҳам қўшиб олинган. Мил ав. VII асрларда Қадимги Бактрия таркибига Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон воҳалари ва уларга чегарадош ҳудудлар кирган. Давлат пойтахти Бақтра шаҳри (Боло Хисор) бўлган. Харобалари Сурхондарё (Қизилтепа), Шимолий Афғонистон (Боло Хисор, Олтиндилёр)дан топилган.

**54.Қадимги Суғдиёна қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва унинг харобалари қаерлардан топилган?**

**ЖАВОБ:** Қадимги Суғдиёна ҳудудларига ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро вилоятлари ерлари кирган бўлиб аҳолиси суғдийлар деб аталган. Давлат пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган. Харобалари Қашқадарё (Узунқир, Ерқўрғон), Самарқанд (Афросиёб)дан топилган.

**55.Қадимги Хоразм давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Авестода келтирилган маълумотларга кўра, мил.ав. VI асрда Ўрта Осиё ҳудудида пайдо бўлган энг қадимги давлатлар сирасига Арёнам Вайжо-Катта Хоразм давлатини киритиш мумкин. Катта Хоразм давлати Марв ва Ҳиротнинг баъзи туманларини ҳам қамраб олган. Мил.ав IV асрда Хоразм аҳмонийлар ҳукмронлигидан озод бўлиб, мустақил давлатга айланган.

**56.Қадимги Хоразм давлати харобалари қаердан топилган?**

**ЖАВОБ:** Катта Хоразм давлати харобалари мил. авв. IX-VIII асрларга оид Амиробод маданияти Хоразм ёдгорликлари орасида алоҳида ўрин тутди. Мил.ав. VI-V асрларда эса Кўзалиқир Хоразмнинг қадимги марказларидан бири бўлган. Мил.ав. IV-III асрларга оид ёдгорликлардан эса Қўйқирилган қаъла ва Тупроқалъани келтириб ўтиш мумкин.

**57.Мил.ав. VII-VI асрлардан қайси давлат Ўрта Осиёга бостириб кирган ва ҳукмронлигини ўрнатган?**

**ЖАВОБ:** Мил.ав. VI асрда (мил.ав.545-530 йй.)Ўрта Осиёга Эрон шохлари яъни Аҳмонийлар давлати қўшинлари бостириб кирган ва ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

**58.Аҳмонийлар давлатига қарам ҳудудлар қандай аталган?**

**ЖАВОБ:** Аҳмонийлар давлатига қарам ҳудудлар “сатраплик”лар деб номланган?

**59.Эрон шохларига қарши қачон ва қандай кўзғалонлар кўтарилган?**

**ЖАВОБ:** Эрон шохларига қарши массагет қабиласи маликаси Тўмарис(мил.ав.530 й.) ва Фрада(мил.ав.522 й.) бошчилигида кўзғалонлар бўлиб ўтган. Бундан ташқари сак қабиласидан бўлган чўпон Широқ (мил.ав.519-518 йй.) эрон шохларидан бўлган Доро I қўшинларини бир ўзи хийла йўли билан енгган.

**60.Искандар Зулқарнайн қачон Ўрта Осиёга бостириб кирган?**

**ЖАВОБ:** Македониялик Искандар Зулқарнайн-Александр Македонский Ўрта Осиёга мил.ав. 329-327 йй.да бостириб кирган.

**61.Искандар Зулқарнайн босқинига қарши қачон ва ким бошчилигида қўзғалон кўтарилган?**

**ЖАВОБ:** Мил.ав.329-328 йй.да Спитамен бошчилигида Сўғдда қўзғалон кўтарилган?

**62.Искандар Зулқарнайн қачон вафот этган ва унинг салтанати қандай қисмларга бўлиниб кетган?**

**ЖАВОБ:** Искандар Зулқарнайн мил.ав.323 йилда вафот этаган ва унинг салтанати 3 қисмга: Сурия, Миср, Македонияга бўлиниб кетган.

**63.Ўрта Осиёда Искандардан кейин ким ҳукмронлик қилган?**

**ЖАВОБ:** Искандардан кейин Ўрта Осиё унинг лашкарбошиларида бири Салавка қўлига ўтади ва Салавкийлар давлати (Сурия) ташкил топади.

**64.Салавкийлар давлати инқироzi натижасида Ўрта Осиё ҳудудида қандай давлатлар вужудга келган?**

**ЖАВОБ:** Мил.ав. 250 йилларга келиб Салавкийлар давлати инқироzi натижасида Ўрта Осиё ҳудудида иккита мустақил давлат ташкил топган. Булар: Юнон Бактрия ва Парфия давлатлари эди.

**65.Қадимги Юнон-Бактрия давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Юнон-Бактрия давлати мил.ав. III-II аср иккинчи ярмида Қадимги Бактрия ҳудудларида ташкил топган ва ҳукм сурган. Маркази Балх шаҳри. Давлатнинг энг кучайган даври Мил.ав. III асрнинг иккинчи ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади.

**66.Қадимги Юнон-Бактрия давлатининг асосчиси ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Асосчиси юнон-македон авлодларидан бўлган Диодот. Кейинги подшолари Евтидем, Деметрий, Евкратид бўлган.

**67.Қадимги Юнон-Бактрия давлатининг инқирозига нима сабаб бўлган ва харобалари қаерлардан топилган?**

**ЖАВОБ:** Қадимги Юнон-Бактрия давлатининг инқирозига Шарқий Туркистон орқали юзчи ва сак қабиллариининг тўхтовсиз ҳужумлари сабаб бўлган. Харобалари: Термиз, Тахти-Сангин, Денов, Кампиртепа, Афросиёбдан топилган.

**68.Парфия давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Тарихий манбаларда келтирилишича, Парфия давлати қарийиб 500 йилдан ортиқ яшаган. Антик тарихчилар бу давлатнинг асосчиси парнлар қабиласи бўлганини айтиб ўтишган. Мил.ав. VI-III аср бошларида Парфия

давлати Мидия давлати, Искандар салтанати ва салавкийлар таъсирига тушиб қолган. Мил.ав. III-мил II аср иккинчи ярмига келиб эса парн қабиласидан бўлган Аршак Парфияни салавкийлар таъсиридан олиб чиқади. Пойтахти Нисо шаҳри бўлган. Харобалари Туркменистон Республикаси ҳудудларидан топилган.

**69. Қанғ давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Тарихий манбаларда келтирилишича, Қанғ давлати мил.авв. III аср бошларида Тошкент воҳасида вужудга келган. Бу давлатшарқда Даван, шимоли-шарқда усун, юэчжи қабилалари билан чегарадош бўлиб, шимоли-ғарбда Сарису дарёси, ғарбда эса Сирдарёгача бўлган ерларни ўз ичига олган. Мил.ав. I-мил.ав. II асрларда кучли давлатлардан бири бўлган Қанғ давлатининг пойтахти Битян шаҳри бўлган.

**70. Қанғ давлати харобалари қаердан топилган, уларни санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Қанғ давлати, жумладан пойтахти Битян шаҳри харобалари Тошкент вилояти Оққўрғон туманидан топилган. Бундан ташқари янгийўлдан топилган Қовунчитепа ҳам Қанғ давлати харобаларидан биридир.

**71. Даван давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Даван давлати мил.авв. IV-мил. III асрларда Фарғона водийсида вужудга келган давлат. Даван давлати Паркана, Бохан номлари билан ҳам келтириб ўтилган. Пойтахти Эрши шаҳри бўлган.

**72. Даван давлатида бошқарув тизими қандай бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хитой манбаларида келтирилишича, Даван давлати подшолик ҳисобланган. Давлат оқсоқоллар кенгаши (Юань гуй) томонидан бошқарилган. Кенгашга подшо (Вань) бошчилик қилган. Кенгаш аъзолари подшонинг биринчи ёрдамчиси (Фу-ван), иккинчи ёрдамчиси (Фу-го-ван) ва ҳокимлар бўлган.

**73. Даван давлати харобалари қаердан топилган?**

**ЖАВОБ:** Манбаларда келтирилишича, Даван давлатида 70 та катта-кичик шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг харобалари Фарғона водийсидан топиб, ўрганилган.

**74. Кушон давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Кушон давлатига мил. авв. I асрда юэчжи қабилалари уюшмаси томонидан асос солинган ва мил. IV асрларгача мавжуд бўлган. Пойтахти дастлаб Далварзин (Сурхондарёда), кейинчалик эса Пешовар (Покистонда) шаҳри бўлган. Мил. I-2 асрларда яъни Канишка ҳукмронлиги даврида Кушон давлатидунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган. Бу давлат ҳудудларига Ўрта Осиёнинг каттагина қисмлари (Ўзбекистонда Сурхондарё воҳаси), Шимолий Ҳиндистон, Қашғар, Афғонистон ва Шарқий Туркистон ерлари кирган. Кушон давлати Хувишка подшолиги даврида мил. IV

асрларда сосонийлар ( Шопур I-242-243 йй. ва Шопур II-369-379) томонидан берилган зарбалар асосида инкирозга юз тутган.

**75. Кушон давлати харобалари қаердан топилган?**

**ЖАВОБ:** Кушон давлати харобалари Сурхондарё воҳасидан (Далварзинтепа, Холчаён, Кўхна Термиз, Айритом ёдгорликлари) топилган.

**76. Кушон давлатида асосий дин қайси эди?**

**ЖАВОБ:** Кушон давлатида Буддавийлик асосий дин ҳисобланган.

**77. Ўрта Осиё ҳудудини ўз ичига олган антик давлатлардан қайси бири дунёнинг қудратли давлатлари қаторига кирган?**

**ЖАВОБ:** Кушон давлати (мил. авв. I- IV асрлар) дунёнинг энг энг қудратли давлатларидан бирига айланган.

**78. Эллин маданияти ҳақида биласизми?**

**ЖАВОБ:** Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан Ўрта Осиё ҳудудларида юнон-македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври-эллинизм давридеб аталади. Эллинизм атамаси Болқон ярим оролидаги Эллада шаҳри номи билан боғлиқ бўлиб, бу аниқ тарихий мавжудлик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, мафкура ва маданиятда юнон ҳамда Шарқ унсурларининг ўзаро уйғунлашувидир.

**79. Эллин маданияти тарқалган ҳудудлар:**

**ЖАВОБ:** Эллин маданияти Юнонистондан Ҳинд дарёси водийларигача бўлган ҳудудни қамраб олган бўлиб, тадқиқотчилар бу ҳудудни уч минтақага бўладилар:

1. Эллада;
2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср
3. Ефрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар.

Бу ҳудуд манбаларда “Эллинлашган Шарқ” деб аталиб, унинг таркибига Мессопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон Искандар Зулқарнайн босиб олган ҳудудлари кирган. Ушбу ҳудудларда Эллин маданияти билан боғлиқ моддий ва маънавий маданият буюмлари кўплаб топилиши маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий-амалий санъат, алифбо ва бошқалар) таъсири кучли бўлганлигидан далолат беради.

**80. Ўрта Осиёдаги Искандар номи билан боғлиқ шаҳарлар:**

- ЖАВОБ:** 1. Александрия Оксиана-Окс бўйидаги Искандария;  
2. Александрия Марғиёна-Марғиёна Искандарияси;  
3. Александрия Эсхата-Чеккадаги Искандария.

**81. Қайси ёзув асосида қадимги Хоразм, Парфия ва сўғд ёзувлари пайдо бўлган?**

**ЖАВОБ:** Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлган.

**82. Эфталитлар давлати қачон ва ва қандай уруғлардан ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Мил. V-VI асрларда Ўрта Осиёга келган кўчманчи эфталий, хионий ва кидарий қабилалар иттифоқи асосида Эфталийлар давлати ташкил топди. Эфталитлар қабиласи етакчиси Вахшунвар Эфталон 457 йилда Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни бўйсундириб Ўрта Осиёда катта давлатга асос солган.

**83. Эфталитларнинг келиб чиқиши тўғрисида қандай фикрлар мавжуд?**

**ЖАВОБ:** Эфталитлар давлати тўғрисида турли тарихий манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Масалан: Хитой манбаларида эфталитлар турклар билан боғлиқ равишда баён этилган. Византиялик тарихчи Прокопий эса уларни хунлардан деб ҳисоблайди. Арман тарихчилари бири уларни массагетларнинг “хафт-еттинчи” қабиласи номидан олинган деса, суриялик тарихчилар эфталитлар давлатини ташкил этган қабилалардан бири хионийларни кушонлар билан боғлайди.

**84. Эфталитлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва маркази қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Эфталитлар давлати Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эронни бирлаштирган. Маркази Пойканд (Бойкент) ёки Балх бўлган.

**85. Эфталитлар давлатида ер эгалиги муносабатлари қандай эди?**

**ЖАВОБ:** Жамиятда ер эгалиги муносабатлари шакллана бошлаган бўлса-да (қулдорлик тузуми ва ҳатто ибтидоий жамиятнинг қолдиқлари ҳам сақланиб қолган) қул меҳнатидан фойдаланиш давом этган. Зодагонлар жамиятда чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлишган. Зодагон вафот этса махсус тайёрланган тош даҳма (мақбара) га, қоида бўйича хотини, қуллари ва улфатлари ҳам биргаликда кўмилган. Бу жамиятда синфий табақаланиш кучайганидан далолат беради.

**86. Эфталитлар даврида “деҳқонлар”, “кашаварзлар”, “кадиварлар”нинг бир-биридан қандай фарқи бўлган?**

**ЖАВОБ:** деҳқонлар мулкдор зодагон табақа вакиллари; кашаварзлар ўз ерига эга бўлган эркин кишилар; кадиварлар деҳқонларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлган кишилар.

**87. Эфталитлар даврида мустақил мулкдорлар қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Улар Бухорода-бухорхудот, Чағониёнда-чағонхудот, Варданзида-варданхудот, Шошда-тудан, Самарқанд ва Фарғонада-ихшид, Усрушанада-афшин, Хоразмда-хоразмшоҳлар деб аталган. Мулкдорларнинг қуллар ва қарам кишилардан тузилган ҳарбий қўшинлари бўлиб, улар “чокарлар” деб аталган. Марказий ҳокимият ана шу мулк эгалари уюшмасидан ташкил топган.

**88. Эфталитлар даврида қандай динларга эътиқод қилинган?**

**ЖАВОБ:** Эфталийлар давлатида диний эътиқодлар турлича бўлган. Масалан, Сўғда зардуштийликка, Тохаристон ва Шарқий Туркистонда буддийликка эътиқод қилувчилар кўпчиликлари ташкил қилган. Шаҳарларда насронийлар ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд бўлган.

**89. Эфталитлар даврида қандай қўзғалон кўтарилган эди ва унда қандай фалсафа илгари сурилган?**

**ЖАВОБ:** Эфталитлар даврида Монийлик дини ва Маздак таълимоти (Эрон) ёйилган. Маздак Ҳамадан (470-529) таълимотининг ёйилишига ерларнинг жамоа ихтиёридан тортиб олиниб, мулкдорлар кўлида тўпланиши сабаб бўлган. Маздак зардуштийлик динига асосланиб, барча кишилар бу дунё неъматларидан баробар фойдаланишлари лозим деган ғояни илгари. Шу боис маздакчилар “З” ҳарфи билан бошланувчи тўрт нарса: 1. Замин (ер), 2. Зар (олтин), 3. Зўрлик (ҳокимият куч), 4. Зан (хотин)-жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши талабини қўйганлар.

90. Ватанимиз ҳудудида жойлашган Эфталитлар даврида қурилган ўзига хос меъморий ёдгорликларини санаб ўтинг?

**ЖАВОБ:** Эфталитлар даврида кўплаб шаҳар-қалъалар қурилган бўлиб, улардан бири Пойкент тарихчи Наршахийнинг ёзишича “Бухоро шаҳридан қадимийроқдир”. Қалин мудофаа деворлари билан ўралган кўрғонлар-Нахшаб воҳасидаги Заҳоки-Морон қалъаси, Бухородаги Варахша қалъаси, Хоразмдаги Фирқалъа, Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори-қиёмат, Бухоро воҳасидаги Кампир-Девор эфталийларнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридир.

91. Эфталитлар даврида савдо алоқалари қандай бўлган?

**ЖАВОБ:** Эфталийлар даврида “Буюк ипак йўли” орқали Эрон, Византия, Хитой, Ҳиндистон ва б. давлатлар билан савдо алоқалари ривожланиб, унда суғдийлар етакчи ўринни эгаллашган. Муомалада сосоний тангалари билан бирга Суғд, Хоразм тангалари ва ҳам қўлланилган.

92. Эфталитлар давлати нима сабабдан инқирозга учради?

**ЖАВОБ:** Эфталийлар давлати 563-567 йилларда Турк ҳокони Силсивул билан булган курашларда мағлубиятга учраб, инқирозга юз тутди ва ўз ўрнини янги сиёсий куч – Турк ҳоконлигига бўшатиб берди.

93. Турк ҳоконлиги қачон ва қандай уруғлардан ташкил топган?

**ЖАВОБ:** VI асрнинг иккинчи ярмида Ашин уруғидан бўлган Асан ва Туу (460-545) туркий қабилалар иттифоқига асос солдилар. Туунинг ўғли Бумин теле қабиласини бўйсундиргач, 551 йилда Марказий Осиёда анча кучли бўлган Жужанлар (мўғуллар) хонлигини тор-мор этди ва Турк ҳоконлиги (551-744) га асос солди.

94. Турк ҳоконлиги тарихига оид манбаларни санаб ўтинг.

**ЖАВОБ:** VI аср ўрталарида Олтой, Еттисув ва Ўрта Осиёдаги туркий қабилаларнинг бирлашуви натижасида ташкил топган Турк ҳоконлиги тарихини ўрганишда-Урхун-Энасой ёзуви, Руний ёзувлари, Хитойнинг VII-IX асрларга оид “Тан хонадони тарихи” манбаси, VI асрда яшаган византиялик тарихчилар Менандр Протектор ва Феофан Византийскийлар, суриялик тарихчи Иоанн Эфессийларнинг асарлари етакчи ўрин тутди. Шунингдек, буюк аجدодларимиз Абу Райҳон Беруний, Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) асарларида ҳам туркий халқлар тарихига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Туркий

халклар тарихи “Алпомиш”, Гўрўғли”, “Манас” каби дostonларда ҳам маълум даражада ўз аксини топган.

**95. Турк хоқонлиги қайси хуудларни ўз ичига олган?**

**ЖАВОБ:** Турк хоқонлиги Ўрта Осиё, Мўғулистон, Ғарбий Сибир ва Дашти Қипчоқни (Каспий денгизига) ўз ичига олган.

**96. Турк хоқонлиги пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Олтойдаги Утукан шаҳри Турк хоқонлигининг пойтахти қилиб белгиланган.

**97. Турк хоқонлиги қачон ва қандай қисмларга бўлиниб кетган?**

**ЖАВОБ:** Хоқонлик билан маҳаллий ҳукмрон табақалар ўртасида зиддият кучайиши натижасида хоқонлик заифлашиб, инқирозга юз тутди. Эрон билан олиб борилган доимий урушлар Турк хоқонлиги мовқеини янада пасайтирди. 588 йилда хоқонлик қўшинларининг қаттиқ зарбага учраши, унинг парчаланишига олиб келди. 581-603 йилларга келиб, Турк хоқонлиги Шарқий (маркази Утукан) ва ғарбий қисмларга (маркази Бухоро) бўлиниб кетди.

**98. Ўрта Осиё хоқонлигининг қайси бири таркибида бўлган?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиё Ғарбий хоқонлик таркибида бўлиб, маркази Бухоро шаҳри бўлган.

**99. Шарқий турк хоқонлиги қачон ва қайси давлат томонидан мағлубиятга учраган?**

**ЖАВОБ:** Шарқий турк хоқонлиги тез орада яъни 630-632 йилларда заифлашиб, Хитой империяси томонидан мағлубиятга учради ва мавжуд бўлмай қолди.

**100. Ғарбий турк хоқонлиги қачон ва қайси давлат томонидан мағлубиятга учраган?**

**ЖАВОБ:** Шарқий турк хоқонлиги мағлубиятга учраганда Ғарбий турк хоқонлиги ўз юксалишининг чўққисига кўтарилган эди. Лекин 651 йилда ғарбий туркларнинг Ашина Хелу бошчилигидаги асосий кучлари Хитой қўшинлари томонидан тор-мор этилди ва хоқонлик келиб чиқиши турклардан бўлган хитой амалдорлари бошчилигида округларга бўлиниб кетди. 702-756 йилларда Ғарбий турк хоқонлиги ўрнида Турғаш хоқонлиги пайдо бўлган. Бироқ турк қабилалари мустақилликни йўқотишга рози бўлмай Ашина уруғидан бўлган Элтариш хоқон бошчилигида Иккинчи турк хоқонлигини ташкил этади. Элтаришхон авлодларидан Бил даврида Иккинчи хоқонлик ҳам ўзаро урушлар таъсирида заифлашиб, давлатнинг инқирога юз тутишига олб келди.

**101. Турк хоқонлигида хўжалик бошқаруви қандай эди?**

**ЖАВОБ:** Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиё ерларида ер эгаллиги муносабатлари мустахкамланиб, хоқонлар, амалдорлар ва харбий саркардалар, маҳаллий ҳукмрон табақалар, йирик заминдор ва дин хомийлари катта-катта ер-сув бойликларига эга бўлдилар. Хунармандчилик ва савдо-сотиқдан давлат хазинасига катта даромад тушиши натижасида хоқонлар “Ипак йўли”ни кенгайтиришга ва тинчлигини таъминлашга катта эътибор беришган.

**102. Турк сўзининг маъноси нима?**

**ЖАВОБ:** “Турк” атамаси кучли, бақувват деган маъносини билдириб, дастлаб бир неча қабилалар бирлашувини англатган. Кейинчалик сиёсий жихатдан бирлашган халқларнинг умумий номига айланган.

**103. Ябғу қандай унвон эди?**

**ЖАВОБ:** “Ябғу”-баходир яъни биринчи саркарда ва давлатнинг бош амалдори яъни хоқон ўринбосари

даражасини билдирувчи унвон.

**104.** V-VI асрларда Арабисон ярим оролида яшаган араблар қандай ном билан аталган?

**ЖАВОБ:** V-VI асрларда Арабисон ярим оролида яшаган араблар, асосан кўчманчи чорвачилик билан ҳаёт кечиришган. Улар “бадавийлар”, “сахройилар” деб аталган.

**105.** “Ислом” сўзи қандай маъноларни англатади?

**ЖАВОБ:** Ислом сўзи арабча “Итоат”, “Бўйсунуш” маъноларини англатади. Бу динга ишонувчилар эса “Муслим” (бўйин эгувчи) деб аталган.

**106.** Ислом динининг асосчиси Мухаммад алайхиссалом қачон ва қандай онлада туғилган?

**ЖАВОБ:** Ислом динининг асосчиси Мухаммад алайхиссалом ( 570-632) нинг отаси Абдуллох, қурайш қабиласининг бошлиғи Абу Толибнинг ўғли бўлган.

**107.** Мухаммад алайхиссалом тўғрисида қисқача маълумот келтиринг.

**ЖАВОБ:** Мухаммад алайхиссалом ёшлигидан етим ўсган. Дастлаб бобоси, сўнг амакиси Абу Толиб қўлида тарбияланган. Амакисининг маслахатига кўра бадавлат савдогар аёл Хадичанинг савдо ишларига бошчилик қилади ва 25 ёшларида 40 ёшли Хадичага уйланади. Мухаммад пайғамбарлик фаолиятини 40 ёшида Маккада бошлаган. У ўз ғояларида муслимларнинг Оллох олдида тенг эканликларини, жамиятда жиноят ва адолатсизликка қарши жазо муқаррарлиги, ҳар бир киши қилган ишларига қараб тақдирланиши кенг тарғиб қилинади.

**108.** Араблар босиб олинган ўлкаларда ислом дини ёйиш мақсадида қандай тадбирларни амалга оширган?

**ЖАВОБ:** Араблар ислом динини ёйиш бахонасида маҳаллий аҳоли асрлар давомида эътиқод қилиб келган зардуштийлик, буддийлик, монийлик каби динларни сохта динлар деб эълон қилган. Ўрта Осиёда арабларгача мавжуд бўлган моддий ва маънавий ёдгорликлар йўқотилди, ибодатхоналар бузилди, Хоразм ва Суғд ёзувларидан фойдаланиш ман қилинди. Ислом динига ўтган маҳаллий аҳоли вакилларига маълум миқдорда имтиёзлар яратилган яъни жузья солиғидан озод этилган.

**109.** Мухаммад алайхиссалом вафотидан сўнг унинг ишларини кимлар давом эттирган?

**ЖАВОБ:** Мухаммад пайғамбар вафоти(632 й. 8 июн)дан кейин, унинг ишларини 4 та ноиб (халифалар) Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон ( 644-656) ва хазрати Али (656-661) давом эттирдилар.

**110.** Мухаммад пайғамбар давомчиларидан кейин халифалик қайси сулолалар қўл остига ўтган?

**ЖАВОБ:** Улардан кейин халифалик Умевия ибн Абу Суфён (661-680) асос солган Умавийлар сулоласи (661-750), сўнг Абул Аббос ас-Саффоқ (749-754) асос солган Аббосийлар (749-1258) сулоласи ихтиёрига ўтган.

**111.** Мовароуннахр сўзининг маъноси нима ва бу атама биринчи марта кимлар томонидан ишлатилган?

**ЖАВОБ:** “Мовароуннахр”- арабча сўз бўлиб «дарёнинг нариги томони»

деган маънони билдиради. Бу атама биринчи марта араблар томонидан Амударёнинг шимолидаги ерлар яъни Ўрта Осиё худудига нисбатан ишлатилган.

**112. Ўрта Осиё биринчи марта араблар томонидан қачон ва ким бошчилигида босиб олинган?**

**ЖАВОБ:** Наршахийнинг ёзишича, араблар Ўрта Осиёга 1-март 673 й. халифа Муовиянинг фармони билан Хуросон ноиб Убайдулло ибн Зиёд бошчилигида Амударёдан ўтиб Пойканд, Ромитанни эгаллаган ва Бухорони камал қилган. 676 й. Хуросоннинг янги ноиб Саид ибн Усмон ва Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Қусам ибн Аббос бошлиқ қўшинлар Бухоро ва Самарқандга яна ҳужум қилганлар. Қусам ибн Аббос Самарқанд учун бўлган жангларда ҳалок бўлган. Бу юришлар даврида араблар Мовароуннахр аҳолисини талаб орқага қайтиб кетдилар.

**113. Мовароуннахрга иккинчи марта араблар юриши қачон ва ким томонидан уюштирилган?**

**ЖАВОБ:** Халифа Абдумалик ибн Марвон даврида (687-705) Мовароуннахрга қайтадан юриш бошланган. Хуросон ноиб Қутайба ибн Муслим қўшинлари Балх, Чағониён, Шуманни эгаллаб олгач, 706 й. Мовароуннахрга бостириб кирган. Табарийнинг маълумотида кўра, Қутайба қўшинлари оғир жанглардан сўнг Пойканд шахрини, 708-709 йилларда Бухоро ва унинг атрофидаги ерларни, 710-712 йилларда Қутайба эътиборини Самарқандни эгаллаган. Хоразмшоҳ Чағон билан эса тинчлик битими тузган.

**114. Араблар ҳукмронлиги даврида маҳаллий аҳоли қандай номланган?**

**ЖАВОБ:** Араблар ўзларини оқсуяк-“хўжа”, “саид”, “саҳобалар” деб, маҳаллий аҳолини “қоралар” деб аташган.

**115. Ўрта Осиёда араб ҳукмронлиги даврида қандай қўзғолонлар кўтарилган?**

**ЖАВОБ:** Араблар зулмига қарши дастлаб 720-722 йилларда Суғдиёна аҳолиси Самарқанд ихшиди Ғурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилигида қўзғолон кўтардилар. Хуросон ноиб Саид ибн Амир ал-Хароший қўзғолонни бостирди. Бироқ, қўзғолонлар тўхтамади.

-723 й. Фарғона, Шош ва Насафда;

-725 - 729 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Хутталонда;

-733-737 йилларда Суғдиёна ва Тохаристонда бўлиб ўтди. Фақат Наср ибн Сайёр ноиблиги даври (738-748) да ўлкада маълум осойишталик ўрнатилди.

-Уш асрнинг 70-80 йилларида Мовароуннахрда арабларга қарши кўтарилган қўзғолонга Хошим ибн Ҳаким (Муқанна) бошчилик қилди. Бу қўзғолон тарихда “Муқанна”, “оқ кийимлилар қўзғолони” номлари билан ҳам машҳурдир. Қўзғолон маркази Кеш шаҳридаги Сом (Санам) қалъаси бўлган.

**116. Араб халифалигининг қайси ҳукмрон сулоласи даврида илм-маърифатга йўл очиб берилди?**

**ЖАВОБ:** Араб халифалигининг Абул Аббос ас-Саффоқ (749-754) асос солган аббосийлар (749-1258) сулоласи даврида илм-фанга кенг йўл очиб берилган. Халифаликни Маъмун ибн ар-Рашид тахтни эгаллагач, Боғдодда барча мусулмон мамлакатларидан келган олиму алломаларни тўплаган ва отаси

асос солган “Байтул хикма”ни кенгайтириб, унинг қошида иккита расадхона (828 й.да Боғдоднинг Аш-Шомия маҳалласи ва 831 й.да Дамашқ яқинидаги Касиюн тоғида) қурдирган. Бу иккала расадхонани ҳам Ал-Хоразмий бошчилигида Мовароуннахр ва Хуросондан келган олимлар бошқарган.

**117. Тасаввуф фалсафаси қачон, қаерда пайдо бўлган ва унинг моҳияти нимада?**

**ЖАВОБ:** Тасаввуф фалсафаси VIII асрда дастлаб Арабистонда пайдо бўлган. VIII-XV асрларда Мовароуннахр, Хуросон, Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг ёйилган тасаввуф фалсафасида инсонпарварликка зид бўлган барча ҳислатларни қоралаланади, худонинг олдида барчанинг тенглиги илгари сурилади.

**118. Сомонийлар сулоласига ким асос солган?**

**ЖАВОБ:** Сомонийлар сулоласига Балх яқинидаги йирик ер эгаси **Сомонхудо**д асос солган. Халифа Маъмуннинг топшириғи билан Хуросон ноиби Тохир ибн Хусайн 820 йили Сомонхудодининг ўғли Асадга катта ишонч билдириб, унинг ўғиллари-Нухни Самарқандга, Аҳмадни Фарғонага, Яхёни Шош ва Усрушонага, Илёсни Хиротга ноиб қилиб тайинлаган.

**119. Сомонийлар давлати қачон ташкил топган ва қачонгача ҳукмронлик қилган?**

**ЖАВОБ:** Сомонийлар давлати 875-999 йилларда Мовароуннахрда ҳукмдорлик қилган. Сомонийлар сулоласидан бўлган Аҳмад Мовароуннахрни ўз қўл остида бирлаштиришга киришган. Унинг вафотидан сўнг (864 й.) ўрнига тахтга ўтирган ўғли Наср отасининг ишини давом эттирган.

- 874 й. Наср Бухорода тохирийларга қарши кўтарилган кўзғолондан фойдаланиб, Бухоро шахрини эгаллаган ва шаҳарни бошқаришни укаси Исмоилга топширган. Шундан бошлаб Сомонийлар давлатига асос солинган. Бироқ, кейинчалик Наср ва Исмоил ўртасида ҳокимият учун кураш кучайиб, 888 йилдаги тўқнашувда Исмоил акаси устидан ғалаба қозонган.

- 892 йилдан Исмоил Сомоний Мовароуннахр ҳукмдорлигини қўлга киритган. Исмоил Сомонийнинг мустақил сиёсат юритишга интилишидан ташвишга тушган халифа Муътазид Хуросон ноиби Амр ибн Лайсга Мовароуннахр ноиблигини ҳам бериб, уни Исмоилга қарши урушга жўнатган.

- 900 йили Амр ибн Лайс қўшинлари Бухоро остоналарида тор-мор этилган ва Хуросон ҳам сомонийлар давлати таркибига қўшиб олинган.

**120. Сомонийлар сулоласи вакиллари биласизми?**

**ЖАВОБ:**

Нух ибн Асад

819-842

Аҳмад ибн Асад

842-864

Наср I ибн Аҳмад

864-897

Исмоил ибн Аҳмад

897-907

|                      |           |
|----------------------|-----------|
| Ахмад ибн Исмоил     | 907-914   |
| Наср II ибн Ахмад    | 914-943   |
| Нух I ибн Наср       | 943-954   |
| Абдумалик ибн Нух    | 954-961   |
| Мансур I ибн Нух     | 961-976   |
| Нух II ибн Мансур    | 976-997   |
| Мансур II ибн Нух    | 997-999   |
| Абдумалик ибн Мансур | 999-1000  |
| Исмоил ал-Мунтасир   | 1000-1005 |

**121. Исмоил Сомоний давлатининг давлат бошқарув тизими қандай бўлган?**

**ЖАВОБ:** Давлатни идора қилиш сарой (даргоҳ) ва 10 та девон (Девони муставфий, Девони амид, расойил, Девони сохиби ушрот, Девони мушриф, Девони мухтасиб, Девони барид, Девони қози, Девони зиё, Девони вақф, Девони харб) ташкил этилган. Девонлар орасида вазир ёки “хўжа бузург” девони алоҳида ўрин тутган. Бу девонга бошқа девонлар бўйсуниб, у ҳамма-маъмурий, сиёсий ва хўжалик маҳкамаларини назорат қилган.

**122. Сомонийлар давлати пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Давлат пойтахти Бухоро шаҳри бўлган.

**123. Сомонийлар даврида барпо этилган меъморий ёдгорликлар.**

**ЖАВОБ:** Бу даврда Карки яқинида Аламбардор, Карманадаги Мир Саид Баҳром, Тим қишлоғидаги Араб ота мақбаралари қурилган. Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шахристондаги Чилдухтарон масжидлари.

**124. Сомонийлар давлатининг энг гуллаб яшнаган даври қайси хон даврига тўғри келади?**

**ЖАВОБ:** Сомонийлар давлатининг энг гуллаб яшнаган даври Исмоил Сомоний (888-907 йй.) даврига тўғри келади.

**125. Сомонийлар давлати ўрнида қайси давлатлар пайдо бўлган?**

**ЖАВОБ:** Сомонийлар давлати ўрнида Қорахонийлар (шарқий қисмида) ва Ғазнавийлар (ғарбий қисмида) давлатлари пайдо бўлган.

**126. Тоҳирийлар давлати қачон ташкил топган ва асосчиси ким?**

**ЖАВОБ:** Халифа Маъмуннинг тахтга ўтиришига (813-833) ёрдам берган хуросонлик йирик ер эгаси Тоҳир ибн Хусайн халифа ҳокимиятининг нуфузли кишиларидан бирига айланган ва тоҳирийлар сулоласига асос солган. 821 й. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиб этиб тайинланган Тоҳир ибн Хусайн кўп ўтмай халифа номини жума номози хутбасидан чиқартириб, Хуросонни мустақил бошқаришга ўтган. Унинг авлодлари Талха (822-828) ва Абббс Абдуллоҳ даврида (830-844) мустақил бошқаришда давом этганлар.

**127. Тоҳирийлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларини ўз ичига олган, пойтахти Нишопур шаҳри бўлган.

**128. Тоҳирийлар давлати қачон ва нима сабабдан инқирозга учраган?**

**ЖАВОБ:** Тоҳирийлар давлати (821-873) 873 йилда Ёқуб ва Амир ибн Лайслар томонидан берилган зарба

натижасида инқирозга юз тутиб, унинг ўрнида саффорийлар сулоласи ҳокимиятни эгаллаган.

**129. Қорлуқлар давлати қачон ташкил топган ва қайси ҳудудларни ўз ичига олган?**

**ЖАВОБ:** VIII асрда Ўрта Осиёнинг араблар истило қилиб улгурмаган шимолий қисмларида туркий қавмлардан иборат Қорлуқлар давлати ва Ўғузлар давлати шаклланди. Қорлуқлар давлатининг маркази Чу дарёси шимолида жойлашган Сиёб шаҳри бўлган. Давлат таркибига Жул, Навкат, Кар-монкат, Ёр, Тун, Барсхон, Панжикент, Беклиғ каби шаҳарлар кирган.

**130. Ўғузлар давлати қачон ва қаерда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Ўғузлар қорлуқлар каби туркий қавмлар сифатида VII асргача Турк хоқонлиги таркибида бўлишган. Турк хоқонлиги емирилгач ўғузларнинг катта қисми Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол денгизи бўйларида жойлашиб, IX асрда Ўғузлар давлатини вужудга келтиришган. Бу давлат шимолда Иртиш дарёсидан Урал тоғ тизмалари жанубий-шарқий ёнбағирлари, жанубда Каспий денгизи шимолий-ғарбида хазарлар билан ҳамда Итил дарёси ўрта оқимида жойлашган балгарлар билан чегарадош бўлган.

**131. Қорахонийлар давлати қачон ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** X аср ўрталарида Еттисув ва Қашғар ҳудудларида яшаган қарлуқ, чигил, яғмо ва бошқа туркий уруғлар қорахонийлар номи остида кучли феодал давлат тузган. Қорахонийлар давлатининг асосчиси Сотуқ Абдулқарим (Буғрохон), давлатининг маркази қилиб Боласоғун (Еттисувда) шаҳрини танланган.

**132. Қора сўзининг маъноси нима?**

**ЖАВОБ:** “қора” сўзи қадимги туркий халқларда “буюклик”, “улуғлик” маъносини англатган.

**133. Қорахонийлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Қорахонийлар давлати-Қошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғонани ўз ичига олган. Дастлабки пойтахти Боласоғун шаҳри булган.

**134. Қорахонийлар давлати қачон ва қандай қисмларга бўлиниб кетган?**

**ЖАВОБ:** XI асрнинг 40-йилларида қорахонийлар давлати иккига ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди.

-Ғарбий қисмига асосан Мовароуннахр ерлари кириб, маркази Бухоро шаҳри,

-Шарқий қисмига қашғар, Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, Шош, Исфижоб ва Талос ерлари кириб, маркази Боласоғун шаҳри булган.

**135. Қорахонийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликлар?**

**ЖАВОБ:** Қорахонийлар давлатида ҳам маданий ҳаётга катта эътибор берилган. Жумладан, Шамс-ул-мулк даврида Бухоро яқинида сарой, Хазора қишлоғида Дингарон масжиди ва қарвонсарой, 1108-1109 йилларда Жарқўрғонда минора қурилди. Шунингдек, Самарқанд, Термиз ва Урганчда ҳам қатор қурилишлар қилинди. Жумладан, Урганчдаги Фахриддин Розий ва

Шайх Шариф макбарасини, Бўронқалъа ва Наифқалъани ҳамда кўплаб карвонсаройларни кўрсатиш мумкин. Арслонхон даврида машхур Минораи Калон курилди (1127). XII аср охирида Бухоро садри Абдулазиз II Вобкентда минора бунёд этдирган.

**136. Ғазнавийлар давлати қачон ва ким томонидан ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** X аср ўрталарида (962 й.) жасур туркий саркарда Сабуктегин Ғазна шаҳрида Ғазнавийлар давлатига асос солган. Шундан бошлаб Ғазна Хуросоннинг сиёсий марказига айланган.

**137. Ғазнавийлар сулоласи ҳукмдорларини биласизми?**

**ЖАВОБ:**

|                 |                  |
|-----------------|------------------|
| Алптакин        | 962 й.           |
| Сабуктакин      | 977-997 йй.      |
| Исмоил          | 997-998 йй.      |
| Махмуд Ғазнавий | 998-1030 йй.     |
| Муҳаммад        | 1030 й.          |
| Маъсуд 1        | 1030-1041 йй.    |
| Мавдид          | 1041-1048 йй.    |
| Маъсуд 2        | 1049 й.          |
| Али Абулҳасан   | 1049-1051 йй.    |
| Абдурашид       | 1051-1099 йй.    |
| Маъсуд 3        | 1099-1115 йй.    |
| Шерзод          | 1115-1116 йй.    |
| Арслон          | 1116-1117 йй.    |
| Баҳромшоҳ       | 1117-1153 йй.    |
| Хусравшоҳ       | 1153-1160 йй.    |
| Хусрав Малик    | 1160-1186/87 йй. |

**138. Ғазнавийлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган ва пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Султон Махмуд даврида (998-1030) Ғазнавийлар давлатининг қудрати янада ошиб, ҳудуди шимолий-ғарбий Хиндистондан Чағониён ва Хоразмгача чўзилди. Бу давлат ҳудудига Эроннинг шимолий-шарқий қисми ҳам кирган эди. Пойтахти Ғазна шаҳри бўлган.

**139. Ғазнавийлар давлати қачон ва қандай инқирозга юз тутган?**

**ЖАВОБ:** Махмуд Ғазнавий вафотидан кейин (1030) унинг ўғли Маъсуд даврида (1030-1041) мамлакатда ички зиддиятларнинг кучайиши ва салжукий туркларнинг ҳужумлари, хусусан, 1040 йилги Данданакон жангидаги мағлубиятдан кейин ғазнавийлар давлати инқирозга юз тутди. Маъсуд вафотидан кейин (1040) унинг ворислари ғазнавийлар давлати қудратини қайта тиклай олмадилар. XII аср охирида бу давлат Афғонистон ҳудудида ташкил топган ғурийлар давлати томонидан батамом тугатилди.

**140. Салжукийлар давлати қачон ва ким томонидан ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** X аср ўрталарида ўғузлар иттифоқи негизида ўғузларнинг ёбғуси (етакчиси) Салжукбек томонидан Салжукийлар давлатига асос солинган.

**141. Салжукийлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган?**

**ЖАВОБ:** Дастлаб Каспийбўйи ва Оролбўйи ҳудудларида яшаган салжукийлар Ғазнавийлар розилиги билан Нисо, Фарова, Дехистон ва Обивард ҳудудларига келиб жойлашишган. Кейинчалик улар кучайиб Ғайнавийларга жиддий хавф сола бошлаган ва 1040 йилда Туғрулбек бошчилигида Ғазнавийларни мағлубиятга учратиб, ҳудудларини ўз ерларига қўшиб олган. У Форс, Ироқ, Озарбайжон, Курдистон, Қўхистонни забт этган. Маликшоҳ (1072-1092) ва Султон Санжар (1118-1157) давларида эса Мовароуннахрнинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм ҳудудлари ҳам уларнинг таъсири доирасига тушиб қолган.

**142. Салжукийлар давлати пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Дастлабки маркази Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Янгикент шаҳри бўлган. Салжукбекнинг авлодлари Туғрулбек, Чағирбек ва Шакарбеклар бу давлатни буюк салтанат даражасига кўтарганлар. Туғрулбек даврида (1038-1063) Салжукийлар давлатининг пойтахти Рай (Эрон) шаҳрига, Алп Арслон даврида эса (1063-1072) Марвга кўчирилган.

**143. Хоразмшоҳлар давлати қачон ва ким томонидан ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** XI аср бошларида Шимолий Хоразм ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) 996 йилда иккига бўлиниб кетган ўлкани бирлаштириб, хоразмшоҳ унвонини олади ва Урганчни пойтахт деб эълон қилади. Унинг ўғллари Али ибн Маъмун (997-1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009-1016) мустақил давлат тузишга уриниб кўрдилар.

- Хоразм Ануштагин (1076-1096) ва унинг авлодлари Кутбиддин Муҳаммад (1097-1127) ҳамда Жалолиддин Отсиз (1127-1156) даврида ижтимоий-иқтисодий жihatдан анча ривожланган. Уста дипломат ва мохир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борган.

**144. Хоразмшоҳлар давлати қайси ҳудудларни ўз ичига олган?**

**ЖАВОБ:** Жалолиддин Отсиз Сирдарёнинг қуйи оқими ва Манғишлок атрофларини босиб олиб, Хоразм ерларини анча кенгайтирган. Хоразм ҳукмдори Такаш даврида (1172-1200) Нишопур, Рай ва Марв, Хамадон шаҳарларини босиб олинган ва Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтган. Алоуддин Муҳаммад (1200-1220) даврида эса Хуросон ва Мовароуннахрнинг Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ҳамда Талас водийси Хоразмга қўшиб олинган.

**145. Хоразмшоҳлар давлати пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хоразмшоҳлар давлати пойтахти Урганч шаҳри бўлган.

**146. Хоразмшоҳлар давлати инқирозининг асосий сабаблари нимада?**

**ЖАВОБ:** Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун ва унинг Дашти кипчоқдан келиб саройда юқори лавозимларни эгаллаб олган қариндош-уруғларининг ўзбошимчаликлари давлатнинг ичидан емирилишига сабаблардан бири бўлса, босқинчилик юришлари билан бутун мусулмон дунёсида ҳурматини йўқотган хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг сиёсати ва Чингизхон бошчилигидаги мўғул босқинчиларининг Мовароуннахр ерларига бостириб кириши Хоразмшоҳлар давлатнинг инқирозга юз тутишига олиб келди.

**147. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида уйғониш даври қачон бўлган ва унинг босқичларини кўрсатиб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Шарқ халқлари ҳаётида уйғониш даври IX-XV асрларда бўлиб ўтган. Ўрта Осиё илм-фани ва маданий тараққиётида Хоразм хукмдори Маъмун бошчилигидаги илмий жамоа академиясида тўпланган улуг алломалар муҳим роль ўйнаган. Тарихчи олимлар уни икки даврга: IX-XII ва XIV-XV асрларга бўлиб ўрганишган. IX асрда бошланган уйғониш даври ривожини мўғиллар босқини давридаги бўҳронли йиллар бироз тўхтатиб қўйган.

**148. Жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса буюк аجدодларимизги мисол келтиринг:**

**ЖАВОБ:** Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Наршахий, Рудакий, Дақикий, Фирдавсий, Ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб ва бошқалар.

**149. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳақида:**

**ЖАВОБ:** Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий-795-857 йииларда жаҳон маданияти ва фанига буюк ҳисса қўшган машҳур олим. Унинг “Ал-Жабр ал-муқобала” асари билан алгебра фанига асос солган. Бундан ташқари аллома лотин тилига таржима қилинган “Зиж”, “Қуёш соати ҳақида рисола” асарлари билан Шарқ ва ғарб мамлакатлари тараққиётига катта ҳисса қўшган.

**150. Абу Наср Фаробий ҳақида:**

**ЖАВОБ:** Абу Наср Фаробий (873-950)-873 йилда Фороб шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. У Шарқ мамлакатларида “Муаллим ас-соний”, “Арастуи замон” номлари билан машҳур. Фаробий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160дан ортиқ асар яратган. “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида”, “Шаҳарни бошқариш ҳақида” рисолалари шулар жумласидандир.

**151. Абу Райхон Беруний ҳақида:**

**ЖАВОБ:** Абу Райхон Беруний (973-1048)-Урганч яқинидаги Кат шаҳрида туғилган. 999-1000 йилларда Беруний “Ал осор ул бақия ан ал-қурун, ал-ҳолия”-Ўтмиш аجدодлардан қолган ёдгорликлар асарини ёзиб, якунлайди. Унда ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди ва ўзининг илмий кузатишлари асосида қимматли илмий-тарихий маълумотлар баён этилган. Бундан ташқари Берунийнинг Махмуд Ғазнавий ҳарбий юришларида иштироки давомида санскрит тилида хинд халқининг урф-одатлари ва ҳуқ-атфори тўғрисида ёзилган “Хиндистон”, Султон Маъсудга бағишланган “Астрономиява юлдузлар бўйича Маъсуд қонуни”, “Геодезия”, “Минералогия” асарларида эса астрономия, геометрия ва астрология масалаларига бағишланган.

**152. Наршахий хақида:**

**ЖАВОБ:** Наршахий-(Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар 899-959)-Бухоро яқинидаги Наршах қишлоғида туғилган. Унинг Сомонийлар амири Нух ибн Насрга тақдим этган “Таърихи Бухоро” асари ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим ёзма манбалардан бири ҳисобланади. Наршахийнинг номи X-XII аср манбаларида кўп тилга олинса-да, унинг бошқа асарларининг асл нусхалари бизгача етиб келмаган.

**153. Рудакий хақида:**

**ЖАВОБ:** Абу Абдулло Жаъфар Рудакий (860-941)-Панжикент яқинидаги Панжруд қишлоғида туғилган. Ўрта Осиёнинг X асрдаги атоқли шоири. Рудакийни Наср II ибн Аҳмад (914-943) ўз саройига таклиф этган. Шундан сўнг у умрининг кўп қисмини сомонийлар саройида ўтқизган. Шоир “Калила ва Димна”, “Синдбоднома”, “Даврони офтоб”, “Ароис ун-нафис” каби шох асарлар яратган. Рудакий умрининг охириги йилларида саройдан ўз қишлоғига қайтиб, 941 йилда вафот этган.

**154. Дақикий хақида:**

Дақикий (X аср)-Ўрта Осиёнинг X асрдаги атоқли шоиридан яна бири ҳисобланади. Унинг “Шохнома” асарида Эрон ва Ўрта Осиёнинг араблар истилосигача бўлган этник тарихи акс эттириш Режалаштирилган. Дақикийнинг бевақт вафот этиши асарнинг тугалланмай қолишига сабаб бўлган. Унинг ишини улуғ аллома Фирдавсий давом эттирган.

**155. Фирдавсий хақида:**

**ЖАВОБ:** Абулқосим Фирдавсий тахминан 934-941 йилларда Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида аслзода оиласида дунёга келган. “Шохнома” устида 35 йил ижод этган ва сўнг Махмуд Ғазнавийга тақдим этган. Асарнинг тарихий қисмида 50 та подшолик тарихи тавсифига қисмлар ажратилган. Шу жумладан Зардўштининг пайдо бўлиши, оташпарастлик динининг жорий этилиши, Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида бўлган тарихий воқеаларга тасвирланган.

**156. Ибн Сино хақида:**

**ЖАВОБ:** Абу Али Ибн Сино (980-1037)-Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келган. Амир Нух ибн Мансур Сомонийни даволагач, у Сомонийларнинг машҳур кутибхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Унинг “Ал-қонун фит-тиб” асари медицина тўғрисида ёзилган мукамал асар бўлиб, 6 аср давомида (IX асрдан XUI асрларда) бутун Европа шифокорлари учун дастурамал вазифасини ўтаган. Бундан ташқари унинг тиббиёт, мантиқ, табиатшунослик, математика ва бошқалар тўғрисида ёзилган “Китоб уш-шифо”, “Донишнома”, “Ал-Қонун” ва бошқа асарлари ўз даврининг энг илғор тафаккур ёдгорликлари ҳисобланади.

**157. Махмуд Қошғарий хақида:**

**ЖАВОБ:** Махмуд Қошғарий (XI аср)-Қорахонийлар салтанатининг ривож топган даврида яшаб ижод этган. Муаллиф ўзининг “Девону луғатит-турк-Туркий тиллар девони” ва “Жавохир ун-нахф фил-луғати-турк-Турк тили синтетикаси асослари” номли асарларида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан ўрганган ва бу тилларнинг ўзига хос хусусиятларини изохлаб берган.

**158. Юсуф Хос Хожиб хақида:**

**ЖАВОБ:** Юсуф Хос Хожиб-XI асрнинг улуғ шоири, донишманд ва давлат арбоби. Унинг “Қутадғу билиг-Саодатга элтгувчи билим” асарида давлатни идора қилиш, аслзодалар хукмронлигини мустахкамлаш йўллари тўғрисида ёзилган бўлиб, ўша замона тарихи тўғрисида қимматли манба ҳисобланади.

**159. Мирзо Улуғбек хақида қисқача маълумот келтиринг:**

**ЖАВОБ:** Мухаммад Тарағай Мирзо Улуғбек-1394-1449 йилларда яшаб ўтган буюк давлат арбоби ва замонасининг етук олими. У 1409-1449 йилларда Мовароуннахр тахтини бошқариш билан биргаликда диний ва дунёвий фанлар бўйича бир қатор кашфиётлар яратган. Унинг “Зижи жадиди Кўрогоний”, “Тўрт улус тарихи” ва бошқа асарларни яратган.

**160. Ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ алломаларимиздан кимларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Ахмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Сулаймон Боқирғоний, Абу Бакр ал-Хоразмий, Исмоил Журжоний, Махмуд аз-Замахшарий бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**161. Ал-Бухорий хақида:**

**ЖАВОБ:** Имом ал-Бухорий (810-870 йй)-IX асрда яшаган машхур муҳаддис олим. “Ас-Саҳих” асари билан дунёга машхур. Улар 600 минг ҳадисни ўрганиб, тўрт жилддан иборат китобига уларнинг 7563 тасини киритган.

**162. Ат-Термизий хақида:**

**ЖАВОБ:** Имом ат-Термизий (824-892 йй.)-IX асрда сўфийлик тариқати ва сўфийлар хақида бир қанча тарихий географик асарлар яратган. “Жами ал-улум - Илмлар тўплами”, “Баён ул касб-Касб ва хунарнинг баёни”, “Жоме ат-Термизий”, “Суннат ат-Термизий” асарлари шулар жумласидандир.

**163. Ахмад Яссавий хақида:**

**ЖАВОБ:** Хожа Ахмад Яссавий (1041-1167 йй.)-Яссавий тариқатининг асосчиси. 1041 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган. Ахмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олиб, яна она шаҳри Туркистонга қайтади ва шогирдлар тарбияси билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавия таълимотининг асослари унинг туркий тилда ёзилган

“Девони ҳикмат” асарида баён этилган.

**164. Нажмуддин Кубро хақида:**

**ЖАВОБ:** Нажмуддин Кубро (1146-1221)-тасаввуфнинг машхур шайхларидан бири. У 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Асл исми Ахмад бин Умар бин Мухаммад ал-Хевакий бўлиб, ислом асослари ва шариат қонунларини ўзлаштириб олгани боис, замондошлари томонидан унга “Нажмуддин-дин юлдузи”, “Кубро-улуғвор” каби лақаблар берилган. Нажмуддин Кубро фаолияти ҳулосаларини “Фавойихул жамол ва фавотихул жалола-Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”, “Ал усул ал-ашара-Ўнта усул”, “Фи одобус соликин-Соликлар одоби” ва бошқа ўнлаб асарларида жамлаб тасниф этган.

**165. Баҳоуддин Нақшбанд хақида қисқача маълумот келтиринг:**

**ЖАВОБ:** Шайх Сайфуддин Бохарзий Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)-Баҳоуддин Нақшбанд-нақшбандия сулукининг асосчиси, «Дил ба ёру даст ба қор» (қўлинг ишда қалбнинг Аллоҳда бўлсин) шиорини кўтариб чиқан, 1318-1389 йилларда яшаб ўтган улуғ аллома ва валий ҳисобланади.

**166. Аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси нимада?**

**ЖАВОБ:** Маълумки, Ўрта Осиё ҳудуди инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири бўлиб, айниқса IX-XV асрларда бу ерда илм-фан ва маданият ўзининг юқори чўққисига кўтарилган. Ушбу даврда яратилган нодир қўлёзмалар, диний ва дунёвий фанлар бўйича ёзилган бетакрор асарлар, бунёд этилган меъморий ёдгорликлар дунё маданиятининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунгача Шарқ ва Ғарб мамлакатларида илм-фан ва маданият соҳаларининг ривожига қимматли бўлган ушбу дурдоналарни яратган аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

**167. Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданияти хусусиятлари нималардан иборат?**

**ЖАВОБ:** Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданиятига хос хусусиятлари сирасига қуйидагиларни мумкин:

оламнинг тузилиши, модда ва рухнинг хусусиятлари каби умумий илмий фалсафий масалаларга қизиқиш;

- инсонни коинотни Яратгувчининг энг олий махсули деб баҳолаш ва инсон тафаккурини улуғлаш;
- инсоннинг адолат, тарақиёт, маънавиятга интилишига имконият яратиш;
- ахлоқ, одоб, муомалани инсон тарбиясининг бош мақсади деб билиш;
- қомил инсонни вояга етказишга қодир бўлган ривожланган давлатчилик тизимини вужудга келтириш;
- маърифатли жамият ва давлатни вужудга келтириш уйғониш даври таълимотининг муҳим хусусиятидир.

**168. Чингизхон қачон барча мўғул хонларининг улуғ хони этиб тайинланган?**

**ЖАВОБ:** 1206 йилда Темучин барча мўғул хонларининг курултойи чақирилиб у “улуғ хон” этиб тайинланди ва Чингизхон (1155-1227 й.) лақаби остида ўз давлатини мустахкамлагач босқинчилик юришларини бошлади.

**169. Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатини осонлик билан босиб олишига нималар сабаб бўлган?**

**ЖАВОБ:** Чингизхон Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати билан астойдил қизиқиб, хоразмлик савдогар Махмуд Яловочдан, Шарқий Туркистон ва Хитойга катновчи ўрта осийлик савдогарлар Хасан Хўжа, Юсуф Ўтрорий, Али Хўжа ал-Бухорийлардан зарур маълумотлар олган. Бундан ташқари, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг мавжуд имкониятлардан етарлича усталик билан фойдалана олмагани, сарой аёнлари ичидаги яқдилликнинг йўқлиги мўғилларнинг Хоразмшоҳлар устидан тезда ғалаба қозонишига олиб келган.

**170. Хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасида жангнинг бошланиб кетишига нима сабаб бўлган?**

**ЖАВОБ:** 1218 й. Чингизхон Еттисув худудларини эгаллаб олгач, Хоразмшоҳ хузурига 500 туя ва 450 савдогардан иборат карвон жўнатган. Бироқ, карвон Ўтрор шаҳрида шаҳар ноиб Иналхоннинг буйруғи билан талон-тарож қилиниб, элчилар қатл этилди. Чингизхоннинг бу воқеа айбдорларини жазолаш, Иналхонни ўзига бериш ҳақидаги талабига Хоразмшоҳ рад Жавобини берди. Шундай қилиб ҳар иккала томон ўртасида тўқнашув содир бўлиши муқаррар бўлиб қолди.

**171. Мўғуллар Хоразмшоҳлар давлатини қайси йиллар давомида босиб олган.**

**ЖАВОБ:** 1219-1224 йииларда Хоразмшоҳлар давлатини (1077-1224) босиб олган.

**172. Мўғиллар зулмига қарши халқ озодлик курашларини келтириб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** Мўғилларга қарши 1218-1221 йилларда шахзода Жалолиддин Мангуберди, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро муҳофаачилари Ихтиёриддин Қушлу, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчихон, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро ва 1238 йилда Бухорода бўлиб ўтган Махмуд Таробий бошчилигида Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашлар олиб борган. Аммо марказий ҳокимиятнинг тарқоқлиги, ватан хоинлари ва қарама-қарши кучларнинг тенгсизлиги сабабли улар она-юрт озодлигини сақлаб қолиша олмади. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.

**173. Жалолиддин Мангуберди ким?**

**ЖАВОБ:** Жалолиддин Мангуберди Муҳаммад Хоразмшоҳнинг туркман хотини Ойчечакдан туғилган ўғли (1199 й.) бўлиб, мўғуллар Ўрта Осиёга бостириб кирганда, у 20 ёшга тўлган шахзода бўлган. Отаси уни варис этиб тайинлаганда Хоразмшоҳлар давлати мўғуллар томонидан деярли босиб олинган ва уни қайтариб олиш амри маҳол давр эди. Шунга қарамай шахзода Жалолиддин ватанда йироқда бўлса-да 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида мўғулларга қарши мардоновор курашган. У 1231 йилда Озарбайжонда курдлар томонидан ўлдирилган.

**174. “Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўли” асарининг муаллифи ким?**

**ЖАВОБ:** Жасур лашкарбоши Жалолиддин Мангуберди тўғрисида ёзилган энг мукамал “Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўли” асарининг муаллифи 1224 йилдан бошлаб Жалолиддиннинг ҳарбий юришларида иштирок этган Шаҳобиддин Муҳаммад Насавийдир.

**175. Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилеи қачон ва қайси шаҳарда бўлиб ўтган?**

**ЖАВОБ:** 1999 й. 5 ноябр куни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди ва унинг шарафига ўрнатилган ҳайкал очилди.

**176. Чингизхон асос солган мўғулларнинг улкан империяси қандай тақсимланган?**

**ЖАВОБ:** Чингизхон империяси 4 ўғлига тақсимлаб берилган.

**177. Жўчига қайси ҳудудлар ҳукмронлиги топширилган?**

**ЖАВОБ:** Жўчига (1227-1255йй. х.қ.) Иртиш дарёсининг нариги томонидан Сирдарёнинг қуйи оқими (сиғноқ, Барчинлиқкент, Жаникент, Ашанас шаҳарлари) ва Хоразмнинг шимолий-ғарбий қисмлари берилган. Бу ерлар Жўчи улуси деб номланган. Жўчининг яйлови Иртишда, қишлаш жойи Сирдарёнинг қуйи оқимларида эди.

**178. Чиғатойга қайси ҳудудлар ҳукмронлиги топширилган?**

**ЖАВОБ:** Чиғатойга (1227-1241йй. х.қ.) Қашғар, Еттисув ва Мовароуннаҳр берилган. Унинг яйлови Ила дарёси бўйларида бўлган. Бу ерлар Чиғатой улуси деб номланган. Кейинчалик Бароқхон даврида (1266-1271) чиғатойлар ўз ҳукмронликларини ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятларигача таркатганлар. Унинг қўши Чўғучақ бўйида бўлган.

**179. Ўқтойга қайси ҳудудлар ҳукмронлиги топширилган?**

**ЖАВОБ:** Ўқтойга (1227-1241йй. х.қ.) Ғарбий Мўғилистон ва Тарбағатой ўлкаси ажратилган.

**180. Тулихонга қайси ҳудудлар ҳукмронлиги топширилган?**

**ЖАВОБ:** Тулихонга (1227-1251йй. х.қ.) ота улуси Халха-Шимолий Мўғилистон мерос қолган. Унинг қўши Керулен дарёси бўйида бўлган.

**181. Чиғатой улуси қочон ташкил топган ва нечанчи йилларгача ҳукм сурган?**

**ЖАВОБ:** Мўғиллар босқинидан кейин вужудга келган Чиғатой улуси 1226-1370 йилларда ҳукм сурган.

**182. Чиғатой улуси давлат бошқарувига маҳаллий амалдорлар иштирок этганми?**

**ЖАВОБ:** Чиғатой улусига дастлаб шарқда уйғурлар мамлакатидан ғарбда Самарқанд ва Бухорогача бўлган ерлар яъни Мовароуннахр, Еттисув ва Шарқий Туркистон ерлари қараган. Чиғатойнинг ўзи Еттисувда яшаб, Мовароуннахрни бошқаришни Махмуд Яловоч (1226-1238) ва унинг ўғли Маъсудбекка (1238-1289) бериб қўйди. Уларнинг таъсирида мўғул хонлари, Мункехон (1251-1260) ва Мовароуннахрда тинчлик ва тартиб ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Мункехон жон солиғини ва пул муомаласини тартибга солди, мўғул аслзодаларининг бу ерга келиб, маҳаллий бошқарув ишларига аралашishiга чек қўйди.

**183. Чиғатой улуси ҳукмдорларини келтириб ўтинг:**

**ЖАВОБ:**

Гуюкхон (1246-1248)

Олғухонлар (1261-1266)

Бароқхон (1266-1271)

Некпой (1271-1272)

Бақо Темур (1272-1291)

Дувахон (1291-1306)

Кепакхон (1318-1326)

Тармаширин (1326-1334)

Қозонхон (1334-1346)

Қозағон (1347-1358)

**184. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида қайта барпо этилган шаҳарлар?**

**ЖАВОБ:** Андижон ва Қарши шаҳри.

**185. Андижон қайси мўғил ҳукмдори даврида обод шаҳарга этилган?**

**ЖАВОБ:** Андижон шаҳрининг обод шаҳарга айланиши Дувахон (1291-1306) номи билан боғлиқдир.

**186. Қарши қайси мўғил ҳукмдори даврида барпо этилган?**

**ЖАВОБ:** Қарши шаҳри Кепакхон (1318-1326) даврида бунёд этилиб, у улус

маркази қилиб белгиланган.

**187. Кепекхон даврида ўтказилган ислохатлар қандай натижа берган?**

**ЖАВОБ:** 1321 йилда ўтказилган пул ислохати молия тизимини изга солишда муҳим рол ўйнаган. Маъмурий ислохатга кўра, Мовароуннахр худуди туманларга (жумладан, Самарқанд вилоятида 7 та, Фарғона вилоятида 9 та) бўлинган.

**188. Олтин Ўрда хонлиги тўғрисида қисқача маълумот келтиринг?**

**ЖАВОБ:** 1227-1255 йилда Шарқий Европа истилочиси Ботухон Олтин Ўрда хонлигига асос солган. Олтин Ўрда хонлиги таркибига шимоли-шарқда Булғор кирган, шимолдаги чегараси рус князликлари бўйлаб ўтган, жанубда Қрим ва унга қарашли денгиз бўйи шаҳарлари, Кавказнинг Дарбанд, Боқугача бўлган ерлари, Хоразмнинг шимоли, Уранч шаҳри, ғарбда Днестрдан бошланган чўллар, шарқда эса Ғарбий Сибирь ва Сирдарёнинг куйи оқимларигача бўлган ерлар кирган.

**189. Олтин Ўрда хонлигининг пойтахти бўлган шаҳарлар:**

**ЖАВОБ:** Олтин Ўрда хонлигининг пойтахти Ботухон (1227-1255) даврида - Астрахан шаҳри яқинидаги Селитренний мавзеси ўрнида жойлашган Сарой Боту (Эски сарой) бўлган. Кейинчалик Беркахон замонида (1257-1267) эса Волганинг ирмоғи бўлмиш Оқтуба дарёси бўйида жойлашган Сарой Берка (Янги сарой) бўлган.

**190. Мўғул хонларидан қайси бири даврида ислом дини қабул қилинган?**

**ЖАВОБ:** Тармаширин (1326-1334) даврида ислом динини қабул қилиб, уни давлат дини даражасига кўтарди.

**191. Қайси мўғул хони даврида мўғул хонлари ва маҳаллий амалдорлар ўртасидаги зиддиятларга бир муддат чек қўйилган?**

**ЖАВОБ:** Қозонхон (1334-1346) асосий эътиборини маҳаллий ва мўғул амалдорлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратган.

**192. Чиғатой улуси қачон ва қандай қисмларга бўлиниб кетган?**

**ЖАВОБ:** XIV аср ўрталарига келиб Чиғатой улуси икки қисмга: Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, Шарқий Туркистондан иборат Мўғулистонга ва ғарбий улус-Мовароуннахрга бўлиниб кетган.

**193. Мўғул хонларидан қайси бири даврида маҳаллий аҳолига манфаатларига зид сиёсат юритилган?**

**ЖАВОБ:** Қозонхон вафотидан кейин ҳокимиятни эгаллаган амир Қозағон (1347-1358) ўтмишдошларидан фарқ қилиб, кўчманчи мўғул аслзодалари манфаатларига мос сиёсат юритди. Маҳаллий аҳоли манфаатларига зид

бўлган бу сиёсат оқибатида ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашди. Сиёсий курашлар жараёнида Амир Қазағон қатл этилган.

**194. Ўрта асрларга оид қандай солиқ турларини биласиз?**

**ЖАВОБ:** Жузья, тамға, бож, хирож, шулен, шулон, кўпчур, тарғу ва бошқалар.

**195. Жузья солиғи кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Жузья-дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида шариат меъёрларига кўра мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиғи. Жузья балоғатга етганларга солинган. Қариялар ва аёллар, болалар, кул ва гадолар эса ундан озод қилинган.

**196. Бож ва тамға солиғи кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Тамға, бож-хунармандчилик ва савдодан олинган. Бож хунармандчилик ва савдо махсулотларидан 1/40 миқдорида ундирилган.

**197. Хирож кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Хирож-деҳқончиликдан ундириладиган асосий солиқ бўлиб, Ўрта Осиёда ривожланган ўрта асрлардан то Совет ҳукумати ўрнатилгунча амалда бўлган. 1/10 миқдорда ундирилган.

**198. Шилон кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Шилон-мўғуллар ҳукмронлиги даврида деҳқончиликдан олинган солиқ.

**199. Кўпчур кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Кўпчур-мўғуллар ҳукмронлиги даврида чорвачиликдан олинган солиқ. 1/100 бош қўй миқдорида ундирилган.

**200. Шулен кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Шулен-мўғуллар ҳукмронлиги даврида чорвачиликдан олинган солиқ. 1/1000 бош бия миқдорида ундирилган.

**201. Тарғу кимдан ва нима учун ундирилган?**

**ЖАВОБ:** Тарғу-мўғуллар ҳукмронлиги даврида хунармандчилик ва савдодан олинган солиқ. Тарғу хунармандчилик ва савдо махсулотларидан 1/30 миқдорида ундирилган.

**202. Ўрта асрларга оид қандай ер эғалиги турларини биласиз?**

**ЖАВОБ:** Мулки султоний, мулки хорис, танхо, суюрғол, иқтоъ, вақф, қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар.

**203. Мулки султоний кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Хон ва унинг яқинлари ҳамда давлатга тегишли ер-мулклар.

**204. Мулки хорис кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Хусусий ерлар

**205. Танҳо кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Давлат олдидаги хизматлари учун ҳарбийларга бериладиган уе мулклар. Улар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтмаган.

**206. Иқтоъ кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Ўрта аср шарқида кенг тарқалган хусусий ер эғалиги, кўпинча ҳарбий-маъмурий амалдорларга берилган. Ер эғалари иқтдор деб номланиб, еридан олган даромадининг бир қисмини давлатга топширган.

**207. Суюрғол кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Хукмрон сулола вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, давлат арбоблари, уламоларга хизмати учун бериладиган инъом-(вилоят ва туманлар). Суюрғол эғаси молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлган.

**208. Вақф кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, қабристонлар ва бошқа диний идораларга тегишли ер-мулклар.

**209. Қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар кимларга тегишли ерлар ҳисобланган?**

**ЖАВОБ:** Қишлоқ жамоалари ва дехқонларга тегишли кичик ер-мулклар. Одатда унга қишлоқ бойлари эғалик қилиб, бу ерга қишлоқ аҳолисининг катта қисми ижара асосида дехқончилик қилганлар.

**210. Мўғиллар босқини Ўрта Осиё халқлари ҳаётида қандай из қолдирган?**

**ЖАВОБ:** Мўғиллар босқини гуллаб-яшнаб турган Мовароуннахр шаҳарлари вайронага айлантирилган, машхур кутубхоналар ёқиб юборилган, халқнинг моддий ва маънавий аҳволи ачинарли аҳволга келиб қолганлиги сабабли илм-фан ва маданиятнинг ривожига жуда пасайиб кетган.

**211. Мўғиллар босқини даврида яшаб ижод этган алломалар ва улар томонидан яратилган асарларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** Ғазалнавис шоир Саъдий Шерозий (1219-1292 й. “Ғулистон” ва “Бўстон”), Амир Хусрав Дехлавий кабилар адабиёт соҳасида ижод этдилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирҳожиддин Жусжонийнинг «Табақоти Носирий», Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон гушай» («Жаҳон фотиҳлари тарихи»), Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби тарихий асарлари яратилди.

**212. XIV аср ўрталарида Мовароуннахрда сиёсий вазият қандай эди?**

**ЖАВОБ:** Бу даврда Мовароуннахрда ижтимоий-сиёсий тарқоқлик авж олган бўлиб, мўғуллар ва маҳаллий амалдорлар ўртасида бесамар урушлар кучайиб кетганди. Шундай вазиятда маҳаллий аҳолининг уларга қарши норозилик ҳаракатлари кучайиб борган. Масалан, ушбу даврда янада кучайган Сарбадорлар ҳаракати мўғуллар зулмига қарши жиддий зарба берган. Мовароуннахрда туркий амалдорларнинг мавқеини кучайиб бориши натижасида мамлакатда феодал тарқоқлик вужудга келиши ва майда қисмларга бўлиниб кетишига сабаб бўлган.

**213. Бу даврда Кешда:**

**ЖАВОБ:** Кеш вилоятида амир Сайфиддин Ҳожи Барлос етакчилигида барлос уруғи қўлида бўлган.

**214. Балхда:**

**ЖАВОБ:** Амир Қазоғоннинг набираси Амир Ҳусайн;

**215. Хоразмда:**

**ЖАВОБ:** Сўфийлар сулоласи;

**216. Шибирғонда:**

**ЖАВОБ:** Найманлар сулоласи;

**217. Бухорода:**

**ЖАВОБ:** Садрлар сулоласи;

**218. Термизда:**

**ЖАВОБ:** Саййидлар сулоласи;

**219. Чочда:**

**ЖАВОБ:** Маликлар сулоласи вакиллари ҳукмронлик қилган.

**220. Соҳибқирон Амир Темур қачон ва қаерда туғилган?**

**ЖАВОБ:** Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида барлос уруғи етакчиларидан бўлган Амир Тарағай Боходир оиласида дунёга келган. Онаси Бухоро садрлари оиласидан бўлган.

**221. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар тарихи ёритилган қандай асарларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Амир Темур ва темурийлар тарихига оид муҳим манбалар:

Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”,

Амир Темурнинг “Тузуқоти Темурий”,

Ибн Арабшоҳнинг “Китоб ажойиб ал мақдур фи ахбори Темур”

Мирхонднинг “Равзатус-сафо”-Жаннат боғи

Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”-Олийжаноб хислатлар китоби

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқалар.

**222. Амир Темурга қандай берилган фахрли номлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Уламо ва машойихлар томонидан А.Темурга берилган фахрли номлар: **Сохибқирон**-бахтли юлдуз эгаси

**Абул мансур**-зафарманд яъни ғалаба қозонувчи.

**223. Амир Темур неча ёшидан сиёсий воқеаларга аралаша бошлаган ва қандай сабабларга кўра ҳокимиятни эгаллай бошлаган?**

**ЖАВОБ:** 1361-1363 йилларда яъни 25 ёшида Туғлуқ Темур хизматига кириш билан ўз сиёсий фаолиятини бошлаган?

**224. Амир Темурнинг оқсоқ бўлиб қолгани сабабларини биласизми?**

**ЖАВОБ:** 1363 й- Сейистон (Эрон ва Афғонистон орасида жойлашган қадимий мамлакат) ҳокими Малик Қутбиддин таклифи билан Зуранж қалъаси учун жангда қатнашган. Бу жангда у ўнг қўл-оёғидан ярадор бўлган ва бунинг натижасида оқсоқ бўлиб қолган.

**225. Амир Темур Самарқандни ҳокимлигини қачон қўлга киритган?**

**ЖАВОБ:** 1365 йилда Амир Темур сарбадорлар ҳаракати ёрдамида Самарқанд ҳокимлиги қўлга киритган.

**226. Сарбадорлар ҳаракати ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Сарбадорлар (боши дорда деган маънони б-ди) мўғуллар зулмига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, тарихда озодлик учун бошини дорга тикканларга нисбатан айтилган. XIV асрнинг 60-йилларида Самарқандда сарбадорлар ҳаракати кучайган давр бўлиб, **1365 й.да** А.Темурнинг дастлабки муваффақияти яъни Самарқан тахтини эгаллашига ушбу ҳаракат вакиллари саб бўлган.

**227. Амир Темур қачон Мовароуннахр ҳукмронлигини қўлга киритган?**

**ЖАВОБ:** 1370 йилда Амир Темур бутун Мовароуннахрни бирлаштириб, ўз салтанатига асос солган.

**228. Амир Темур кимларни ўзининг пири деб билган?**

**ЖАВОБ:** Амир Темури Шайх Саид Барака, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Зайниддин Тайободийларни ўзининг пирлари деб билган.

**229. Амир Хожи Барлос ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** “Зафарнома”да келтирилишича, А.Темурнинг амакиси Амир Хожи Барлос нуфузли барлос бекларидан бири, Кеш ва унга тобъе ерлар ҳокими бўлган. У 1361 й.да ўлдирилган.

**230. Амир Боязид Жалойир ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хўжанд вилояти ҳокими бўлган. 1361 й. Туғлуқ Темур фармони

билан ўлдирилган.

**231. Амир Темурнинг фарзандларини санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Амир Темурнинг 2 қизи ва 4 ўғли бўлган.

Қизлари-Оқа Бегим ва Султон Бахт Бегим

Ўғиллари-Жахонгир Мирзо-1356-1376 й. (20 ёшида вафот этган)

Умаршайх Мирзо 1356-1394 й. (38 ёшида Курдистонда Хармату қалъасида вафот этган)

Мироншоҳ Мирзо 1366-1408 й.

Шохрух Мирзо 1377-1447 й.

**232. Амир Темур давлатини неча қисмга бўлиб ўз ворисларига бўлиб берган?**

**ЖАВОБ:** Амир Темур ўз салтанатини 4 қисмга бўлиб, ворисларига бошқариш учун топширган.

**233. Шохрухга қайси ҳудудлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон - маркази Хирот

**234. Мироншоҳга қайси ҳудудлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон-маркази Табриз.

**235. Умаршайхга қайси ҳудудлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Форс яъни Эроннинг жанубий қисми-маркази Шероз.

**236. Пирмуҳаммадга қайси ҳудудлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Афғонистон ва Шимолий Хиндистон-маркази Ғазна, к-нчалик Балх.

**237. Амир Темур давлатида аҳоли неча ижтимоий тоифага бўлинган?**

**ЖАВОБ:** 12 та тоифага бўлинган. Булар: Сайидлар, уламолар, шайхлар; ишбилармон, билимдон фозил кишилар; дуоғўй, тақводорлар, таркидунёчиликка мойил кишилар; амирлар, қўшин бошлиқлари-нўёнлар, амирлар; сипоҳ ва раият (қора халқ); салтанат ишлари бўйича ишончли кишилар; вазирлар, саркотиблар, девон битикчилари; ҳакимлар, табиблар, мунажжим ва муҳандислар; муҳаддислар (ҳадис олимлари) ва тарихчилар; сўфийлар ва орифлар; хунара ва санъат аҳли; савдогар ва сайёҳлар.

**238. Амир Темур давлатида марказий ҳокимиятни қандай девонлар идора қилган?**

**ЖАВОБ:** Девони олий; девони мол; девони тавочи.

**239. Амир Темур томонидан ёзилган асар қандай номланади?**

**ЖАВОБ:** “Темур тузуклари”.

**240.** Тузук бу:

**ЖАВОБ:** А.Темур давридаги қонун-қоидаларнинг номланиши. Чингизхон давридаги қонун-қоидалар **ясо** деб номланган.

**241. “Темур тузуклари”нинг мазмун ва мохияти нимага қаратилган?**

**ЖАВОБ:** Бу аср иккита рисоладан иборат бўлиб, Амир Темурнинг ўз ворисларига қолдирган давлат бошқарувида зарур бўлган турли маслаҳат ва насихатлари ҳамда харбий махорати тўғрисида ёзилган.

**242. Амир Темур томонидан Мўғилистонга қарши уюштирилган хужумлар?**

**ЖАВОБ:** 7 марта: 1-1375 й, 2-1376 й, 3-1377 йилларда амир Қамариддинга қарши, 4-1389 йилда Анқо тўрага қарши бир қатор жанглар уюштирган.

**243. Лой жанги қачон ва кимлар ўртасида бўлиб ўтган?**

**ЖАВОБ:** 1365 й-Чинос яқинида Илёсхўжа (1363-1369 й) бошчилигидаги мўғиллар қўшини ва А.Темур ҳамда Амир Хусайн (1370 йилда қатл эттирилган) ўртасида “Лой жанги” бўлиб ўтган.

**244. Нима сабабдан Амир Темур Амир Хусайнни қатл эттирган?**

**ЖАВОБ:** Амир Темур ва Амир Хусайн ҳокимиятни эгаллашда дастлаб иттифоқчи, кейин эса рақиб тарзида майдонга чиққан. Уларнинг ўртасидаги иттифоқчиликнинг бузилишига 1365 й.да “Лой жанги”да Амир Хусайн Амир Темурни оғир ахволда ташлаб қочгани сабаб бўлган бўлган. Улар ўртасидаги зиддиятнинг кучайишига эса А.Темурга Самарқанд ҳокимлигини эгаллашга ёрдан берган сарбадорлар етакчиларининг Амир Хусайн томонидан **1366 й.да** сарбадорлар бошлиқлари Абубакр Калавий ва Хурдак Бухорий Амир Хусайн томонидан қатл эттирилиши сабаб бўлади. Ушбу зиддиятлар **1370 й.да** А.Темурнинг Амир Хусайнни қатл эттиришига сабаб бўлган.

**245. Амир Темур томонидан Хоразмга қарши неча марта хужумлар уюштирилган?**

**ЖАВОБ:** 5 марта: 1-1371й, 2-1373 й, 3-1375 й, 4-1379 й, 5-1388 й.

**246. Àìèr Òàìór “Уч йиллик” қачон бўлиб ўтган ва қайси давлатларни бўйсундирган?**

**ЖАВОБ:** 1386-1389 йииларда-Эронга қарши бўлиб ўтган. Исфакхон, Хамадон ва Озарбайжоннинг бўйсиндирилган.

**247. Àìèr Òàìór “Беш йиллик” қачон бўлиб ўтган ва қайси давлатларни бўйсундирган?**

**ЖАВОБ:** 1392-1396 й.- Форс, Ироқ ва Дашти Қипчоқ хони Тўхтамишга қарши бўлиб ўтган. 1395 й илда Тўхтамишхон Самур, Терек дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учратилган.

**248. Àìèr Òàìór “Етти йиллик” қачон бўлиб ўтган ва қайси давлатларни бўйсундирган?**

**ЖАВОБ:** 1398-1404 й.-Ироқи араб ва Шомга бўлиб ўтган.

**249. Анқара жанги қачон ва кимлар ўртасида бўлиб ўтган?**

**ЖАВОБ:** 1402 й.-Анқара яқинидаги жангда Амир Темур Боязид Йилдирымни тор-мор этган.

**250. Амир Темур Хитойни ҳам босиб олганми?**

**ЖАВОБ:** 1404 йил 27 ноябрда Хитойга қарши юришнинг бошлаган, бироқ бетоблиги туфайли ортга қайтган.

**251. Амир Темур узоқ йиллик харбий юришлари давомида жами нечта мамлакатни эгаллаган?**

**ЖАВОБ:** 27 давлатни.

**252. Амир Темур қачон вафот этган?**

**ЖАВОБ:** 1405 йил 18 февралда касалликдан вафот этган. (Манбаларда касаллиги тавсилотлари турлича келтирилган, яъни бирида безгакдан, бошқасида эса суяк силидан).

**253. Амир Темур вафотидан кейин тахт учун курашни ким бошлаб берган?**

**ЖАВОБ:** Мироншоҳнинг 22 ёшли ўғли шахзода Халил Султон.

**254. Амир Темурдан кейин давлатни бошқарган темурий шахзодаларни биласизми?**

**ЖАВОБ:** Амир Темур ибн Тарағай Баходир-1370-1405 й.

Халил Султон ибн Мироншоҳ-1405-1409 й.

Шохрух ибн Амир Темур-1409-1447 й.

Улуғбек ибн Шохрух-1409-1447 йилларда Мовароуннахр хокими, 1447-1449 йилларда олий хукмдор.

Абдулатиф ибн Улуғбек-1449-1450 йиллар Мовароуннахр хокими.

Абулқосим Бобур-1449-1457 йиллар Хуросон хокими.

Абдуллох Мирзо ибн Иброҳим Султон-1450-1451 й. Мовароуннахр хокими.

Султон Махмуд ибн Абулқосим Бобур-1457-1459 й. Хуросон хокими.

Абу Саид ибн Султон Мухаммад-1451-1458 йиллар Мовароуннахр хокими, 1457-1469 йилларда олий хукмдор.

Султон Ахмад ибн Абу Саид-1457-1494 йиллар Мовароуннахр хокими,

Султон Али ибн Султон Махмуд-1498-1500 йиллар Мовароуннахр хокими.

Султон Хусайн Бойқаро-1470-1506 йиллар Хуросон хокими.

**255. Темурий маликаларни биласизми?**

**ЖАВОБ:** Амир Темурнинг рафиқаси Сарой Мулк хоним (1341-1408),  
Шохрух Мирзонинг рафиқаси Гавҳар Шод бегим (1379-1457),  
Халил Султон Мирзонинг суюкли хотини Шод Мулк Хотун (1387-1411),  
Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Ҳадича бегим (1451-1511),  
Умар Шайх Мирзонинг тўнғич қизи, Бобур Мирзонинг опаси Хонзода бегим (1477-1544),  
Бобур Мирзонинг қизи Гулбадан бегим (1523-1603),  
Сулаймон Мирзонинг хотини Ҳарам Бегим (1514-1589),  
Жаҳонгир Шохнинг суюкли хотини Нуржаҳон Бегим (Меҳринисо, 1577-1645),  
Шох Жаҳоннинг рафиқаси Мумтоз Маҳал Бегим (Аржумандбону, 1594-1631),  
Шох Жаҳоннинг қизи Жаҳон Оро Бегим (1614-1681),  
Аврагзеб Оламгирнинг қизи Зебинисо бегимлар (1639-1702) ва бошқалар.

**256. Амир Темур ва темурийлар даврда яшаб ижод этган тарихчи олимларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** Фазлуллох Рашидиддиннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асари;  
Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома” асари;  
Хофиз Абрунинг “Тарихий йилномалар”, “Бутун жаҳон тарихи” асарлари;  
Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи ус-садаъин ва мажмаи ул-баҳрайн” асарида (Шохрух даври тарихи),  
Ибн Арабшоҳнинг “Китоб ажойиб ал-мақдур фи ахбори Темур” асари;  
Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” (Жаннат боғи) асари;  
Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”-(Олийжаноб хислатлар китоби) асари;  
Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари;  
Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқалар.

**257. Амир Темур ва темурийлар даврда адабиёт ва санъат соҳасида ижод этган олимларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** Ушбу даврда адабиёт ва санъат соҳасида ижод этган алломалардан Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Алоуддин Коший, Жалол Хокий, Камолиддин Бехзод, Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шохқули Ғижжакий, Қосим Раббоний, Дарвиш Аҳмад Қонуний ва бошқаларникелтириб ўтиш мумкин.

**258. Биринчи миниатюра мактаби қаерда ва қачон барпо этилган?**

**ЖАВОБ:** XIV аср 2-ярми яъни Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра мактаби ташкил топган.

**259. Амир Темур томонидан бунёд этилган иншоотларни биласизми?**

Шахрисабзда 1379-1380 й. - Дор ус-Сиёдат (Саййидлар уйи) мақбараси;  
1380-1404 й. - Оксарой;  
Самарқандда 1376 й. - Шохи Зинда мажмуасида Туғли Текин мақбараси;  
1399-1404 й. - Сароймулкхоним томонидан Бибихоним жомъе  
масжиди; 1380 й. - Шохи Зинда мажмуасида Уста Али мақбараси;  
1380 й. - Рухобод мақбараси;  
XV аср охири-1405 й. - Амир Темур (Гўри Амир) мақбараси;  
Самарқанддаги А.Темур боғлари:  
1370 й. - Чўпонота тепалигида Боғи Нақши жахон  
1378 й. - хотини Тумон Оқога атаб Боғи Бихишт-Жаннат боғи  
1394 й. - Боғи Амирзода Шохрух  
1397-1399 й. - хотини Тукал хотунга атаб Боғи Дилкушо  
1398 й. - Боғи Жахонномо  
1399 й. - Боғи Давлотобод  
1404 й. - Самарқанднинг жанубида Боғи Нав  
Боғи шамол, Боғи Бўлди, Боғи Чинор, Боғи Зоғон боғларининг  
қурилган вақти аниқ эмас.  
Бухорода 1379-1380 й. - Чашмаи Аюб мақбараси;  
XIV асрда Абдурахмон Вали мақбараси;  
Туркистонда 1389-1395 й. - Ахмад Яссавий мақбараси;  
Хоразмда XIV асрда Хоразм Ичан қалъасида Саид Алоуддин мақбараси  
Тошкентда XIV аср охирида Зангиота мақбараси қурилган.

**260. Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган меъморий мажмуаларни биласизми?**

**ЖАВОБ:** Бухорода: 1417 й. - Улуғбек мадраси;  
Ғиждувонда: 1433 й. - Улуғбек мадраси;  
Самарқандда: 1417-1422 й. - Улуғбек мадраси;  
1424-1428 й. - Самарқанднинг Кўхак (Чўпонота) тепалигида Улуғбек  
расадхонаси қурилган.  
1429 й. - “Дор ул-илм” - Самарқанд академиясига асос солинган.  
**Шахрисабзда:** 1434-1435 й. - Кўк гумбаз масжиди;  
1437-1438 й. - Гумбази Сайидон мақбараси қурилган.  
Тошкентда: Мирзо Улуғбек вафотидан кейинроқ яъни 1451 й. - Хожа Ахрор  
Вале жомъе масжиди қурилган.

**261. Мирзо Улуғбек ким томонидан ва қачон ўлдирилган?**

**ЖАВОБ:** 1449 йил 25 октябрда Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилган.

**262. Абдулатиф Мирзо ким томонидан ва қачон ўлдирилган?**

**ЖАВОБ:** 1450 йил 9 майда Бобо Хусайн Баходир томонидан ўлдирилган.

**263. XV асрнинг 70-йилларига келиб Мовароуннахр неча қисмга бўлиниб кетган?**

**ЖАВОБ:** 1.Самарқанд ва унга тобъе ерларда-Султон Ахмад  
2.Фарғонада-Умаршайх  
3.Хисор, Хутталон ва Бадахшонда-Султон Махмуд ҳокимлик қилган.

**264. Амир Темур ва темурийлар даврида жасорат кўрсатган амалдорларга берилган совғалар?**

**ЖАВОБ:** суюрғол-ер инъом этиш.  
соварий-совға тортиқнинг бир тури.  
пешкаш-тобъе ҳокимлар томонидан хонга бериладиган тортиқ.  
совурун-олий мартабали кишиларга қилинадиган қимматбаҳо тортиқ,  
совға.

**265. Амир Темур ва темурийлар даврида холиса бу:**

**ЖАВОБ:** барча солиқлардан халос этилган мол-мулкни тасарруф этувчи олий идора.

**266. Амир Темур ва темурийлар даврида олинган солиқлар?**

**ЖАВОБ:** - шилон-подшоҳлар зиёфати учун халқдан йиғилган маблағ;  
- хирож-ер, умуман даромад солиғи. Баъзида мол-дейилган;  
- моли жихот-натура яъни махсулот тарзида олинадиган солиқ. 5/1, 3/1 миқдорда олинган;  
- моли омон-фатх этилган шаҳар аҳолисидан олинадиган ўлпон.

**267. Амир Темур давридаги ер эғали турларини келтириб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** 1.Мулки девоний-давлат ерлари  
2.Мулк-хусусий ерлар  
3.Мулки вақф-диндорлар, масжид ва мадрасалар ерлари.  
4.Суюрғол-хукмрон сулола аъзолари, йирик харбий ва давлат арбобларига тортиқ қилинган ерлар.

**268. Мирзо Бобур тўғрисида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Захириддин Мухаммад Бобур ибн Умаршайх Мирзо А.Темурнинг ўғли Мироншоҳ авлодидан бўлган темурий шахзода. 12 ёшида отасининг фожеавий ўлими сабабли Андижон тахтига ўтирган. Мовароуннахр Шайбонийлар хужуми хавфи остида бўлган даврда Самарқандни бир неча бор эгаллашга муваффақ бўлган. Мухаммад Шайбонийга қарши бир неча бор мардоновор жанглар олиб борган, лекин темурий шахзодаларнинг тарқоқлиги туфайли ундан енгилиб, ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган. 1508 йилда Шайбонийхон таъқибидан қочиб Бобур Мирзо Афғонистонга ўтган ва уни забт этган. 1526 йилда Бобур Мирзо Шимолий Хиндистонни босиб олган ва тарихда Бобурийлар салтанати номи билан машхур давлатга асос солган.

**269. Бобурийлар салтанати қанча вақт ҳукм сурган?**

**ЖАВОБ:** Европа тарихчилари томонидан “Буюк мўғиллар империяси” деб

номланган Бобурийлар салтанати 1526-1858 йилларда яъни Хиндистонни инглизлар босиб олгунча хукм сурган.

**270. Сўнгги бобурий хукмдор ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Баходиршоҳ II.

**271. Бухоро хонлиги қачон вужудга келган?**

**ЖАВОБ:** XVI иккинчи ярмида.

**272. Бухоро хонлигининг маълум даврларида хукм сурган, тарихда хукмрон сулолалар номи билан аталган қандай давлатларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийлар (XVI- XVII аср бошларигача) ва Аштархонийлар (XVII-XVIII ўрталаригача) давлатлари.

**273. Шайбонийлар давлатига қачон ва ким томонидан асос солинган?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийлар давлатига XIV асрнинг 80-йилларида Жўжихон авлодларидан бўлган Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон асос солган.

**274. Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Муҳаммад Шайбонийхон 1451 йилда Дашти Қипчоқда дунёга келган. У ёшлик йиллари Мовароуннаҳрда илм олиш билан ўтказган. Хусусан Самарқанд ва Бухорода диний ва дунёвий фанлар бўйича тахсил олиш билан бирга ушбу давлатнинг ички аҳолини, хукмдорлари сиёсати ва ўзаро муносабатини ўрганган. XIV асрнинг 80-йилларида у ватани Дашти Қипчоққа қайтиб, бобоси Абулхайрхон барпо этган лекин унинг вафотидан кейин парчаланиб кетган “Кўчманчи ўзбеклар давлати”ни қайта тиклаган.

**275. Дашти Қипчоқ бу:**

**ЖАВОБ:** Балхаш кўли ва Сирдарёнинг қуйи оқимидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган улкан ҳудуд XI асрдан бошлаб Дашти Қипчоқ деб аталган. Қипчоқлар ва бошқа туркий қабилалар хукмронлигида бўлган бу ҳудудда Ботухон томонидан Олтин Ўрда давлатига асос солди.

**276. “Кўчманчи ўзбеклар давлати” ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** XIV аср бошларида икки қисмга: ғарбий қисмида Кўк Ўрда ва шарқий қисми-Оқ Ўрда тарихий манбаларда Ўзбеклар мамлакати деб номланган давлатларга бўлиниб кетган.

XV асрнинг ўрталарида бу ҳудудда Жўжининг бешинчи ўғли Шайбон уруғидан бўлган Абулхайрхон (1412-1468) Кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солган. Бу даврда Кўк ўрда, Мўғулистон ва темурийлар хукмронлик қилаётган Мовароуннаҳрда ўзаро феодал урушлар низоҳатда кучайиб кетган. Бундан фойдаланган Абулхайрхон Сирдарёнинг ўрта оқимида бир қанча шаҳарларни, Хоразмнинг бир қисмини босиб олиб, темурийлар давлатининг ён қўшнисига айланиб қолган. Бу давлат Абулхайрхоннинг вафотидан кейин инкирозга учраган.

**277. Шайбонийлар давлати тарихига оид манбаларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** З.М.Бобур (1483-1530)-“Бобурнома” (ўзбек тилида ёзилган);

Камолиддин Биноий (1453-1512)-“Шайбонийнома”-“Футухоти хоний”(форс тилида ёзилган);

Муҳаммад Солих (1453-1535)-“Шайбонийнома” (ўзбек тилида назмий услубида ёзилган);

Хондамир - “Хабиб ус-сияр” асари;  
Фазлуллох ибн Рузбехон (1457-1530)-“Меҳмонномаи Бухоро” асари;  
Мирзо Муҳаммад Хайдар - “Тарихи Рашидий” асари;  
Муҳаммадиёр ибн Араб Қатағон - “Мусаххир ал-Билод” асари;  
Абдуллох ибн Насруллохий - “Зубдат ул-Осор” асари;  
Хофиз Таниш Бухорий-“Шарафномаи-шохий” (Шохларни шарафловчи асар) асарлари;  
Хўжа Қулибек Балхий - “Тарихи Қипчоқхоний” асари ва бошқалар.

**278.Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннахрни қачон эгаллади?**

**ЖАВОБ:** Муҳаммад Шайбонийхон ўз давлатини мустахкамлаб олгач қўшни давлатларга босқинчилик юришларини бошлайди. Бунда ички вазиятларини яхши ўрганиб чиққан Мовароуннахрни босиб олиш унинг биринчи ўриндаги Режасида бўлган. У 1497-1505 йилларда бир неча бор Мовароуннахрга хужум уюштириб, бирн-кетин марказий шаҳарларини эгаллай бошлаган.

1500 йилда Самарқандни, Қарши ва Ғузор шаҳарлари;  
1501 йилда Тошкентдаги Шохрухия ва бошқа бир қанча қалъаларни;  
1501-1502 йилларда саркардалари Султон Махмуд, Убайдулло Султон, Хамза Султон, Кўчқинчихон, Суюнчхўжахонлар ёрдамида Жиззах, Ўратепа, Шош, Шохрухия, Сайрам каби шаҳар ва қалъаларни;  
1503 йилнинг охирида Хоразмнинг Кат қалъасини;  
1504 йилда Хисор вилояти, Термиз, Қундуз, Толқон, Бадахшон ва Балх шаҳарларини эгаллайди.  
1505 йилда Урганчни эгаллагач, Хоразм тўлалигича босиб олинади.

**279.Шайбонийхоннинг қўчманчи қозоқ хонларига қарши жанглари:**

**ЖАВОБ:** 1504-1508 йилда қозоқ султонларининг Мовароуннахрга бир қанча талончилик юришлари кузатилган бўлиб, бу Шайбонийхоннинг уларга қарши хал қилувчи зарба беришга мажбур этади. 1509 йилда Шайдонийхон қозоқ султонларининг юрти Қора Абдални эгаллайди ва уларнинг энг кучли султони Бурундукхон ва Қосим султон улусига хужум қилади. Бу юришлар натижасида Сигноқ, Ясси, Саврон шаҳарлари қайта қўлга киритилади.

**280.Темурийлар тахти шайбонийлар томонидан қачон тўлиқ қўлга киритилди?**

**ЖАВОБ:** Мовароуннахр марказида мустахкам ўрнашиб олган Шайбонийхон 1507 йилдан бошлаб Хуросонни эгаллашга киришади. Бу даврда яъни 1506 йилда Хусайн Бойқаронинг ўлиmidан кейин Хуросонда тахт учун кураш авж олган бўлиб, темурий шахзодалар Музаффар ва Бадиуззаманнинг келишиб иш кўра олмаганлиги сабабли 1507 йилда пойтахт шаҳар Хирот шайбонийлар қўлига ўтади ва бутун Хуросон ҳам яъни бутун Темурийлар давлати Шайбонийлар давлатига қўшиб олинади.

**281.Муҳаммад Шайбонийхон қачон ва ким билан бўлган жангда вафот этган?**

**ЖАВОБ:** Бутун Мовароуннахр ва Хуросонни қўлга киритган Шайбонийхон энди Эронга қарши юришларни Режалаштиради. 1510 йилда Марв, Машхад ва Тус шаҳарларини эгаллаб ортга қайтадиган Шайбонийхонга Эрон шохи Исмоил Сафавий қўшинлари хужум қилади. Жангда Шайбонийхон

кўшинлари мағлубиятга учрайди ва ўзи ҳам халок бўлади.

**282.Шайбонийхонга замондошлари томонидан қандай номлар берилган?**

**ЖАВОБ:** Мухаммад Шайбонийхон замондошлари томонидан “Халифа ур-рахмон” ва “Имом аз-Замон” номлари билан улуғланган.

**283.Шайбонийлар сулоласи вакиллари санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийлар сулоласи хукмдорлари

Мухаммад Шайбонийхон-1480-1510 й.

Кучкинчихон-1510-1529 й.

Абусаидхон-1530-1533 й.

Убайдуллахон-1533-1539 й. даврида пойтахт Бухорога кўчирилган.

Абдулазизхон-1540-1550 й. (Бухорода)

Абдулатифхон-1540-1551 й. (Самарқандда)

Наврўз Ахмадхон (Бароқхон)-1540-1556 й. (Тошкентда)

Пирмухаммад-1556-1557 й.

Абдуллахон Иккинчи-1557-1583-1598 й.

Искандархон-1560-1583 й.

Абдулмўмин-1598 йилда 6 ой.

Пирмухаммад Иккинчи-1598-1601 й.

**284.Шайбонийхонлардан қайси бири даврида давлатнинг қудрати сезиларли даражада ортган?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида (1557-1598 йй.) давлатнинг қудрати сезиларли даражада ортган. Айнан шу даврда пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилган ва давлат Бухоро хонлиги номи билан юритила бошлаган.

**285.Шайбонийлар харбий махорати тўғрисида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийхон махоратли харбий саркарда ва замонасининг етук шахсларидан бири бўлган. У ва унинг бир қатор саркардалари Султон Махмуд ва Кучкинчихон жангларда харбий махоратини аъло даражада кўрсата билгани, шайбонийларнинг муваффақиятини таъминлаган. Қаранг: қўшинлари тузилиши [жадвал № да](#)

**286.Шайбонийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни келтириб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** Самарқандда - Зарафшон устидан қурилган кўприк-сув айиргич, Шайбонийхон мадрасаси ва масжиди (1515-1516), Абдурахм Садр мадрасаси; Тошкентда - Наврўз Ахмадхон даврида Бароқхон мадрасаси (Хаста Имом); Бухорода - Мир Араб мадрасаси (1535-1536), Масжиди Калон (1540-1541)-

Абдуллахон II даврида

- Бухорода Модарихон, Ойпошшо ойм, Говкушон, Фатхулла Қушбеги, Дўстим, Абдуллахон каби мадрасалар, ёпиқ бозор ва савдо расталари (Тоқи Заргарон, Тоқи Саррофон, Тоқи Китобфурушон) ва бошқалар;
- Тошкентда Кўкалдош мадрасаси;
- Қаршида Абдуллахон мадрасаси, Кўк гумбаз масжиди, Боқий мадрасаси, хаммом, сардоба ва бошқалар;
- Кармана яқинида Зарафшон устидаги кўприк (1582).

**287.Шайбонийлар даври кенг тарқалган мулк турлари тўғрисида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Мулки султоний-давлатга қарашли ерлар;  
Мулки холис-хусусий шахсларга қарашли ерлар;  
Вақф-диний маҳкамаларга, мадраса ва масжидларга қарашли ерлар;  
Қишлоқ жамоалари эғалик қиладиган ерлар.

**288. Шайбонийлар даври бошқарув тизими тўғрисида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Шайбонийлар даврида давлат марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида бошқарилган. Давлатнинг олий ҳукмдори хон ҳисобланиб, марказий бошқарув унинг қўлида бўлган. Марказга сарой амалдорлари, ҳарбий бошқарма, диний бошқарма ҳамда маҳаллий ҳудудлар тўғридан тўғри бўйсунган. Ҳудудлар вилоятларга бўлинган бўлиб, уларнинг бошида вилоят ҳокими турган.

**289. Шайбонийлар давлати қачон тугатилган ўрнида қайси давлат пайдо бўлган?**

**ЖАВОБ:** 1601 йилда Шайбонийлар сулоласидан давлатни бошқаришга лойиқ бўлган шахзода топилмагач, Бухоро тахтига хон оиласининг куёви асли Астраханлик жонийлар сулоласининг вакили Жонибек султон таклиф қилинади ва шундан бошлаб Аштархонийлар сулоласига асос солинади. Аштархонийлар Жўжихоннинг 13 ўғли Тўқай Темур авлодидан бўлиб, XV асрнинг 80 йилларидан бошлаб Астрахан (Ҳожи Тархон)да ҳукмронлик қилган. Бу шаҳар Иван Грозный томонидан босиб олингач (1556), сулола етакчиси Ёрмуҳаммад ўз яқинлари билан Бухорога келиб жойлашади. Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек султон Бухоро хони Искандархоннинг қизи Зухро бегимга уйланади ва Шайбонийларга яқин қариндошга айланади.

**290. Аштархонийлар давлати тарихига оид манбаларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** Маҳмуд ибн Вали (1595-1640)-“Баҳр ул-асрор фи муноқиб ул-ахёр” (Олийжаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи) асари;

Мир Муҳаммад Амин Бухорий - “Убайдуллонома” асари;

Муҳаммад Юсуф Мунши - “Тарихи Муқимхоний” асари;

Ҳожа Самандар Термизий - “Дастур ал-Мулук” асари;

Абулғозихон - “Шажараи Турк” асари;

Муҳаммад Амин Бухорий - “Тухфат ул-хоний” асари;

Абдурахмон Толеъ - “Тарихи Абулфайзхон” асари ва бошқалар.

**291. Аштархонийлар давлатига қачон ва ким томонидан асос солинган?**

**ЖАВОБ:** 1601 йилда Бухоро хонлиги тахтига таклиф қилинган Жонибек султон ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечади. Лекин Динмуҳаммад Бухорога етиб келмасданоқ саффорийлар билан бўлган жангда вафот этган. Шу сабабли унинг укаси Боқимуҳаммад тахтга ўтиради ва Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври бошланган.

**292. Аштархонийлар сулоласи вакиллари санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Аштархонийлар сулоласи

|               |           |
|---------------|-----------|
| Боқимуҳаммад  | 1601-1606 |
| Валимуҳаммад  | 1606-1611 |
| Имомқулихон   | 1611-1642 |
| Надирмуҳаммад | 1642-1645 |
| Абдуазизхон   | 1645-1681 |

|                  |           |
|------------------|-----------|
| Субхонкулихон    | 1681-1702 |
| Убайдуллахон II  | 1702-1711 |
| Абулфайзхон      | 1711-1747 |
| Абдулмумин       | 1747-1751 |
| Убайдуллахон III | 1751-1753 |
| Шерғозихон       | 1754-1756 |

293. Аштархонийлар даври бошқарув тизими тўғрисида нималарни биласиз?

**ЖАВОБ:** Аштархонийлар давлатида ҳам Шайбонийлардаги каби **хон олий ҳокимият бошлиғи** бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида тегишли масалалар унинг ихтиёри билан амалга оширилган.

- Давлат бошқаруви икки босқичли марказий ва маҳаллий бошқарув тизимига эга бўлган.
- Марказий бошқарув хон саройи амалдорлари қўлида бўлиб, айниқса оталиқ мансабига эга шахс катта мавқега эга бўлган.
- Маҳаллий ҳокимлар марказий ҳокимиятга хон томонидан қўйилган талаблар, хусусан белгиланган тартибда солиқлар тўлаган ва ҳарбий юришларда қўшин билан таъминлаган.
- Ушбу даврда ҳарбий амалдорлар ва дин пешволари ҳам катта ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шайбонийлар давридагидек бу даврда ҳам жўйбор шайхларининг мавқеи юқори б-б, асосий диний мансаблар улар ўртасида тақсимланган.

294. Аштархонийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни келтириб ўтинг.

**ЖАВОБ:** Бухорода-Лаби Ховуз меъморий мажмуаси Нодир Девонбеги томонидан;

Самарқандда-Регистон майдонида Шердор ва Тиллакори мадрасалари (1661) Ялангтўшбий томонидан;

Қаршида Шермухаммадбий ва Хўжа Қурбоний мадрасалари;

Шахрисазда Хўжа Илим кон меъморий мажмуаси ва бошқалар бунёд этилган.

295. Аштархонийлар даврида олинган солиқлар тўғрисида нималарни биласиз?

**ЖАВОБ:** Бу даврда аввалгидек хирож, закот, ихрожат, бож каби солиқлардан ташқари, хувиллаб қолган ҳазина тўлдириш учун баъзида 7 йиллик солиқлар бир йилда йиғиб олинган.

296. Аштархонийлар давлати қачон тугатилган ўрнига қайси сулола вакиллари тахтга қўтарилган?

**ЖАВОБ:** Ўзаро низолар ва ташқи душманларнинг ҳужуми давлатни заифлашиб бораётган бир вақтда марказий ҳокимият бошқарувида манғитлар сулоласи вакиллари муҳим ўрин тута бошлаган. Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг босқинчилик юришлари ва Абулфайзхоннинг ўлими натижасида 1747 йилдан 1756 йилгача Аштархоний шаҳзодалар тахтга ўтказилганига қарамай амалда марказий ҳокимият бошқаруви манғитлар сулоласи вакили Муҳаммад Раҳим қўлига ўтган.

297. Бухоро амирлиги тарихига оид манбаларга мисол келтиринг.

**ЖАВОБ:** “Қушбеги архиви” хужжатлари

Мирза Абул Азим Сомий - “Тарихи султони манғития”

Мухаммад Вафойи Карманий - “Тухфаи хоний”

Мулла Ибодулло ва Мулла Мухаммад Шариф - “Тарихи амири Хайдар”

Мухаммад Ёқуб Бухорий - “Гулшан ал-мулук”

“Рисолаи мухтасари аз тарихи салотини хонадони манғития”

Н.Хаников - “Бухоро хонлигининг тарихи”

П.И. Демезон - “Бухоро хонлиги хақида қайдлар”

Е.К.Мейендорф - “Оренбургдан Бухорога саёхат” ва бошқалар.

**298. Нима сабабли Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб номлана бошланди?**

**ЖАВОБ:** Бухоро хонлиги тахтига маҳаллий қабила вакиллари билан бўлган манғитлар сулоласи (Мухаммад Раҳим-1753-1758) кўтарилиши билан хонлик амирлик деб номлана бошлади. Сабаби, ўша даврларда фақат мўғуллар уруғи вакиллари хон деб эълон қилиниши мумкин бўлган.

**299. Манғитлар сулоласи вакиллари биласизми?**

**ЖАВОБ:** *Манғитлар сулоласи вакиллари*

|                                     |           |
|-------------------------------------|-----------|
| Мухаммад Раҳим                      | 1753-1758 |
| Фозилтура (амалда Дониёлбий оталик) | 1758-1785 |
| Амир Шохмурод (Амирул маъсум)       | 1785-1800 |
| Амир Хайдар                         | 1800-1826 |
| Амир Насрулло (Қонхўр амир)         | 1826-1860 |
| Амир Музаффар                       | 1860-1885 |
| Амир Абдулаҳад                      | 1885-1910 |
| Амир Олимхон                        | 1910-1920 |

**300. “Амирул маъсум” деган ном қайси амирга нисбатан ишлатилган?**

**ЖАВОБ:** Амир Шохмурод (1785-1800 йй.)

**301. “Қотил амир”, “Қассоб амир” номлари қайси амирга нисбатан ишлатилган?**

**ЖАВОБ:** Амир Насрулло (1826-1860 йй.). Чунки у ҳокимият йўлида ўз яқинларини ҳам аямаган.

**302. Бухоро амирлигига қарашли бекликлар сони нечта бўлган?**

**ЖАВОБ:** 27 та.

**303. Амирликка қарашли бекликларни саннаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Кармана, Хатирчи, Зиёвуддин, Нурота, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Чирокчи, Яккабўғ, Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Керки, Чоржўй, Хисор, Кўлоб, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Шўғнон, Рушон, Қўрғонтепа, Қободиён, Калиф, Бўрдалиқ, Қободийон бекликлари.

**304. Қайси амир даврида Бухоро Чор Россиясига қарам давлатга айлантирилган?**

**ЖАВОБ:** Амир Музаффар даврида (1860-1885 йй.) яъни 1868 йилда “Зирабулоқ” шартномасига асосан Бухоро амирлиги Россия ҳукуматига қарам давлатга айлантирилган ва белгиланган шартларни бажаришга мажбур бўлган.

**305. Бухоронинг сўнгги амири ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Амир Олимхон (1910-1920 йй.)

306. Бухоро амирлиги даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни келтириб ўтинг.

**ЖАВОБ:** Бухорода Эрназар элчи мадрасаси (1795);

Домулло Турсунжон мадрасаси (1796-1797);

Худойдод меъморий мажмуаси (1777-1855);

Чор Минор мажмуаси (1807);

Қаршида Али ва Мир Мухаммад мадрасаси ҳамда бошқа бир қанча мачит, мадраса, сардоба, ёпиқ бозорлар брпо этилган. Ушбу даврда Қарши шаҳри Бухородан кейинги иккинчи марказий шаҳарга айланган.

**307. Хива хонлиги қачон вужудга келган?**

**ЖАВОБ:** Темурийлар давлати таркибига кирган Хоразм воҳаси 1505-1510 йилларда Шайбонийхон, 1510-1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий давлати таркибига кирган. Кўп ўтмай Хоразм шайхлари Дашти Қипчоқлик ўзбеклар йўлбошчиси Элбарсхонга Хоразм тахтини таклиф этадилар. Элбарсхон Урганчни эгаллагач Хоразмни мустақил хонлик деб эълон қилади.

XVI асрнинг 70-йилларига келиб Хоразм пойтахти Урганчдан Хивага кўчирилади. Шу сўнг бу давлат Хива хонлиги деб номлана бошлайди.

**308. Хива хонлигитарихига оид манбаларга мисол келтиринг.**

**ЖАВОБ:** Абулғозихон-“Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” асарлари

Мунис Хоразмий (1778-1829) томонидан ёзилган ва Огахий томонидан давом эттирилган -“Фирдавс ул-икбол” асари

Баёний (1859-1923) - “Шажараи Хоразмшоҳий” асари

Огахий-“Зубдат ут-таворих”, “Риёз уд-давла”, “Жомийъ ул воқеоти султоний” асарлари

**309. Хива хонлигида қўнғиротлар сулоласигача тахтда ўтирган хонларни санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Хива хукмдорлари

|                                                                                   |           |
|-----------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Элбарсхон                                                                         | 1512-1538 |
| Аванишхон, Динмухаммад                                                            | 1538      |
| Али Султон                                                                        | 1558-1567 |
| Пулат Султон, Темир Султон, Хожимхон (орада Бухоро хони Абдуллохон II. 1593-1598) | 1567–1602 |
| Араб Мухаммадхон                                                                  | 1602-1623 |
| Исфандиёрхон                                                                      | 1623-1643 |
| Абулғози Баходирхон                                                               | 1643-1663 |
| Анушахон                                                                          | 1663-1687 |
| Эрнак                                                                             | 1687-1688 |
| Шохниёз                                                                           | 1688-1702 |
| Араб Мухаммадхон II                                                               | 1702-1714 |
| Шергозихон                                                                        | 1715-1728 |
| Элбарсхон II                                                                      | 1725-1740 |
| Нодиршоҳ (Эроншоҳ)                                                                | 1740-1747 |

|                                                                           |           |
|---------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Ғойибхон                                                                  | 1747-1757 |
| Абуллахон                                                                 | 1757-1758 |
| Темир Гозихон                                                             | 1758-1763 |
| Абулғозихон (амалда Иноқ Мухаммад Амин 1763-1790, Аваз Иноқ 1790-1804 й.) | 1763-1804 |

**310. Хива хонлиги тахтига қачондан бошлаб қўнғиротлар сулоласи кўтарилган?**

**ЖАВОБ:** 1804 йилдан бошлаб Элтузархон бошчилигида Хива хонлиги қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги йиллар бошланган.

**311. Қўнғиротлар сулоласи вакиллари санаб ўтинг?**

**ЖАВОБ:** Қўнғиротлар сулоласи

|                                    |              |
|------------------------------------|--------------|
| Элтузархон                         | 1804 – 1806  |
| Мухаммад Рахимхон I                | 1806-1825    |
| Оллокулихон                        | 1825-1842    |
| Рахимкулихон                       | 1842-1845    |
| Мухаммад Аминхон                   | 1845-1855    |
| Абдуллахон                         | 1855-1856    |
| Кутлимурадхон                      | 1856 й. 6 ой |
| Саид Мухаммадхон                   | 1856-1865    |
| Мухаммад Рахимхон II               | 1865-1910    |
| Исфандиёрхон                       | 1910-1918    |
| Саид Абдуллахон (амалда Жунаидхон) | 1918-1920    |

**312. Хонликларда маъмурий бўлинмалар нима деб номланган ва Хива хонлигида уларнинг сони нечта бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хива хонлиги маъмурий жихатдан XVI-XVIII асрларда вилоятларга бўлинган бўлса, XVIII аср охири-XIX аср бошларидан бошлаб асосий маъмурий бўлинмалар беклик деб юритила бошлади. Бу даврда хонликда 16 та беклик ва 2 та ноиблик мавжуд бўлган.

**313. Хива хонлиги қайси хон даврида Чор Россиясига қарам давлатга айлантирилди?**

**ЖАВОБ:** Мухаммад Рахимхон II даврида (1865-1910 йй.) 1873 йилда “Гандимиён” шартномасига асосан Бухоро амирлиги Россия ҳукуматига қарам давлатга айлантирилган ва белгиланган шартларни бажаришга мажбур бўлган.

**314. Хива хонлиги даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни келтириб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** Бу даврда Хива шахрининг мавқеи ошади. Хива шахри 3 қисм-хон қароргоҳи-Ичан қалъа, сарой-Душан қалъа ва работдан иборат бўлган.

Хивада: XIX аср бошларида 22 та мадраса, 17 та масжид бир қанча қарвонсарой, хаммом, ёпиқ бозорлар бор эди.

Араб Муҳаммад мадрасаси (1616);  
 Шерғозихон мадрасаси (1719);  
 Элтузархон даврида Кўринишхона (XIX аср бошлари);  
 Оллоқулихон даврида Тошховли (1832), Саид Бий масжиди (1835);  
 Муҳаммад Раҳим I даврида Полвон дарвоза, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Полвон ота масжиди;  
 Хозараспда: Раҳмонқул иноқ саройи ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**315. Қўқон хонлиги қачон вужудга келган?**

**ЖАВОБ:** Аштархонийлардан Убайдуллохон даврида (1702-1712) марказий ҳокимият янада заифлашади. Бундан фойдаланган Чордак хожалари 1709 йилда қўзғалон кўтариб Фарғона водийсининг бир қисмини эгаллайдилар. 1710 йилда ўзбекларнинг минг қабиласи вакили Шохрухбий тахтга чиқади ва мустақил давлат эълон қилинади.

**316. Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларга мисол келтиринг.**

**ЖАВОБ:** Миразиз бин Муҳаммад Ризо Марғилоний “Тарихи азизий” асари  
 Отабек Фозил ўғли “Муфасссал тарихи Фарғона” асари  
 Шавқий “Тарихи Шавқий” асари  
 Мулла Олим Махдумхўжа “Тарихи Туркистон” асари  
 Мирзо Олим Мулло Раҳим Тошкандий “Асноб ас салотин ва таворихи хавоқин” асари  
 Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат “Тарихи Фарғона” асари

**317. Қўқон хонлигида қайси сулола вакиллари ҳукмронлик қилганини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Минглар сулоласи

|                                   |           |
|-----------------------------------|-----------|
| Шохрухбий                         | 1710-1721 |
| Абдурахимбий                      | 1721-1733 |
| Абдулқаримбий                     | 1733-1751 |
| Абдурахмон,                       | 1750-1751 |
| Эрдонахон                         | 1751-1753 |
| Бобобек                           | 1753-1754 |
| Эрдонабий 2-марта                 | 1755-1769 |
| Сулаймонбек                       | 1769-6 ой |
| Норбутабий                        | 1770-1801 |
| Олимхон (“Золимхон” номини олган) | 1801-1810 |
| Умархон (Амирий)                  | 1810-1820 |
| Муҳаммад Алихон (Мадалихон)       | 1821-1842 |
| Бухоро амири ноиби Исҳоқ манғит   | 1842-3 ой |
| Шералихон                         | 1842-1845 |
| Худоёрхон                         | 1845-1858 |
| Маллахон                          | 1858-1862 |

|                 |                |
|-----------------|----------------|
| Шохмуродбек     | 1862-1863      |
| Худоёрхон       | 1862-1863 4 ой |
| Султон Муродхон | 1863-1865      |
| Худоёрхон       | 1865-1875      |
| Насриддинбек    | 1875-1876      |

**318. Қўқон хонларидан қайси бири даврида давлатнинг қудрати сезиларли даражада ортган?**

**ЖАВОБ:** Қўқон хонлиги мавқеи Олимбек (1801-1810) давридан бошлаб анча ошади ва расман Қўқон хонлиги деб эълон қилинади. Беклари эса хон деб номлана бошланади.

**319. Қўқон хонлиги қайси хон даврида Чор Россияси томонидан тугатилди?**

**ЖАВОБ:** Россия билан 1868 й. 13 февралда Қўқон хонлиги ўртасида имзоланган шартномага кўра рус савдогарлари хонлик ҳудудларида эркин савдо қилиш, ўз савдо агентликларини тузиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Хонликка тегишли ерларнинг катта қисми Россия ихтиёрига ўтди. 1876 йилда эса Қўқон хонлиги Россия ҳукумати томонидан тугатилган ва Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинган.

**320. Қўқон хонлиги сўнгги хони ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Амир Умархоннинг ўғли Насриддинбек.

**321. Қўқон хонлиги ҳудудида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни келтириб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** Қўқонда Умархон томонидан Жомъе масжиди;

Тошкентда Мўйи Муборак мадрасаси, Тиллашайх жомъе масжиди, Шайхонтохур меъморий мажмуаси.

Наманган ва Андижонда ҳам бир қатор масжид ва мадрасалар барпо этилган.

**322. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қадимий шаҳарлардан қайсиларини биласиз?**

**ЖАВОБ:** Қадимий шаҳарлар сирасига: Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Тошкент, Марғилон, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Термиз ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

**323. Самарқанд шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Самарқанд Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, қадимда Афросиёб, Мароканда, самариана, Сараманка, Саккана, Санман-ген, Самакиян, Сумрон, Шамаркент, Самарон, Симроят, Семизкент каби номлар билан аталган. Шаҳарнинг “Семизкент” яъни семиз шаҳар, бой шаҳар деган маънони билдиради деган фикрни Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа муаллифларнинг асарларида, Руи

Гонзалес де Клавихонинг Амир Темур ва унинг давлати тўғрисида ёзиб қолдирган маълумотларида учратиш мумкин. Тадқиқотчилар, Самарқанд сўзининг келиб чиқиши эса шаҳарга асос солган киши номидан келиб чиққан деган фикрни билдирганлар. Уларнинг фикрича Самарқанд шаҳри тарихи 2750 йиллик тарихга эга.

### **324. Тошкент шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Тошкент шаҳри бундан тах. 2200 йил бурун Чирчиқ дарёси бўйларида вужудга келган. Тошкент V-IX асрларда Шош, Шошкент, Бинкент, Чоч номлари билан аталиб келган ва Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарларидан бири бўлган. Араблар босқинидан кейин шаҳар олинги ўрнидан шимоли-шарқда Бўзсув канали бўйида қайта бунёд этилган. Шаҳар XI бошлаб Тошкент деб атала бошлаган. Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқлари устида жойлашган бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турувчи савдо-сотиқ ва маданий марказ ҳисобланган. Ватанимиз ҳудудида ҳам совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг 1930 йилда пойтахт Тошкент шаҳрига кўчирилган.

### **325. Китоб шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Китоб шаҳри Қашқадарё вилоятида жойлашган яна бир муҳим ҳунармандчилик маркази ҳисобланган. Манбаларда келтирилишича, қадимги ва илк ўрта асрларда Кеш воҳасининг маркази Китоб шаҳри ўрнида жойлашган. XVIII асрларда илк ўрта асрларга оид шаҳар харобалари ўрнида Китоб қўрғони барпо қилинган ва унинг атрофида аҳоли жойлашиб, янги шаҳар ривожланган.

Тарихчиларнинг фикрича, «Китоб» атамасининг маъноси ҳақида куйидаги фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар шаҳар номини Қашқадарёнинг юқори оқимидаги «Кашаф» жилғаси номи билан боғлайди. Бошқа бири эса «Китоб» атамаси тожикча «кифт» - елка, «об» - сув, яъни «елкадаги сув» деган маънони билдирувчи «кифтоб» сўзидан келиб чиққан деб таъкидласа, яна бири турар-жойлар маъносини англатадиган сўғдийча «Кат» ва сув маъносини берувчи тожикча «об», яъни «Катоб» сўзларидан келиб чиққан «сув бўйидаги шаҳар» маъносини билдиради, - деб келтириб ўтган.

### **326. Шаҳрисабз шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Қашқадарё вилоятида жойлашган қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг қадимги номи Кеш. Шаҳрисабз шаҳри воҳанинг йирик маданий марказларидан бири Қадимги Кеш воҳасида жойлашган. Манбаларда у «Кеш-Кашш», «Кас» ва «Кис-Кис» шаклларида тилга олинган. «Кеш» атамаси Шаҳрисабз шаҳрининг қадимий номи бўлиб, «яшил шаҳар» маъносини билдиради. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, баҳорда Кеш вилоятининг сахро-ю шаҳарлари, дала-ю боғлари ям-яшил бўлгани учун уни Шаҳрисабз яъни «яшил шаҳар» деб аташган. Қадимги ва илк ўрта асрларда Китоб шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб, КАТЭ келтирган

маълумотлар, хусусан, Ш.С.Камолиддинов ёзишича вақт ўтиши билан ҳозирги Шаҳрисабз атрофига кўчган. IX - XII асрларда бу ерда масчит ва турар жойлар қурила бошлаган. Жумладан ўрта аср манбаларидаги маълумотларга кўра, ушбу даврда эски шаҳристон қаъласи вайрона аҳволда бўлгани ёзиб қолдирилган Бу ерда зиндон ва жомъе масчити сақланиб қолган. Эски шаҳар ташқарисида янги иншоотлар қурилган бўлиб, шаҳар ҳокими саройи ва бозор ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳарнинг муҳофаа девори билан ўраб олинishi ва мустаҳкамланиши Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Шаҳрисабз бу даврда аниқ Режали, баланд ҳимоя девори ва мустаҳкам минорага эга бўлган шаҳар бўлган.

### **327. Қарши шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Қарши Қашқадарё вилоятининг маъмурий марказларидан бири. Қарши Ўзбекистонининг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланиб, Юнон-Бақтрия давлати давридан то XIV асргача Нахшаб деб номланган. Араблар бу номни ўзгартириб, Насаф деб аташган. Тарихчиларнинг фикрича, янги Қарши шаҳрининг вужудга келиши Кепекхон фаолияти (1318-1325) билан боғлиқ. XIV асрда қадимги Насафдан 5 км шимолда ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида чигатой уруғидан бўлмиш Кепекхон томонидан сарой бунёд этилган ва янги шаҳарга асос солинган.

«Қарши» сўзининг маъноси хусусида қуйидаги фикрлари мавжуд. М.Е. Массон мўғилча «Қарши» сўзи «сарой» маъносини англатади, яъни мўғил хонлари расмий йиғинлари ўтказиладиган сарой «Олтин қарши» деб номланган, деган маълумотни келтирган. З.М. Бобурнинг ёзиб қолдиришича эса, «Қарши» сўзи мўғулча «гўрхона» яъни мақбара деган маънони билдиришини ва бу ном мўғиллар истилосидан кейин пайдо бўлганлиги таъкидлаб ўтилган. Муҳаммад Ёқуб Бухорий «Гулшан ул-мулук» асарида «Қарши» сўзининг маъноси ўйғурча «сарой» маъносини билдиришини айтиб ўтган. Хулоса ўрнида «Қарши» атамаси мўғулча сарой сўзидан келиб чиққан дейиш мумкин.

### **328. Термиз шаҳри тарихини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Термиз Македониялик Искандар босқини даврида «Александрия», Юнон-Бақтрия даврида «Таримита», Сомонийлар даврида «Шаҳри Сомоний», X асрнинг охирига келиб эса яна «Термиз» деб атала бошлаган. Ушбу атаманинг келиб чиқиши билан боғлиқ айрим афсоналар мавжуд. Айтишларича, юнон аскарлари шаҳарни бир неча кун қамал қилиб, қўлга ололмагач ҳийла ишлатишган ва шаҳар бошлиқларини қўлга олишган. Қаршилиқ кўрсатганларни бир ибодатхонага қамаб ёқиб юборганлар. Аҳоли ибодатхонадагиларга ачиниб, бирор тирик жон қолдими?,-деб чақирганда «Биз тирикмиз», деган садо чиққан экан. Шу сўз бора-бора «термиз» бўлиб кетган деган тахминлар мавжуд. Шундай қилиб, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Термиз шаҳри тарихи 2500 йилга бориб тақалиши аниқланган. Термиз шаҳри айниқса Кушон подшолиги даврида гуллаб яшнаган шаҳар бўлган. Бунга унинг ҳудудларида жойлашган Кўҳна Термиз,

Қирққиз қасри, Зурмала минораси ва бошқалар мисол бўлади.

**329. Қуйидаги меъморий мажмуалар қаерда ва қачон бунёд этилган?**

**Шохи Зинда мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (Шоҳизинда мажмуасининг Туғли Текин мақбараси-1376 й; Уста Али мақбараси-1380 й.)

**330. Бибихоним жомъе масжиди:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (1399-1404 йй.)

**331. Рухобод мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (1380 й.)

**332. Гўри Амир мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (XV аср охири-1405 й.)

**333. Амир Темури боғлари:**

Самарқандда: Боғи Нақши жахон (1370 й.)

Боғи Биҳишт-Жаннат боғи (1378 й.)

Боғи Амирзода Шохрух (1394 й.)

Боғи Дилкушо (1397-1399 йй.)

Боғи Жахонномо (1398 й.)

Боғи Давлотовод (1399 й.)

Боғи Нав (1404 й.)

Боғи шамол, Боғи Бўлди, Боғи Чинор, Боғи Зоғон боғларининг қурилган вақти аниқ эмас.

**334. Улуғбек расадхонаси:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (1424-1428 йй.)

**335. Шайбонийхон мадрасаси ва масжиди:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (1515-1516).

**336. Абдурахм Садр мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Самарқандда (XVI аср).

**337. Шердор ва Тиллақори мадрасалари:**

**ЖАВОБ:** Самарқанднинг Регистон майдонида (1661).

**338. Улуғбек мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1417 й.)

Самарқандда (1417-1422 йй.)

Ғиждувонда (1433 й.)

**339. Исмоил Сомоний мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (892-907 йй.).

**340. Чашмаи Аюб мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1379-1380 йй.)

**341. Абдурахмон Вали мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (XIV асрда)

**342. Сетораи Мохи хоса саройи:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (XVI аср). Бухоронинг сўнги амири Саид Олимхон саройи.

**343. Мир Араб мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1530-1536 йй.).

**344. Масжиди Калон:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1514 йй.).

**345. Лаби Ховуз меъморий мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (XVII аср)

**346. Кўкалдош мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухородаги Лаби Ховуз меъморий мажмуасида (1557-1558 йй.).

**347. Балоховуз масжиди:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1712 йй.).

**348. Абдулазизхон мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1652 йй.).

**349. Эрназар элчи мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1795 йй.).

**350. Чор Минор мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1807).

**351. Домулло Турсунжон мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1796-1797).

**352. Худойдод меъморий мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Бухорода (1777-1855).

**353. Зангиота мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда (XIV аср охирида қурилган).

**354. Хожа Ахрор Вале жомъе масжиди:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда (1451 й.)

**355. Хаси Имом мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда (Наврўз Ахмадхон даврида Бароқхон мадрасаси XVI аср).

**356. Қўкалдош мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда (XVI аср).

**357. Мўйи Муборак мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда.

**358. Тиллашайх жомъе масжиди:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда.

**359. Шайхонтохур меъморий мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда.

**360. Дор ус-Сиёдат (Саййидлар уйи) мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Шахрисабзда (1379-1380 йй.)

**361. Оқсарой мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Шахрисабзда (1380-1404 йй.)

**362. Қўк гумбаз масжиди:**

**ЖАВОБ:** Шахрисабзда (1434-1435 йй.)

**363. Гумбази Сайидон мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Шахрисабзда (1437-1438 йй.)

**364. Хўжа Илим кон меъморий мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Шахрисабзда (XVII аср)

**365. Абдуллахон мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Қаршида (XVI аср).

**366. Қўк гумбаз масжиди:**

**ЖАВОБ:** Қаршида (XVI аср).

**367. Боқий мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Қаршида (XVI аср).

**368. Шермухаммадбий ва Хўжа Қурбоний мадрасалари:**

**ЖАВОБ:** Қаршида (XVII аср).

**369. Али ва Мир Мухаммад мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Қаршида (XVIII аср).

**370. Султон саодат меъморий мажмуаси:**

**ЖАВОБ:** Сурхондарёда (X аср).

**371. Зурмала минораси:**

**ЖАВОБ:** Сурхондарёда Кўҳна Термизда харобаси ўрнида (тах. II-IV асрлар).

**372. Қирқкиз қасри:**

**ЖАВОБ:** Сурхондарёда Термиз шаҳри яқинида (IX аср).

**373. Хаким ат-Термизий даҳмаси:**

**ЖАВОБ:** Термизда (X-XI асрлар).

**374. Жарқўрғон минораси:**

**ЖАВОБ:** Сурхондарёдаги Жарқўрғон тумани марказида (XI аср).

**375. Аҳмад Яссавий мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Туркистонда (1389-1395 йй.)

**376. Саид Алоуддин мақбараси:**

**ЖАВОБ:** Хивадаги Ичан қалъада (XIV асрда).

**377. Араб Мухаммад мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Хивада (1616).

**378. Шерғозихон мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Хивада (1719).

**379. Тошховли:**

**ЖАВОБ:** Хивада (1832).

**380. Саид Бий масжиди:**

**ЖАВОБ:** Хивада (1835).

**381. Мухаммад Аминхон мадрасаси:**

**ЖАВОБ:** Хивада (XIX аср).

**382. Полвон ота масжиди:**

**ЖАВОБ:** Хивада (XIX аср).

**383. Рахмонқул иноқ саройи:**

**ЖАВОБ:** Хозараспда (XIX аср).

**384. Жомъе масжиди:**

**ЖАВОБ:** Қўконда (XIX аср).

**385. Хива шаҳри неча қисмдан иборат бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хива шаҳри уч қисм: хон қароргоҳи-Ичан қалъа, сарой-Душан қалъа ва работдан иборат бўлган.

**386. Туркистонда рус саноатининг ривожланиши учун қандай қулай шароитлар мавжуд эди?**

**ЖАВОБ:** Туркистонда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд бўлиб, биринчидан, тайёр хом ашёни узоқ масофаларга ташишга эҳтиёж йўқлиги; иккинчидан, арзон маҳаллий ишчи кучининг мавжудлиги; учинчидан, келтирилган товарларга ортиқча талаблар қўймайдиган бозорларнинг кўплигида эди.

**387. Туркистонда темир йўл қурилиши қачондан бошланган ва бундан мақсад нима эди?**

**ЖАВОБ:** 1880-1899 йилларда Ўрта Осиё, 1900-1906 йилларда Оренбург-Тошкент темир йўллариининг қурилиши ўлкада саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва хом ашёни ташиб кетилишига катта қулайлик яратди. Ўлкада пахта тозалаш заводлари билан бирга кўнчилик, ипак ўраш, овун ва шам тайёрлаш, тамаки, ароқ-вино заводлари қуриш ва бошқаларга ҳам эътибор қучайди.

**388. Туркистонда барпо этилган илк саноат корхоналари:**

**ЖАВОБ:** 1908 й. ўлкада 7 та ароқ-вино, 4 та коньяк, 21 та пиво, қанд, шакар, нефтни қайта ишлаш заводлари ва гугурт фабрикаси ва 20 га яқин тамаки фабрикаси мавжуд бўлган. 1917 й. Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, шундан 483 таси Фарғона вилоятида, 323 таси Сирдарё вилоятида, 253 таси Каспий олди вилоятида, 175 таси Самарқанд вилоятида, 92 таси Бухоро амирлигида, 89 таси Еттисув вилоятида ва 13 таси Хива хонлигида қурилган. Бу корхоналарнинг 414 тасини пахта тозалаш заводлари ва 40 га яқинини ёғ ишлаб чиқариш заводлари ташкил этган.

**389. Туркистонга рус саноат молларининг кириб келиши маҳаллий хунармандар фаолиятига қандай таъсир этди?**

**ЖАВОБ:** Россиядан сифатли саноат маҳсулотларининг келтирилиши туфайли кўплаб хунармандларнинг бозори касод бўлди. Улар ўз касбларини ўзгартиришга мажбур бўлишиб, завод-фабрикаларда ёлланиб ишлашга, мардикорчилик ва бошқа бирор касб билан шуғулланишга мажбур бўлганлар. Пахтага эътиборнинг ошиб бориши ва унинг бошқа экинларга нисбатан даромадлироқ бўлиб қолгани маҳаллий аҳолини ҳам кўпроқ бу

соха билан шуғулланишга мажбур этди. Ўлканинг турли вилоятларида дехқонлар ўз томорқаларига ҳам пахта экишиб, дон ва бошқа махсулотларни бозордан сотиб ола бошладилар. Дон темир йўл орқали Россия ва бошқа вилоятлардан олиб келтирилган. Оқибатда ўлкада пахта яккахокимлиги вужудга келган.

**390. XIX аср ўрталарида Чор Россияси томонидан босиб олинishi режалаштирилган худудларга юборилган миссиялар рахбарлари кимлар бўлган?**

**ЖАВОБ:** XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида ўзаро низоларнинг кучайishi аҳолининг ижтимоий–иқтисодий ахволини янада оғирлаштирди. Бундан фойдаланган чор Россияси ўлка худудларини босиб олиш мақсадида 1858 й. минтақага навбатдаги махсус миссиясини жўнатди. Булар:

1. Н.В.Хаников бошчилигидаги экспедиция Эрон ва Хирот воҳасига;
2. Ч.Валихонов бошчилигидаги экспедиция Шарқий Туркистонга;
3. Н.П.Игнатъев бошчилигидаги экспедиция Бухоро ва Хива хонликларига.

**391. Тошкент шаҳри Чор Россияси қўшинлари томонидан қачон босиб олинди?**

**ЖАВОБ:** Россия қўшинлари 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Тўқмоқ, Пишкек, Туркистон, Чимкент ва б. бир қатор шаҳарларни эгаллаб, 1864 й. 27 октябрда Тошкент шаҳрини қамал қилинди. Тошкентга Қўқондан Алимқул лашкарбоши бошлиқ қўшинлар етиб келишди. Тўқнашувларда рус қўшинлари талофат кўришиб, Чимкентга чекинади. 1865 й. 9 майда М.Черняев Тошкентга қайта хужум бошлади. Шаҳар руслар томонидан 42 кунлик қамалдан кейин эгалланди. Шаҳар оқсоқоллари 15 июнда сулҳ тузишга мажбур бўлдилар.

**392. Туркистон генерал губернаторлиги қачон ташкил этилди?**

**ЖАВОБ:** Россия ҳукумати янги босиб олинган жойларни идора қилиш ва босқинчилик ҳаракатларини давом этдириш мақсадида 1867 й. 11 июлида Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этди. Биринчи генерал - губернатор қилиб К.П.Кауфман тайинланди.

**393. Туркистон генерал-губернаторларидан қайсиларини биласиз?**

**ЖАВОБ:** 1. К.Р.Фон Кауфман - 1867-1881 йй.

2. Г.А.Колпаковский - 1881-1882 йй.

3. М.Г.Черняев - 1882-1884 йй.

4. Н.О.Розенбах - 1884-1888 йй.

5. А.Б.Вревский - 1889-1898 йй.

6. С.М.Духовский - 1898-1901 йй.

7. Н.А.Иванов - 1901-1904 йй.

8. П.Н.Тевяшов - 1904-1905 йй.

9. Д.И.Субботич - 1905-1906 йй.
10. Н.И.Гродеков - 1906-1908 йй.
11. П.И.Мишченко - 1908-1909 йй.
12. А.В.Самсонов - 1909-1913 йй.
13. Флуг мартсон - 1913-1916 йй.
14. А.Н.Куропаткин - 1916-1917 йй.

**394. Туркистон Рус хукумати томонидан қандай усулда бошқарилган?**

**ЖАВОБ:** Россия империяси бошқа ўлкалардан фарқли равишда Туркистон ўлкасини бошқаришда харбий-маъмурий тизимни кенг қўллаган. Рус хукумати Туркистонни бошқариш учун 1865-1916 йилларда ўнта лойиха ишлаб чиқилган. Туркистон генерал-губернаторлиги 5 вилоят (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти) ва 27 уездга бўлиб идора қилинган. Уларни рус армияси генераллари ва зобитлари бошқаришган. Барча маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти уларнинг измида бўлган. Чор маъмурлари ўлкани руслаштириш сиёсатига алоҳида эътибор берганлар. Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилган.

**395. Бухоро амирлиги шаҳарлари Чор Россия қўшинлари томонидан қачон босиб олинган?**

**ЖАВОБ:** 1866 й. Хўжанд ва қаттиқ қаршиликлардан кейин Жиззах шаҳрини босиб олди. 1868 й. 1 майда Кауфман 8300 нафар қўшин билан Самарқандга хужум бошлади. Чўпонота тепаликларида Бухоро амири қўшинлари енгилди. 2 майда Самарқанд, 18 майда Каттакўрғон шаҳарлари руслар томонидан эгалланди. 2 июнда Зирабулоқ яқинида амирнинг 15 минг отлиқ, 6 минг нафар пиёда қўшинлари 14 та енгил замбараги билан русларга қарши жангга ташланган. Зирабулоқ жанги давом этаётган кунларда Абдумалик тўра, Жўрабек, Бобобеклар бошчилигида 50 мингга яқин ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ қавмлари Самарқанддаги руслар гарнизонига хужум уюштирдилар. Тажрибасизлик ва уқувсизлик туфайли амир қўшинлари жангга енгилди. Самарқанд химоячилари ҳам иғво туфайли содир бўлган парокандалик туфайли мағлубиятга учрадилар.

**396. Зирабулоқ шартномаси қачон ва қайси давлатлар ўртасида тузилган?**

**ЖАВОБ:** 1868 й. 23 июнда Чор Россияси хукумати ва Бухоро амири Музаффархон ўртасида имзоланган Зирабулоқ сулҳга кўра, Зирабулоқча босиб олинган ерлар чоризм ихтиёрига ўтди. Бухоро амирлиги қарам давлатга айлантирилди.

**397. Зирабулоқ шартномасига кўра нималар бой берилди?**

**ЖАВОБ:** Шартномага асосан Бухоро амирлиги россияга белгиланган миқдорда ўлпон тўлаб туриши, рус савдогарлари ва маъмурларига амирлик ҳудудида яшаши ва фаолият юритиши учун катта имтиёзлар яратиб берилди.

**398. Руслар Хива хонлигини қачон қарам давлатга айлантирган?**

**ЖАВОБ:** Россиянинг кейинги ҳаракати Хива хонлигини бўйсундиришга қаратилди. Рус қўшинлари Хивага уч томондан юриш уюштириб, йўлда учраган барча шаҳар ва қишлоқларни талаб, 1873 й. 29 майда Хива остоналарида пайдо бўлган руслар муҳофизатчиларга қарши жангларда ўша даврнинг замонавий қуролларида ўққа тутишган. Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) Хивани айрон бўлишини истамай уни ташлаб кетган. Рус қўшинлари Хивани жангсиз эгаллаган.

**399. Гандимиён шартномаси қачон ва қайси давлатлар ўртасида тузилди?**

**ЖАВОБ:** 1873 й. 12 августда тузилган Гандимиён шартномасига кўра хонлик Россияга қарам давлатга айлантирилди. Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди. Рус саноатчилари ва савдогарларига хонлик ҳудудида бож тўламасдан савдо қилиш, саноат корхоналари қуриш ҳуқуқи берилди. Хива хонлиги рус босқинчиларига 2,2 млн сўм миқдорида товон тўлашга мажбур этилди.

**400. Гандимиён шартномасига кўра нималар бож берилди?**

**ЖАВОБ:** Шартномага асосан Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди. Рус саноатчилари ва савдогарларига хонлик ҳудудида бож тўламасдан савдо қилиш, саноат корхоналари қуриш ҳуқуқи берилди. Хива хонлиги рус босқинчиларига 2,2 млн сўм миқдорида товон тўлашга мажбур этилди.

**401. Вабо қўзғолони қачон ва нима сабабдан кўтарилган?**

**ЖАВОБ:** Ўлкада кўтарилган йирик халқ ҳаракатларидан бири 1892 й. Тошкентда бўлиб ўтган “Вабо” қўзғолони эди. Бу қўзғолон шаҳар меҳнаткашларининг аёвсиз эксплуатация қилиниши, чоризм амалдорларининг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари, нарх-наволарнинг тўхтовсиз ошиб бориши туфайли келиб чиққан.

**402. Дукчи Эшон қўзғолони қачон ва қаерда бўлиб ўтган?**

**ЖАВОБ:** Фарғона водийсида чоризмнинг зўравонлик сиёсатига қарши кўтарилган йирик қўзғолонлардан бири 1898 йил май-июн ойларида бўлиб ўтган Дукчи эшон қўзғолонидир. 1898 й. 17 майда 500 кишидан иборат гуруҳ Дукчи эшон раҳбарлигида Андижон шаҳар горнизонида юриш бошлаган. Бироқ, рус қўшинлари ҳужумни қайтарган ва қўзғолон бостирилган.

**403. Дукчи эшон ҳақида:**

**ЖАВОБ:** Дукчи эшон (Муҳаммад Али) 1856 й. Чимён қишлоғида камбағал қосиб оиласида туғилган. 1866 й. оиласи Мингтепа қишлоғига кўчиб келгач Султонхон эшон хизматига кириб, қуръонни ёд олган. Султонхон вафотидан кейин унинг ишини давом эттириб, катта обрў

козонди. Босқинчи ҳукуматнинг маҳаллий аҳолига ўтказган жабру-зулмлари Дукчи эшонни бу ҳукуматга қарши халқ озодлиги учун курашга раҳбарлик қилишига ундади. Дукчи эшон ва унинг издошлари устидан **1989 й. 11 июнда** Андижонда суд бўлди. Суд Дукчи эшон ва унинг беш сафдошини осиб ўлдиришга ҳукм қилди. 380 қўзғолончи қўлга олиниб, улардан 15 киши умрбод, қолганлари 10 йилдан 20 йилгача Сибирга сургун қилинди. Андижонда салла ўраб, оқ кийим кийган кўплаб мўмин-мусулмонлар қатағон қилинган.

**404. 1905-1907 йилларда маҳаллий аҳоли томонидан кимга қарши қўзғалон кўтарилган ва унга ким бошчилик қилган?**

**ЖАВОБ:** 1905-07 йилларда чор маъмурлари ва маҳаллий бойлар, савдогарларнинг зўровонликлари, ман-манликларига қарши Самарқанд вилоятида ҳам ҳаракат бошланиб, бу ҳаракатга **Номоз Примқулов** бошчилик қилди. Ҳаракатнинг мақсади бойларни жиловлаб қўйиш, камбағал аҳолини химоя қилиб, ижтимоий адолат тиклашга қаратилган эди.

**405. 1916 йилда нима сабабдан қўзғалон кўтарилган ва бу қўзғалоннинг маркази қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** 1916 й. 15 июнда подшо Николай II имзоси билан “Империяда рус булмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги қўшинлар мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўлларида қуриш учун олиб бориладиган тадбирларга жалб қилиш” ҳақида фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Туркистон ўлкасидаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 200 минг киши мардикорликка жўнатиладиган бўлди. Бундан маҳаллий аҳолининг норозиликлари кучайиб, у йирик қўзғолонларга айланиб кетди. Қўзғолон даставал 1916 й. июл ойининг бошларида Хўжанд, Самарқанд, Жиззах ва Каттакўрғонда бошланди. Кейинчалик, бу қўзғолон руслар босиб олган деярли барча шаҳар ва қишлоқларни қамраб олди.

**406. Жаҳид сўзининг маъноси нима?**

**ЖАВОБ:** Жаҳид сўзи арабча сўз бўлиб, “янгилик” деган маънони билдиради. Жаҳидлар эса янгилик тарафдорлари. Усули жаҳид эса эски мактабдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига янгича таълим-тарбияни жорий этиш: бу усул, жумладан, хат-савод чиқаришда хижо тизими ўрнига товуш тизимини киритган.

**407. Жаҳидчилик қандай ҳаракат эди?**

**ЖАВОБ:** Жаҳидлар ҳаракати XIX аср ўрталарида Бухорода (мадраса мударрислари Курсавий, Маржоний, Бойсуний ва б. бошчилигида) вужудга келган бўлиб, XX аср бошларида у Туркистонда кенг ёйила бошлади. Бу ҳаракат Россиядаги мусулмон мактабларининг ислохатчиси ва “Таржимон” журналининг (1883 йилдан чиқа бошлаган) ташкилотчиси Исмоил Ғаспирали (1852-1914) номи билан машҳур бўлди. У 1893 й. Туркистонга келиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлди. Унинг “усули жаҳид”ига Бухоро

амирлиги ҳам Туркистон маъмурлари ҳам хайрихоҳ бўлмадилар.

Жадидлар Туркистонда илғор ўқитиш усуллари тарғиб қилган маърифатпарварларгина бўлиб қолмасдан, аynи вақтда, туркий-исломий ҳуқуқий мероснинг миллат ичида кенг ёйилиши, миллий ўзликни англаш, хурфикрлилик, тарақиёт ва миллий истиқлол учун курашни мақсад қилиб қўйган эдилар.

**408. Жадидчилик ўзидаги қайси белгилари билан фавқулодда ҳодиса эди?**

**ЖАВОБ:** Биринчидан унинг ноёблиги, унда юқори даражадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ ҳам Ғарб маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги бўлса; иккинчидан улар ушбу билимларидан унумли фойдаланиб, ўз Ватани келажаги лойиҳасини туза билганлар ва унинг ривожланиш йўллари Режалаштирганлар. Уларнинг деярли ҳаммаси олий диний билимга эга бўлиш билан бирга, чет элларда яшаб-ўқиб келган замонасининг етакчи шахслари бўлган.

**409. Туркистон жадидларига мисол келтиринг.**

**ЖАВОБ:** Туркистонда жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган вакиллари:

М.Абдурашидхонов (1878-1931), М.Бехбудий (1875-1919), А.Авлоний (1878-1934), С.Айний (1878-1954), Саидахмад Сидқий (1864-1924), Тавалло (Тўлаган Хўжамёров 1882-1932), Мухаммад Шариф Сўфизода (1869-1937), А.Фитрат (1886-1938), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулхамид Чўлпон (1897-1938), Исоқхон Ибрат (1862-1937) ва б. эдилар.

**410. Туркистон жадидлари ташкил этган партияларга мисол келтиринг?**

**ЖАВОБ:** 1904й.-“Жадидлар тўдаси”,  
1911-1917й.-“Турон жамияти”,  
1908 й.-“Кутубхонаи Исоқия”,  
1913-1923 й.-“Турон кутубхонаси”,  
1917-1918 й.-“Шўройи исломия” кейинчалик иккига бўлиниб кетган  
“Шўройи уламо” ушбу ташкилотнинг бир бўлаги,  
1918-1919 й.-“Чиғатой гурунги”,  
1920-1924 й.-“Нашри маориф”,  
1917-1920 й.-“Ёш бухороликлар”,  
1919-1920 й.- “Ёш хиваликлар”,  
1919-1926 й.-“Жадид партияси”,  
1918-1920 й.-“Мусулмон коммунистик партияси”,  
1919-1920 й.-“Туркистон мусулмон бюроси”,  
1919-1920 й.-“Бирлик”,  
1920-1925 й.-“Иттиҳоди тараққий”,  
1926-1929 й.- “Миллий истиқлол”,  
1920-1923 й.- “Туркистон миллий бирлиги”(Бухорода)  
1919-1926 й.- “Эрк”

**411. Туркистон жаидлари томонидан қандай газета ва журналлар чоп этилган?**

**ЖАВОБ:** 1906 й. “Тарақиёт” “Хуршид”,  
1907-1908 йилларда “Шухрат” (Мунаввар қори),  
1907 йилда “Тужжор” газеталари (Саидазимбой),  
1913 йилда “Осиё”, “Самарқанд”,  
1914 йилда “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”  
1913-1915 йилда “Ойна”, “Эл Байроғи”, “Турон”,  
1915-1918 йилларда “Ал-Ислох”,  
1917 йилда “Кенгаш”, “Юрт” каби рўзномаларини чиқара бошладилар.

**412. Жаидлари томонидан қандай хайрия жамғармалари ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** 1908 й.-“Бухорои Шариф”,  
1910 й.-“Қўмак”, “Тарбияи атфол”,  
1909-1923 й.-“Дорули ожизин”

Миллий кадриятлар масаласи ушбу жамғармаларнинг кун тартибида 1-ўринга қўйилди. Туркистон ва Бухоро ёшлари Туркия, Миср, Олмония каби хорижий мамлакатларга ва Русиянинг Москва, Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург каби шаҳарларига ўқишга юборила бошланди.

**413. Туркистон жаидлари томонидан қайси ҳудудларда биринчи “янги усул” мактаблари ташкил этилган ва кимлар бошчилигида?**

**ЖАВОБ:** Дастлабки янги усул мактаблари - 1886 йилда-Тўрақўрғонда (Наманган) Исҳоқхон Ибрат;

1899 йилда-Андижонда Шамсиддин домла бошчилигида;

1900 й. Бухоро жаидлари янги усулдаги мактаб очишга рухсат олганларидан кейин

1901 йилда-Тошкентда М. Абдурашидхонов, Қўқонда Салоҳиддин Маждий, Самарқандда Абдуқодир Шакурый бошчилигида янги усул мактаблари ташкил этилди. Миллий мактаб ва миллий тарбия масалалари биринчи ўринга қўйилди.

**414. Жаидлар томонидан “янги усул” мактабларда ўқитиш учун ёзилган илк дарсликлар:**

**ЖАВОБ:** Илк дарсликлар жумласига Мунавварқорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Хавойижи диния”, Бехбудийнинг “Китобатул атфол”, “Жуғрофия”, А.Авлонийнинг “Адабиёт”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон..”, “Мактаб гулистони” каби дарсликлари яратилди.

**415. “Янги усул” мактаблари неча босқичдан иборат бўлган?**

**ЖАВОБ:** Жаид мактаблари бошланғич-4 йиллик ва ўрта махсус 7 йиллик босқичлардан ташкил топган. 1903 йилда Тошкентда жами 20 та бўлиб,

шундан 2 тасида 7 йиллик ўрта махсус босқичда ҳам таълим берилган, дарслар она тилида ўтилган.

**416. “Янги усул” мактабларига маҳаллий аҳоли вакилларининг муносабати қандай бўлган?**

**ЖАВОБ:** Рус маъмурлари бу мактабларни “исломга қарши” деган ташвиқот билан тугатишга ҳаракат қилганлар. Оқибатда, А.Авлоний мактабига ота-оналар болаларини юбормай қўйган, шоир Сўфизода Чустдан қувилган, тошкентлик Саидрасул Азизий русча гапиргани учун “насоро махсум” деган ном олган.

**417. “Янги усул” мактабларининг “Рус тузем” мактабларидан фарқи нимада бўлган?**

**ЖАВОБ:** Ўлка аҳолисининг саводхонлик даражаси анча юқори эканлигини кўрган чор маъмурлари бу соҳани ҳам руслаштиришга эътиборини кучайтирди. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди. XIX аср охирида уларнинг сони юздан ошди. “Янги усул” мактабларидан фарқли ўлароқ, тузем мактабларида Туркистон ёшларини руслаштириш, маҳаллий аҳолини идора қилувчи содиқ қулларни тарбиялашдан иборат эди. Рус амалдорлари рус тилини яхши билган, халқининг кўзини очиб миллий ўзлигини англатишга интилувчи зиёлилардан кўрқар эдилар.

**418. Жади́длар томонидан ташкил этилган биринчи олий ўқув юрти ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Туркистоннинг етакчи жади́дларидан Мунаввар Қори бошчилигида 1918 йил 12 майда Тошкентда биринчи “Мусулмон халқ дорилфунуни”га (ҳозирги ЎЗМУ) расман ташкил этилди.

**419. Туркистонда миллий театрлар кимлар томонидан ташкил?**

**ЖАВОБ:** Жади́длар маҳаллий халқлар маънавиятини кўтариш мақсадида миллий театрларни ташкил этишга киришдилар. Қисқа вақт ичида “Турон” хаваскорлар группаси ва Туркистонда ўзбек театри майдонга келди. Илк ўзбек драмалари: “Падаркуш”, “Адвокатлик осонми?”, “Мазлума хотин”, “Бахтсиз куёв”, “Эски мактаб-янги мактаб” ва бошқалар сахналаштирилди. Миллий мустақиллик масалалари ҳам доимо жади́длар эътиборида туриши билан бирга, улар Европа илм-фани ва маданиятига дўстона муносабатда бўлдилар.

**420. Жади́дчилик ҳаракатининг мағлубияти сабаблари нимада?**

**ЖАВОБ:** Жади́дчилик ҳаракатининг мағлубиятига икки тарафлама қаршилиқ сабаб бўлди, яъни ҳаракат бошида олий даражадаги диний ҳамда дунёвий билим ва маданиятга эга бўлган тадбиркор йўлбошчилар турганлигига қарамасдан халқ уларга етарли даражада эргашмади. Ҳаракатга энг катта куч бўлиб қўшилиши мумкин бўлган юқори табақа ахли, ўзининг манфаатларини ўйлаб миллат озодлиги йўлида бирлашмади ва аксинча уларга қарши турди.

Бундан ташқари, жаидчилиқ ҳаракатининг энг катта душмани ўша даврда ўлкани босиб олган чет эл босқинчилари, хусусан, аввал Чор Россияси кейин эса совет ҳукумати томонидан қаттиқ зарбага учради ва инқирозга юз тутди.

**421. Россияда Феврал инқилоби қачон бўлган ва ҳокимият бошқарувини кимлар эгаллаган?**

**ЖАВОБ:** 1917 й. феввалида Россияда подшо Николай II ҳокимияти ағдалириб, унинг ўрнига кўп партиялилиқ асосида мамлакатни бошқариш учун княз Львов бошчилигида Муваққат ҳукумат тузилди. Сиёсий жихатдан реакцион мутлақ монархия характериға эға бўлган Россияда қисқа вақт ичида демократик жараёнлар бошланди. Феврал инқилобини Россиядаги барча демократик кучлар катта хурсандчилиқ билан кутиб олдилар. Ҳукуматни ўша даврда етакчи куч ҳисобланган большевиклар, меншевиклар ва адетлар партияси вакиллари эгаллаган. Мувақат ҳукуматнинг ҳокимиятни эгаллаганлиги ҳақидаги хабар Тошкентға 28 февралда етиб келган бўлса-да Туркистон генерал-губернатори Куропаткин уни оммадан яширди. Бироқ, 3 мартда матбуотда инқилоб ғалабаси эълон қилинди.

**422. Февраль инқилоби Туркистон жаидларига қандай таъсир этди?**

**ЖАВОБ:** 1917 й. 9 мартда Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигида “Шўрои Исломия” ташкилоти тузилди. 14 мартда ташкилотнинг 15 кишидан иборат раёсати тузилиб, унга Мунаввар қоридан ташқари А.Фитрат, У.Хўжаев, М. Мўминбоев, II Давлат думасиининг аъзоси Абдулвоҳид қори ва б. кирди. “Шўрои Исломия”нинг мақсади Туркистон мусулмонларини бирлаштириш, Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш, Туркистонға миллий-диний мухторият берилишиға эришиш, хусусий мулк дахлсизлигини сақлаб қолиш каби масалалардан иборат эди. Ўлканинг кўпчилиқ шаҳарларида “Шўрои Исломия” шуъбалари билан бир қаторда, “Турон”, ”Иттиҳоди тарақий”, ”Ерлилар” қўмитаси, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари жамиятлари (Тошкент), ”Озод халқ”, “Хуррият”, “Маъ-рифат”, Муфтах-ул маориф” (Андижон), ”Мирваж-ул Ислом”, ”Клуб Исломия” (Самарқанд), ”Равнақул Ислом” (Каттакўрғон), “Муайин ат-толибин” (Хўжанд) каби ташкилотлар тузилди.

**423. Петербургда Муваққат ҳукумат қачон ағдарилди ва ўрнида қайси партия ҳокимитни эгаллади?**

**ЖАВОБ:** 1917 й. 25 октябрда Петербургда Муваққат ҳукумат ағдалириб, ҳокимият советлар қўлиға ўтди.

**424. Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилиши арафасидаги вазият қандай эди?**

**ЖАВОБ:** Бу хабар 28 октябрда Тошкентға етиб келиши билан таянган ишчи ва солдат депутатлари советлари солдатларни ўз тарафларига оғдириб қуролли қўзғолон уюштирилди. 1917 йил 1-14 ноябрга қадар ўлкадаги сиёсий вазиятни 3 та асосий куч белгилар эди. Улар Мувақат ҳукуматнинг

Туркистон кўмитаси, Ўлка муссовети, Ўлка ишчи ва солдат депутатлари советидан иборат эдилар. 1917 йил 15-22 ноябр Ишчи ва солдат депутатлари советларининг III-Ўлка съездида Туркистон ўлкаси ХКСини тузилди, бу ҳукуматга 8 та сўл эсер ва 7 та большевик кирди (раис Ф.М.Колесев). Ҳукуматга маҳаллий аҳоли вакилларида бирор киши киритилмади.

**425. “Шўрои исломия” партиясининг бўлиниб кетишига нима сабаб бўлган?**

**ЖАВОБ:** Истиқлол учун курашувчи кучларнинг ўзаро келишмовчиликлари, ўз манфаатлари йўлида ташқи душманга қарши бирлашолмаганлиги сабабли июн ойида “Шўрои Исломия”дан ”Шўрои Уламо” ажралиб чиқади. Миллий демократик кучлар бўлинган қалтис бир вазиятда Тошкент Думасига сайловлар эълон қилинди. Сайлов натижаларига кўра Думадаги 112 ўриндан 64 таси уламочиларга, 10 таси шўрои исломчиларга, 24 таси эсерларга ва 5 мандат социал-демократларга насиб этди.

**426. “Туркистон мухторияти” қачон ташкил этилди ?**

**ЖАВОБ:** 1917 й. 25 ноябрда Бутунтуркистон мусулмонларининг беш кун давом этган фавқулодда IV-қурултойида 12 кишилик “Туркистон муваққат ҳукумати” ва 54 кишилик олий органи (парламент)-Халқ мажлиси сайланди. Туркистон мухторияти таркибига 36 нафар мусулмон, 18 нафар рузийзабон халқ вакиллари киритилди. Мухториятни нафақат Туркистон жаидлар балки кўпгина номусулмон партия ва жамоат ташкилотлари қўллаб қувватлаганига қарамай, у 72 кунгина ҳаёт кечирди. 1918 йил февралда совет ҳукумати мухторият ва Қўқон шаҳри аҳолисини қонга ботирди. 3 кунлик қирғинда 10 минг киши ўлдирилди.

**427. Туркистон мухторияти раҳбарияти аъзоларидан кимларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Муваққат ҳукуматга М.Тинишпаев (бош вазир), И.Шоахмедов (бош вазир Ўринбосари), М.Чўқаев (ташқи ишлар вазири), У.Хўжаев (Харбий вазир), Ю.Агаев (ер ва сув бойликлари вазири), А.Ўразаев (ички ишлар вазирининг Ўринбосари), С. Герцфельд (молия вазири) сайланди.

**428. Туркистонда совет ҳукумати қачон ўрнатилган?**

**ЖАВОБ:** 1917 йил 1 (14) ноябрда Коровиченко бошлиқ Муваққат ҳукумат аъзолари қамоққа олинди. Шу куни советлар Термиз ва Каттақўрғонда, 25 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни қўлга олдилар.

**429. Туркистонда XX аср бошларида бўлиб ўтган очарчиликка сабаб нима бўлган?**

**ЖАВОБ:** Туркистон ўлкасида октябр тўнтаришидан кейин қаҳатчилик бошланди. 1917 й. экин экиладиган майдонлар 1915 йилдаги 3,5 млн десятинадан 2,3 млн десятинага тушиб қолди. Ўлкада ғаллага эҳтиёж 111 млн тонна бўлгани ҳолда, 1917 й. ҳосилсизлик туфайли бор йўғи 52 млн пуд ғалла

йиғиб олинди. Натижада очарчилик бошланди. Саноат ишлаб чиқариши ҳам ўтган икки йил давомида 2 баробардан зиёдроқ қисқарди.

**430. “Харбий коммунизм” қандай сиёсат эди?**

**ЖАВОБ:** Туркистонда XX аср бошларида бўлиб ўтган вақтида Совет ҳукумати харбий чоралар билан бир қаторда “харбий коммунизм сиёсати” (“озик-овқат разверсткаси”) деб аталган ғавқулдда иқтисодий чоратadbирларни белгилади. “Харбий коммунизм сиёсати” моҳиятига кўра йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва майда корхоналарини ҳам давлат тасарруфига ўтказила бошланди. Хусусий ва кооператив мулкчилик ихтиёрида майда хунармандчилик ва касибчилик корхоналаригина қолган бўлиб, улардаги ўртача ёлланма ишчилар сони 4 тадан ошмасди. Корхоналарда умумий мажбурий меҳнат жорий қилинди. Бу аҳолининг советларга қарши жиддий норозилигини келтириб чиқарди.

**431. Туркистон автоном совет социалистик республикаси қачон ташкил этилган ва қайси давлат таркибига кирган?**

**ЖАВОБ:** 1918 й. 20 апрелда очилган ўлка ишчи ва солдат депутатлари Советларининг V-съездида 250 делегатлик ўрнидан 50 таси ерли аҳолига берилди. Съезд 30 апрелда РСФСР таркибида Туркистон АССР тузилди деб эълон қилди. Туркистон АССР МИК раиси П.А.Кобозев, ХКС раиси қилиб Ф.И.Колесевлар сайланди. Раҳбарлик ўринларининг фақат 20% игина маҳаллий аҳоли вакилларига берилди.

**432. Советлар даврида “Босмачилик ҳаракати”деб ном олган ҳаракат ҳақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Туркистон мухториятининг ағдарилиши, советларнинг зўровонликка асосланган сиёсатларидан норози бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари қўлларига қурол олиб, истиқлол ҳаракатига кўтарилдилар. Истиқлол учун кўтарилган қуролли ҳаракат мустамлакачилик давридаги халқ-озодлик курашларининг давоми бўлиб, бу ўша вақтдаги “Туркистоннинг озодлиги учун”, “Золимларсиз Туркистон учун!”, “Туркистон-Туркистонликлар учун!” каби сиёсий талабларда яққол ифода этилган.

**433. Истиқлолчилик ҳаракати босқичлари ва раҳбарлари ҳақида биласизми?**

**ЖАВОБ:** Совет даврида “Босмачилик ҳаракати” деб номланган истиқлолчилик ҳаракати уч босқичдан иборат бўлган.

**434. Биринчи босқичи воқеалар тавсилотини биласизми?**

**ЖАВОБ:** 1 босқич-(1918 й. феврал-1920 й. март)-қуролли курашнинг бошланиши ва унинг оммавий халқ ҳаракатига айланиши даври бўлиб, бу даврда воқеаларнинг ривожланишига Кичик Эргаш, Катта Эргаш ва айниқса, Мадаминбек катта таъсир кўрсатган. 1918 й. 14 апрелда Исфара яқинида Мадаминбек ва Катта Эргаш қўшинлари ўртасидаги тўқнашувда Эргаш

мағлубиятга учради ва истиқлолчилар ҳаракатига раҳбарликни Мадаминбек ўз қўлига олди. 1919 й. ўрталарида Мадаминбек қўшинлари сони 25000 минг кишига етган. Унинг қароргоҳи Гарбува қишлоғида бўлиб, Соли Махдум, Исмоил Пахлавон, Усмонбек, Фаёз Махдум ва б. қўрбошилар унга ҳамкор эдилар. Ҳаракатнинг иккинчи маркази Қўқон уездидаги Бачқир қишлоғи бўлиб, у ерда Катта Эргаш бошчилигида Тўйчи, Умар, Хамдам каби қўрбошилар тўпланиб, 4 йирик лашкарбоши-Мадаминбек, Эргаш, Шермухаммадбек, Холхўжа Эшон қўмондонлиги остида бирлаштирилди. курултойда Мадаминбек олий бош қўмондон-“Амир ал-муслимин” қилиб сайланди. 1920 й. 6 мартда 2-Туркистон ўқчи дивизияси бошлиғи Веревкин-Рахальский билан Мадаминбек ўртасида Скобелев шахрида яраш битими имзоланди. Мадаминбек ва унинг 3500 йигитлари Совет ҳукумати тарафига ўтди. 1920 й. 14 майда совет ҳукумати томонидан қўрбошилар билан музокара олиб боришга юборилган Мадаминбек Шермухаммадбекнинг розилиги билан Холхўжа томонидан ўлдирилди.

#### **435. Иккинчи босқичи воқеалар тавсилотини биласизми?**

**ЖАВОБ:** II босқич-(1920 й. март-1922 й. охири)-ҳаракат кескин тус олган пайтда ҳаракат тепасида Шермухаммадбек турган. 1920 й. Олтиариқда фарғоналик қўрбошиларнинг курултойи бўлди. Унда Туркистон муваққат ҳукумати тузилиб, Шермухаммадбек ҳукумат раиси ва олий бош қўмондон қилиб сайланди. Ўша давр маълумотларига кўра, Мадаминбек қўрбошиларнинг энг кучлиси бўлган бўлса, Шермухаммадбек энг хавфлиси эди. 1920 й. сентябрида Шермухаммадбек қўшинлари Водил, Гуручмозор, Чувол, Урганжи қишлоқларини қўлга киритдилар, Ўш ва Қўрғонтепа станцияларидаги қизил аскарлар гарнизонига зарба бердилар. Истиқлолчилар қўшинлари сон жихатидан ошиқ бўлса-да, уларда курул-яроғлар етишмас, борлари ҳам сифатсиз эди. Бунинг устига Шермухаммадбек ва Муҳиддинбек қўрбошилар ўртасидаги нифоқ кучайганди. Ҳарбий жихатдан устун бўлган қизил аскарлар қатор ғалабаларга эришдилар. 1922 й. кузида истиқлолчилардан 1582 киши ўлдирилди. Фарғона водийси аҳолиси ҳам 5 йил давом этган урушлардан чарчади. Шундан кейин, истиқлолчилар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетдилар. Шермухаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон муваққат ҳукумати олдида қўйилган вазифаларни бажара олмаганлиги, хорижий мамлакатлар-Афғонистон, Туркия, Хитой ва б. мамлакатлар билан самарали алоқалар ўрната олмаганлиги туфайли 1922 й. охирида тарқалиб кетди. Шермухаммадбекнинг ўзи бир қатор жанглардан сўнг, укаси Нурмухаммадбек ва қўрбоши Тўхтасин Мақсуд ҳамда 450-500 қўшини билан Бухоро Республикаси ҳудудига, 1923 й. баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кетди.

#### **436. Учинчи босқичи воқеалар тавсилотини биласизми?**

**ЖАВОБ:** III босқич-(1923-1924 йиллар)-истиқлолчилар ҳаракатида тарқалишга мойилликнинг ўсиш даври. Бу ҳаракат тажрибасизлик, қўрбошилар ўртасидаги келишмовчиликлар ва тарқоқлик туфайли енгилган

бўлсада, озодлик учун амалий курашнинг бошлаб бериши билан катта ахамиятга эгадир. Бухоро Республикаси мустақиллиги учун курашганлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳнинг раҳбарлари Иброҳимбек, Мулла Абдулқаххор ва б. бўлиб, уларнинг мақсади Бухорода Саид Олимхон ҳокимиятини қайта тиклаш, “кофирларга сотилган жади́длар” ҳукуматини йўқотиш эди. Иккинчи гуруҳ раҳбарлари Давлатмандбек, Дониёлбек, Анвар Пошо, кейинчалик Бухоро Республикаси МИқнинг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, ЧК раиси Мухиддин Махсум Хўжаев, милиция бшлиғи Али Ризо Афанди ва б. бўлиб, уларнинг мақсади Бухоро Республикаси ҳудудидан қизил аскарларни олиб чиқиб кетилиши ва ҳақиқий мустақилликнинг қарор топиши учун курашганлар.

**437. Хоразмда истиқлолчилик ҳаракати тавсилотларини биласизми?**

**ЖАВОБ:** Қизил армиянинг босқинчилик сиёсатидан норози бўлган хоразмликлар Жунаидхон қўшинлари сафини тўлдирга бошладилар. Натижада, Жунаидхон қўшинлари 30000 кишига етиб, қуролланган дасталарга Ота Махсум, Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва б. раҳбарлик қилганлар. Истиқлолчилар Кўхна Урганч, Хўжайли, Иляли ва Тахтани қайта эгаллашиб, кўплаб қизил аскарларни асир олишди. 1922 й. бошларида Анвар Пошо билан алоқа ўрнатган Жунаидхон большевикларга қарши хавфли кучга айланди. 1924 й. 10 январдан бошлаб Жунаидхоннинг 15000 кишидан иборат қўшини Хива шаҳрини қамал қилди. 26 январ кечки жангларда ярадор бўлган Жунаидхон чекинди. Бу вақтда Питнак ва Хазораспда Оғажон Эшон қўшинлари қизилларга зарбалар беришди. 1924 й. март-апрел ойларида Қорақумдаги жангларда қизиллар самолётлар ёрдамида Жунаидхон қўшинларини тор-мор қилдилар. Жунаидхон 20 та ҳамроҳи билан Хиротга чекинди. 1924 й. охирида Хоразмда истиқлолчилик ҳаракати мағлубиятга учради.

**438. Қизил армия қўшинлари Хивадаги Жунаидхон бошчилигидаги қўшинларни қачон мағлубиятга учратди?**

**ЖАВОБ:** 1918 й. сентябр-1919 й. мартдаги ҳарбий ҳаракатлар Жунаидхон қўшинларининг жангга тайёр эмаслигини кўрсатди. 1920 й. январдаги жангда Жунаидхон қўшинлари мағлубиятга учради. Жунаидхоннинг қароргоҳи-Тахта қалъаси қўлдан кетди.

**439. Хива қизил армия қўшинлари томонидан қачон босиб олинган?**

**ЖАВОБ:** Қизил армиянинг Н.Шчербаков бошчилигидаги Амударё гуруҳи қўшинлари 1920 й. 1 февралда Хивани эгалладилар.

**440. Хива Халқ совет республикаси(ХХСР) қачон ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** 1920 й. апрелида Хивада халқ вакилларининг I Умумхоразм қурултойи бўлиб, унда ХХР ташкил этилди. 1920 й. декабр ойида расман ташкил топди.

**441. Ҳукумат раиси ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** ХХСРда П.Юсупов Халқ Нозирлар Кенгаши раиси, Ж.Султонмуродов ва Қўшмамедхон Сапиевлар унинг муовинлари этиб тайинландилар.

**442. Бухоро шахри қизил армия томонидан қачон босиб олинган?**

**ЖАВОБ:** 1920 йил 2 сентябрда Бухоро ишғол қилинди.

**443. Бухоро Халқ совет республикаси (БХСР) қачон ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** 1920 й. 6 октябрда Ситораи Мохи хосада халқ вакилларининг I Умумбухоро қурултойи бўлди. Унда Бухоро Халқ Совет республикаси (БХСР) тузилганлиги эълон қилинди.

**444. Бухоро Халқ совет республикаси ҳукумати раиси ким бўлган?**

**ЖАВОБ:** Хокимиятни қўлга олган Умумбухоро Инқилобий қўмитаси ва Халқ нозирлари кенгашининг мажлиси (1920 йил 14 сентябр)да А. Мухитдинов бошчилигида Умумбухоро Инқилобий қўмитаси-олий қонун чиқарувчи орган ва Ф.Хўжаев бошчилигида янги ҳукумат тузилди.

**445. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) хақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** 1923 й. ТуркАССР, БХСР ва ХХСР иқтисодий жихатдан бирлаштирилган. Уни бошқариш учун Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши тузилган. Шу тариқа сиёсий ва иқтисодий назорат Россия ихтиёрига ўтиб ўзбек хонликлари армиясидан кейин мустақилликнинг муҳим белгиси бўлган миллий валютасидан ҳам маҳрум бўлдилар.

**446. Ўрта Осиё ҳудудида миллий ҳудудий чегараланиш қачон бўлиб ўтган ва қайси давлатлар ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** 1924 й. 27 октябрда СССР БМИҚ II сессияси ТАССР МИҚ, Советларнинг Умумбухоро V қурултойи ва Советларнинг Умумхоразм V қурултойи фавқулодда сессиясининг миллий-ҳудудий чегараланишини тасдиқлади. Туркистон, Бухоро ва Хоразм совет республикалари ўрнида ЎзССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР (Ўзбекистон таркибида), Қорақирғиз (қирғиз) вилояти (РСФСР таркибида) ва Қорақалпоқ АО (Қozoғистон АССР таркибида) ташкил этилди.

**447. Ўзбекистон ССР ташкил топганлиги тўғрисидаги декларация қачон қабул қилинган?**

**ЖАВОБ:** 1925 й. 13-17 февралда бўлиб ўтган ЎзССР Советларининг 1-съездида “ЎзССР ташкил топганлиги тўғрисидаги декларация”ни қабул қилди.

**448. ЎзССР ҳудудига дастлаб қайси вилоятлар киритилган?**

**ЖАВОБ:** Декларацияда “шу кундан эътиборан ўзбек халқи ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм

вилоятларини ўз ичига олган ЎзССР таъсис этилади, унга Тожикистон АССР киради”, деб қайд этилди.

**449. ЎзССР ташкил топган дастлабки йилларда майдони ва аҳолиси қанча бўлган?**

**ЖАВОБ:** ЎзССР майдони 312394 км<sup>2</sup> ни, аҳолиси 4447,6 минг кишини ташкил этди. Уларнинг 74,2% ўзбеклар эди (1926 й. аҳоли рўйхатига кўра).

**450. Ўзбекистон ССРнинг дастлабки пойтахти қайси шаҳар бўлган?**

**ЖАВОБ:** ЎзССР пойтахти қилиб Самарқанд шаҳри белгиланди.

**451. ЎзССРнинг пойтахти қачондан Тошкент шаҳрига кўчирилган?**

**ЖАВОБ:** 1930 й.да эса пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчирилди.

**452. Индустриализация деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** СССР даврида мамлакатларни бирданига ғайритабиий усулда саноатлаштириш сиёсати.

**453. Ўзбекистон ССРда саноатни жадал ривожлантириш қачондан бошланган?**

**ЖАВОБ:** 1920-йилларнинг ўрталарига келиб Совет давлатида халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган саноат ишлаб чиқаришига эътибор кучайди. Ўзбекистонда асосан пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари ва енгил саноат корхоналари бунёд этилди.

**454. Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган энг йирик кооперацияларни санаб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** 20-йилларнинг 2-ярмида “Ўзбекқишлоқуюшма”, “Ўзбекпахтауюшма” ва б. кооперациялар ташкил топди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатга шартнома асосида етказиб берувчи кооперативлар вужудга келди.

**455. 1925-1940 йилларда Ўзбекистон ҳудудида қуриб ишга туширилган саноат корхоналарига мисол келтиринг.**

**ЖАВОБ:** 1925-1940 йилларда қурилиб ишга туширилган бундай корхоналар жумласига 1-Бўзсув (1926) ва 2-Бўзсув (1928) ГЭСлари, Самарқанд, Бухоро, кўкон, Термиз, Асака шаҳарларидаги иссиқлик электростанциялари, Ўрта Осиёда пахтачилик машинасозлигининг тўнғичи бўлган “Тошқишлоқмаш”, Қувасой цемент заводлари барпо этилди. “Чирчиқурилиш”, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши жадаллашди. Фарғона тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва б. шаҳарларда тикувчилик фабрикалари, Фарғона консерва, Хилково цемент заводлари, Тошкент “Ўртоқ” тамаки фабрикаси, Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда ип йигирув фабрикалари, “Чимён” ва “Санто” нефть конлари базасида ташкил этилган нефть заводлари, “Тоштрам”, “Қизил Шарқ” ва бошқа кўплаб пахта

тозалаш, сут-ёғ тайёрлаш, совун заводлари ишга туширилди.

**456. Нечанчи йилдан бошлаб кооператив уюшмаларни “давлатлаштириш” сиёсати бошланди?**

**ЖАВОБ:** 1927 йилдан бошлаб кооператив уюшмаларни “давлатлаштириш” сиёсати бошланди. 1957 йилдаёқ республикадаги 479 жамоа хўжалиги негизида 82 та совхоз (давлат хўжалиги) ташкил этилди.

**457. Нечанчи йилдан бошлаб колхозлар ташкил этила бошланди?**

**ЖАВОБ:** 1928 йилдан қишлоқ хўжалик кооперативлари ўрнида колхозлар ташкил этишга киришилди.

**458. Ўзб.ССРнинг СССР саноат ишлаб чиқариши хом ашёсининг неча фоизини ташкил этган?**

**ЖАВОБ:** 1932 йилда республикада 89,7% пахта толаси, 54,2% цемент, 56,4% ўсимлик ёғи, 47,2%ни ташкил этган.

**459. Ўзбекистонда биринчи машина трактор станцияси нечанчи йилда ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистонда дастлабки машина трактор станцияси (МТС) Асака туманида ташкил этилган эди. 1931 й. уларнинг сони 48 тага, 1933 й. 73 тага, 1937 й. 163 тага, 1940 й. эса 189 тага етди.

**460. Қулоқлаштириш деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** 1930 й. 1 февралдан Ўзбекистонда “қулоқ” хўжаликларига қарши кураш бошланган, яъни ўртахол дехқонларнинг ер мулкларини давлат тасарруфига ўтказилган ва бунга қаршилиқ қилганлар жазоланган. Шу йили 2648 та “қулоқ” хўжалиги тугатилган.

**461. Пахта монополияси деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** Пахта монополияси-хомашёни кўпайтириш мақсадида пахта етиштиришга зўр бериш. Чор Россияси босқини давридан бошлаб Туркистонда пахта якка хоқимлигини ўрнатиш бошланган бўлиб, Ўрта Осиё худудида ташкил этилган дастлабки саноат корхоналарининг асосий қисми пахтани қайта ишлашга ихтисослашган эди. Бундан ташқари Россия худудида ҳам Ўрта Осиёда етиштирилган пахта хом ашёси асосида ишлайдиган бир қанча завод ва фабрикалар бунёд этилган. Ушбу сиёсат СССР даврида ҳам давом эттирилган ва СССРнинг инқирозга юз тутгунча давом этган.

**462. Маъмурий-буйруқбозлик тизими деганда нимани тушунаси?**

**ЖАВОБ:** Бир партия бошқарув аппаратининг якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши. СССР даврида коммунистик партия якка хоқимлиги ўрнатилган. Барча сохаларда ушбу партия мафкураси чегарасидан четга чиқиш мумкин бўлмаган.

**463. Совет давридаги “Маданий инқилоб” сиёсати хақида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** Совет давридаги пролетариат маданияти аввалги тузум маданиятларини рад қилди ва ўзига хос бирёқлама қарашларга таянган “маданий инқилоб”ни амалга оширди. Бу тадбир жамиятнинг барча жабхалари қатори фан ва маданиятни ҳам қамраб олиб, уларни ўта мафкуралаштирди. Маданият, айниқса миллий маданиятни “махсус қолип” асосида ривожлантиришга эътибор кучайди.

**464. “Хужум” ҳаракати қачон ва нима учун бошланган?**

**ЖАВОБ:** 1927 йилда Ўзбекистонда бошлаган ёппасига паражиди ташлаш ҳаракати. “Хужум”нинг асосий мақсади ўша даврда хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш эди.

**465. Қатағонлик сиёсати қачон ва нима учун бошланган?**

**ЖАВОБ:** 1929 йилдан Ўзбекистонда қатағонлик сиёсати бошланди. Қатағонлик сиёсатининг 3 босқичини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

**466. Совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати босқичларини кўрсатиб ўтинг.**

**ЖАВОБ:** Қатағонлик сиёсатининг 4 босқичини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1-босқич. 1929-1937 йй.

2-босқич. 1937-1939 йй.

3-босқич. II-жаҳон уруши йилларидан кейин 1949-1952йй.

4-босқич. 1964-1985 йй.

**467. Қатағонлик сиёсатининг биринчи босқичи яъни 1929-1937 йилларда қатағонликка учраган ўзбек зиёлилари:**

**ЖАВОБ:** Дастлаб 1929 йил 25 ноябридан миллий кадриятларни илгари сурган зиёлилардан 85 киши ҳибсга олинган. Ўрта Осиё Давлат сиёсий бошқармасининг 1931й. 25 апрелдаги ҳукмига кўра М.Абдурашидхонов, У.Хўжаев, Т.Мусабоев, С.Тиллахонов, Н.Шерахмедовлар отувга, Абдувахоб Муродий дастлаб отувга, кейинчалик 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**468. Қатағонлик сиёсатининг иккинчи босқичи яъни 1929-1937 йилларда қатағонликка учраган ўзбек зиёлилари:**

**ЖАВОБ:** 1937-39 йилларда ўз ватанига содиқ минглаб зиёлилар, жумладан ёзувчи-шоирлар А.Қодирий (1894-1938) А.Фитрат (1886-1937), Чўлпон (1897-1938), кейинроқ У.Носир (1912-1944) Сталин истибдодининг беғуноҳ қурбонлари бўлдилар. Шу вақт ичида Ўзбекистонда қамоққа олинган 41 минг кишининг 4 мингиди отиб ташланди, қолганлари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**469. Қатағонлик сиёсатининг 3-босқичи яъни урушдан кейинги қатағонлик қурбонлари кимлар ва улар нима учун қатағон қилинди?**

**ЖАВОБ:** 2-босқич-Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин 1949-1952 йил зиёлиларга қарши ҳужум бошланди. Ўзбек ёзувчилари А.Қаххор, Ойбек, Миртемир, Ж.Шарипов, М.Бобоев, Ғ.Ғулом, А.Қаюмов, М.Шайхзода, Туйғун ва бошқалар адабиётда ўз йўлини топишга, ва ўзбек адабиёти тарихи анъаналарини ривожлантиришга интилдигани учун “Миллатчилик кайфиятларига берилган”ликда айбланиб таъқиб қилинди. “Жиддий ғоявий хатолари ва бузғунчиликлари учун” И.Султон, Т.Тўла С.Абдулла, Хабибий ва б. айбландилар. 1951 й. 25 январда Шукрулло, Ғ.Алимов, Ёнғин Мирзо, М.Шайхзода ва б. қамоққа олиниб 25 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**470. “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” деб ном олган жараёнлар қачон ва нима учун бошланди?**

**ЖАВОБ:** Турғунлик йилларида 1964-1985 йиллар-“Ривожланган социализм” ғояси илгари сурилган йиллар бўлиб аслида шу даврдан кейин совет давлатида турғунлик даври бошланади. Бу даврда марказнинг иттифоқдош республикаларга нисбатан содир бўлаётган тушқунлик ҳолатидан халқни чалғитиш учун турли бахоналар ўйлаб топилган. Жумладан “пахта иши”, “ўзбеклар иши” каби жиноий ишлар очилиб, асосан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ва хатто оддий колхозчи бригадирлар устидан ҳам жиноий иш очилган.

**471. Совет ҳукумати Ўзбекистон миллий таълим тизимида берган зарбаларини нималар мисолида кўриш мумкин?**

**ЖАВОБ:** Совет ҳукумати республикадаги миллий таълим тизимида икки мартаба ҳалокатли зарба берган.

**472. Ўзбек ёзуви араб алифбосидан латин алфавитига қачон ўтказилди?**

**ЖАВОБ:** ЎзССР марказий Ижроия Қўмитаси қарори билан 1929 йил 1 декабрдан бошлаб араб алифбоси латин алфавити билан алиштирилди.

**473. “Ўзбек ёзувини латин алфавитидан кирилл алфавитига кўчириш тўғрисидаги қонун»ни қачон қабул қилинган?**

**ЖАВОБ:** 1940 йил 8 майда эса ЎзССР Олий Советининг III сессиясида «Ўзбек ёзувини латин алфавитидан кирилл алфавитига кўчириш тўғрисидаги қонун»ни қабул қилди.

**474. Фашизм қандай мафкура?**

**ЖАВОБ:** Фашизм-дастлаб Италия ва Испанияда пайдо бўлган агрессив ҳаракат. Фашистик Германия бошчилигида 1939 йилда агрессив давлатлар дунёни қайта тақсимлаш мақсадида II-жаҳон урушининг бошланиб кетишига сабаб бўлади. Шу тариқа бу урушга жаҳоннинг 61 давлати яъни ер шари аҳолисининг 80% жалб қилинди.

**475. Фашистлар Германияси СССР муносабатлари тўғрисида нималарни биласиз?**

**ЖАВОБ:** 1939 йил 23 августда Москвада Германия ташқи ишлар вазири Роббентроп билан ўтказилган музокаралар жараёнида СССР ва Германия ўртасида 10 йил муддатга “Хужум қилмаслик тўғрисидаги” хужжат имзоланди. Лекин 1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси қўшинлари шартномани бузиб СССР худудига бостириб кирди. Шундан бошлаб Совет иттифоқи ҳам II-жаҳон уруши иштирокчиси, фашистларга қарши асосий кучга айланади.

**476. II-жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзбек халқининг қўшган хиссаси?**

**ЖАВОБ:** 1941 й. 22 июн-Тошкент, 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва б. шаҳарларда фашизмни бартараф қилишга чақирувчи митинглар бўлиб ўтади. Барча иттифокдош республикалар қатори Ўзбекистоннинг бутун моддий ва маънавий кучлари ғалаба учун сафарбар қилинади. Жанг майдонига Ўзбекистондан тах. 1,5 киши сафарбар этилади. Мудофаа фондига 650 млн сўм пул, 22 млн сўмлик қимматбаҳо буюмлар, 55 кг. олтин, иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқат махсулотлари етказиб берилган. Бундан ташқари уруш бўлаётган худудлардан аҳолининг химоясиз қолган қисми, саноат корхоналари эвакуация қилинган ва маҳаллий аҳоли қарамоғига топширилган. Кўчириб келтирилган корхоналарда фронт учун зарур бўлган курол-яроғ ва харбий техника етказиб берилган. фронтларда ўзбек маданият ва санъати соҳаси вакиллари аскарларнинг руҳини кўтариш мақсадида фаолият юритган.

**477. Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда давлат бошлиғи бўлган шахслардан кимларни биласиз?**

**ЖАВОБ:** 1987 йилда И.Б.Усмонхўжаев ўрнига Р.Нишонов (1987-1989) Ўзбекистон ССР Компартияси МКнинг 1-котиби этиб сайланди. Бу даврда халқнинг ижтимоий-иқтисодий ахволи янада оғирлашди.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон ССР Компартияси МКнинг XIV- пленумида И.А.Каримов Ўзб.ССР.Компартияси МКнинг 1-котиби этиб сайланди. Шундан бошлаб 1-навбатда ички тартибсизликлар яъни Фарғона, Бўка, Паркентда бўлиб ўтган тартибсизликлар ошкора муҳокама этилди ва асл сабаблари очиқ берилди. Республика ижтимоий-иқтисодий соҳаси ҳолисона таҳлил этилди.

**478. Ўзбекистонда мустақиллик учун замин бўлган қандай тадбирлар қилинган эди?**

**ЖАВОБ:**

- 1989 йил 21 октябрда Ўзб.ССР Олий Кенгашининг 11-сессиясида “Ўзб.ССР нинг давлат тили ўзбек тили” деб эълон қилинди.

- 1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашига сайлов ўтказилди.
- 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-чақириқ 1-сессиясида президентлик лавозими таъсис этилди ва И.А.Каримов Ўзб.Р. 1-президенти этиб сайланди.
- 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Унда Ўзб. Рес-сининг ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар келтириб ўтилди.
- 1990 йил баҳорда Болтиқбўйи республикалари, кейинроқ эса Грузия ва озарбайжон СССР таркибидан чиққанлиги эълон қилинди.
- 1991 йил 19-21 августда Г.И. Янаев бошлиқ Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси тузилди ва М.С.Горбачёвни ҳокимиятдан четлаштирдилар. Бу воқеа иттифокдош республикалар шу жумладан Ўзбекистонни ҳам жиддий талофатлар ҳамда қонли тўқнашувларсиз СССРдан ажраб чиқишига сабаб бўлди.

**479. Мустақиллик декларациясида алоҳида таъкидлаб ўтилган принципларни биласизми?**

**ЖАВОБ:** Унда ЎзССР Олий Кенгаши:

- Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари;
- ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсади;
- Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий маъсулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократик принципларга асосланиб ЎзССР давлат мустақиллигини эълон қилган.
- ЎзССРнинг суверенитети ўз ҳудудида ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлиги, чегарасининг дахлсизлиги таъкидлаб ўтилган.

**480. Ўзбекистонда мустақиллиги қачон эълон қилинган?**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 31 августда Ўзб.Рес.ОКнинг нав.ташқари 6-сессиясида Мустақил Ўзб.Рес-си ташкил этилганлиги эълон қилинди. 1-сентябр Ўзб.Рес. мустақиллиги куни деб белгилаш тўғ-даги қарор эълон қилинди.

**481. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини нечта давлат тан олган?**

**ЖАВОБ:** 1992 йили Ўзбекистоннинг мустақиллигини 120 мамлакат расман тан олиб, уларнинг 45 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ҳозирга келиб юртимиз мустақиллигини 165 та давлат тан олган ва дунёдаги 120 мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари йўлга қўйилган.

**482. Мустақил Ўзбекистон президентлигига қачон сайловлар бўлиб ўтди?**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 29 декабрда “давлат мустақиллигини мақуллайсизми?”

деган масалада умумхалқ референдуми ўтказилди ва мамлакатнинг 1-президенти этиб И.А Каримов сайланди.

2000 йил 9 январда 2-марта сайланган.

2008 йил 23 декабрда эса 3-марта сайланган.

**483. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари қачон қабул қилинди?**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 18 ноябрда (7-сессия) Ўзб.Рес. давлат байроғи тасдиқланди.

1992 йил 2 июлда (10-сессия) Ўзб.Рес. давлат герби тасдиқланди.

1992 йил 10 декабрда (11-сессия) давлат мадҳияси қабул қилинди.

**484. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинди?**

**ЖАВОБ:** Хар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири унинг Конституцияси ҳисобланади. Конституцияни яратишда АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Греция, Туркия, Эрон, Хиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари ўрганиб чиқилиб, қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, МДХ давлатларининг Асосий қонунлари ва конституция лойиҳалари кўриб чиқилди. Мазкур тажрибалар асосида 1991 й. октябр ойдан 1992 й. сентябр ойигача Конституциянинг 3-лойиҳаси яратилди ва у 1992 й. 26 сентябрда матбуотда умумхалқ муҳокамасига қўйилди. 1992 йил 8 декабрида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг XI сессиясида Ўзб.Рес.Конституцияси қабул қилинди.

**485. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси неча бўлим ва боблардан иборат?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат.

**486. I-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Асосий принциплар:

1-боб: Давлат суверенитети тўғрисида 1-6 моддалар;

2-боб: Халқ ҳокимиятчилиги тўғрисида 7-14 моддалар;

3-боб: Конституция ва қонун устунлиги тўғрисида 15-16 моддалар;

4-боб: Ташқи сиёсат тўғрисида 17-моддани ўз ичига олган.

**487. II-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари:

5-боб: Умумий қоидалар тўғрисида 18-20 моддалар;

6-боб: Фуқаролик тўғрисида 21-23 моддалар;

7-боб: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида 24-31 моддалар;

8-боб: Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида 32-35 моддалар;

9-боб: Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисида 36-42 моддалар;

10-боб: Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати тўғрисида 43-46

моддалар;

11-боб: Фуқароларнинг бурчлари тўғрисида 47-52 моддаларни ўз ичига олган.

#### **488. III-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Жамият ва шахс:

12-боб: Жамиятнинг иқтисодий негизлари тўғрисида 53-55 моддалар;

13-боб: Жамоат бирлашмалари тўғрисида 56-62 моддалар;

14-боб: Оила тўғрисида 63-66 моддалар;

15-боб: Оммавий ахборот воситалари тўғрисида 67-моддани ўз ичига олган.

#### **489. IV-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши:

16-боб: Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий ва давлат тузилиши тўғрисида 68-69 моддалар;

17-боб: Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисида 70-75 моддаларни ўз ичига олган.

#### **490. V-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши:

18-боб: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси тўғрисида 76-88 моддалар;

19-боб: Ўзбекистон Республикасининг президенти тўғрисида 89-97 моддалар;

20-боб: Вазирлар маҳкамаси тўғрисида 98 модда;

21-боб: Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида 99-105 моддалар;

22-боб: Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти тўғрисида 106-116 моддалар;

23-боб: Сайлов тизими тўғрисида 117-модда;

24-боб: Прократура тўғрисида 118-121 моддалар;

25-боб: Молия ва кредит тўғрисида 122-124 моддалар;

26-боб: Мудофаа ва хавфсизлик тўғрисида 125-126 моддаларни ўз ичига олган.

#### **491. VI-бўлими:**

**ЖАВОБ:** Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби тўғрисида 127-128 моддаларни ўз ичига олади.

#### **492. Ўзбекистонда мудофаа ишлари вазирлиги қачон ташкил қилинди?**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 6 сентябрда мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди.

#### **493. Қуrolли кучлар ўз фаолиятинининг асосларини биласизми?**

**ЖАВОБ:**

- қуrolли кучларга олий бошқарувни мамлакатимиз президенти амалга оширади. (Конституция 93-модда).
- қонун устунлиги;
- марказлашган бошқарув ва яқкабошчилик;

- доимий жанговор ва сафарбарлик ҳолатидан тайёргарлик;
- фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;
- ўз қудратининг муҳофаа учун оқилона зарурият даражаси кўрсаткичларга мувофиқлиги;
- коллектив ҳавфсизлик тизимини барпо қилиш;
- ҳарбий интизомга риоя қилиш;
- партиясизлик;
- ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш.

**494. Қўролли кучлар академияси қачон ташкил этилган?**

**ЖАВОБ:** 1995 йил 22 сентябрь.

**495. Ўзб.Р.нинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлида олиб борган ислохотларининг устивор йўналишлари.**

**Сиёсий соҳада:**

**ЖАВОБ:**

- халқ, ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат Хокимиятини идора этишда тўла иштирок этиши;
- Хокимият бўлинишини жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчилиқни барпо қилишни;
- жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;
- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;
- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яқка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишни;
- демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни шакллантиришни;
- Ўзбекистонда туғилиб, шу заминда яшаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъий назар республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси эканлигини билдиради.

**496. Иқтисодий соҳада:**

**ЖАВОБ:**

- Миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор иқтисодиётни барпо этишни;
- ижтимоий жихатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;

- мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;
- корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш йўлидан боради.

**497. Ижтимоий ва маънавий соҳада:**

**ЖАВОБ:**

- инсонпарварлик ғояларига содиқликни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;
- маънавиятни қайта тиклашни;
- ўзбек тилини такомиллаштиришни;
- хурфидошлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;
- ижтимоий адолат нормаларни рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари-кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофаза қилишни таъминлаш;
- одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилилади.

**498. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда нечта партия фаолият юритмоқда?**

**ЖАВОБ:** 4 та: Ўзбекистон ХДП, “Адолат”СДП, Ўзбекистон ЛДП, “Миллий тикланиш”ДП ва “Фидокорлар” МДП 2008 йилда бирлашиб кетган.

**499. Ўзбекистон халқ демократик партияси:**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойида ташкил топган ва дастури ҳамда низоми қабул қилинган. ХДПнинг “Ўзбекистон овози”, “Голос Ўзбекистана” газеталари ва “Мулоқот” журнали нашр этилмоқда.

**500. “Адолат” социал-демократик партияси партияси қачон ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** 1995 йил 18 февралда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойида ташкил топган ҳамда дастури ва Низоми қабул қилинган. Адолат СДПнинг “Адолат” номли газетаси нашр этилмоқда.

**501. “Миллий тикланиш” демократик партияси партияси қачон ташкил топган?**

**ЖАВОБ:** 1995 йил 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойида ташкил топган ҳамда дастури ва Низоми қабул қилинган. Партиянинг “Миллий тикланиш” номли ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

**“Фидокорлар” миллий-демократик партияси** 1998 йил 28 декабрда

Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил топган ҳамда дастури ва Низоми қабул қилинган. Партиянинг “Фидокорлар” номли ҳафталик газетаси нашр этилмоқда. 2008 йилда Миллий тикланиш ДПга билан бирлашиб кетган.

**502. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси:**

**ЖАВОБ:** 2003 охирида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил топган ҳамда дастури ва Низоми қабул қилинган. Партиянинг “XXI аср” номли ҳафталик газетаси нашр этилмоқда.

**503. Ўзбекистонда фаолият юритаётган қандай жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларини биласиз?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон “Халқ бирлиги” (1995 йил май. Газетаси “Бирлик”), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (1996 й. 17 апрел. 2001 й. 24 январда қайта ташкил этилган.), Ўзб.Рес. “Хотин-қизлар қўмитаси” (1991 й. 1 март), “Нуроний” жамғармаси (1996 й. декабр). Бундан ташқари, “Соғлом авлод учун”, “Экосан” халқаро жамғармалари, “Маҳалла”, “Наврўз” хайрия жамғармалари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи “Улуғбек”, “Истеъдод”, “Меҳр шавқар ва саломатлик”, “Болалар”, “Амир Темур”, “Алишер Навоий” ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**504. Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларини йўлга қўйган қандай халқаро ташкилотларни биласиз?**

**ЖАВОБ:**

➤ БМТ, ЮНЕСКО, НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ўзбекистон жаҳондаги 105 та мамлакатни бирлаштирувчи Қўшилмаслик ҳаракати, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро иттифоқи, Ислон Конференцияси ташкилоти, Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Божхоналар ҳамкорлиги кенгаши, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича иттифоқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро автомобилчилар иттифоқи, Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё ва Тинч океани хавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгаши, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қора денгиз мамлакатлари иқтисодий уюшмаси, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ва бошқа ташкилотларга аъзодир.

**505. Ўзбекистон Республикаси қуйидаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлган:**

**506. МДХга:**

**ЖАВОБ:** 1991 йил 21 декабрда аъзо бўлди.

**507. БМТга:**

**ЖАВОБ:** БМТга 1992 йил 2 мартда аъзо бўлган. 1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди.

**508. Ўзбекистон Республикасида БМТ ваколатхонаси қачон очилган?**

**ЖАВОБ:** 1993 йил 24 октябрь.

**509. ЕХХТга:**

**ЖАВОБ:** 1992 йил февралда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

**510. ИХТга:**

**ЖАВОБ:** 1992 йил 16-17 февралда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлди.

**511. ШХТга:**

**ЖАВОБ:** 2001 йил 15 майда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган.

**512. Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг қандай дастурига аъзо бўлган?**

**ЖАВОБ:** 1995 йилда НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига аъзо бўлган.

**513. Ўзбекистон Республикаси ва Европа иттифоқи ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим қачон имзоланган?**

**ЖАВОБ:** 1996 йил июлда Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган.

**514. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Дастурга кўра ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**515. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида:**

**ЖАВОБ:** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан Ўзбекистонда янги турдаги 9 йиллик ўрта ва 3 йиллик ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимини яратилди. Мустақиллик йилларида республикада замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари яратилди ва ўқув жараёнига жорий этилди.

**516. Олий таълим тизимида:**

**ЖАВОБ:** Ўқитиш усули 5-йиллик умумий олий таълим тизими ўрнига 4-йиллик бакалавриат ва 2-йиллик магистратура тизими жорий этилди.

Ҳозирда республикада 64 та олий ўқув юрти, жумладан, 16 та университет фаолият кўрсатмоқда.

**517. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаёган халқаро университетлар:**

**ЖАВОБ:**

- Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминестер университети,
- М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети,
- И.М.Губкин номидаги Нефть ва газ Россия давлат университети,
- Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиаллари,
- Сингапур университети.

**518. Мустақиллик даврида бунёд этилган музейлар:**

**Темурийлар тарихи давлат музейи:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда 1996 йил 18 октябр.

**519. “Қатахон қурбонлари хотираси” музейи:**

**ЖАВОБ:** Тошкентда 2002 йил 27 август.

**520. Тошкент Ислом университети қачон очилди?**

**ЖАВОБ:** Тошкентда 1999 йил.

**521. “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи қачон очилди?**

**ЖАВОБ:** Тошкентда 2000 йил 12 май.

**522. Ўзбекистонда икки палатали парламентга сайловлар қачон бўлиб ўтди?**

**ЖАВОБ:** 2004йил декабр-2005 йил январ.

**523. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қачон ташкил этилди?**

**ЖАВОБ:** 2005 йил 27 январ.

**524. “Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик (омбудсман)” тўғрисидаги қонун қачон эълон қилинган?**

**ЖАВОБ:** 1997 йил 24 апрель.

**525. Ўзбекистон Республикаси қачон ЮНЕСКОга аъзо бўлган?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКОга 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлган.

**526. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қачон ва қайси улут алломаларимиз, тарихий шахсларимиз, қадимий шаҳарларимиз, маданий меросимиз намуналарининг юбилейлари нишонланган?**

**Алишер Навоий таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1991 йил – 550 йиллиги;

**527. Мирзо Улуғбек таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1994 йилда – 600 йиллиги;

**528. Амир Темур таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1996 йилда – 660 йиллиги;

**529. Бухоро ва Хива шаҳарларининг**

**ЖАВОБ:** 1997 йилда – 2500 йиллиги;

**530. Аҳмад Фарғоний таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1998 йилда – 1200 йиллиги;

**531. Имом ал-Бухорий таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1998 йилда – 1225 йиллиги;

**532. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 1999 йилда – 800 йиллиги;

**533. «Алпомиш» эпосининг**

**ЖАВОБ:** 1999 йилда – 1000 йиллиги;

**534. Бурхониддин Марғиноний таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 2000 йил – 910 йиллиги;

**535. Имом Мотуридий таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 2000 йилда – 1130 йиллиги;

**536. Камолиддин Бехзод таваллудининг**

**ЖАВОБ:** 2000 йил – 545 йиллиги;

**537. «Авесто» яратилганининг**

**ЖАВОБ:** 2001 йилда – 2700 йиллиги;

**538. Термиз шахрининг**

**ЖАВОБ:** 2002 йилда – 2500 йиллиги;

**539. Шаҳрисабз шахрининг**

**ЖАВОБ:** 2002 йилда – 2700 йиллиги;

**540. Абдухолик Гиждувоний таваллудининг**  
**ЖАВОБ:** 2003 йилда – 900 йиллиги;

**541. Қарши шаҳрининг**  
**ЖАВОБ:** 2006 йилда – 2700 йиллиги;

**542. Хоразм Маъмун академиясининг**  
**ЖАВОБ:** 2006 йил – 1000 йиллиги;

**543. Марғилон шаҳрининг**  
**ЖАВОБ:** 2007 йилда – 2000 йиллиги;

**544. Самарқанд шаҳрининг**  
**ЖАВОБ:** 2007 йилда – 2750 йиллиги нишонланган.

**545. Қайси йил “Амир Темур йили”**  
**ЖАВОБ:** 1996 йил.

**546. “Инсон манфаатлари йили”**  
**ЖАВОБ:** 1997 йил.

**547. “Оила йили”**  
**ЖАВОБ:** 1998 йил.

**548. “Аёллар йили”**  
**ЖАВОБ:** 1999 йил.

**549. “Соғлом авлод йили”**  
**ЖАВОБ:** 2000 йил.

**550. “Она ва бола йили”**  
**ЖАВОБ:** 2001 йил.

**551. “Меҳр-мурувват йили”**  
**ЖАВОБ:** 2003 йил.

**552. “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”**  
**ЖАВОБ:** 2006 йил.

**553. “Фахрийлар йили”**  
**ЖАВОБ:** 2007 йил.

**554. “Ёшлар йили”**  
**ЖАВОБ:** 2008 йил.

**555. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган?**  
**ЖАВОБ:** 2009 йил.

**556. 2007 йилда Тошкентга қандай унвон берилди.**

**ЖАВОБ:** Мусулмон оламидаги мамлакатларни бирлаштирган Ислом конференцияси ташкилоти таркибига кирувчи Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деган ном берилди.

**557. 2007 йилда Тошкентга қандай унвон берилди.**